

R 496
1983/8



ГУЛИСТОН
8
1983




Сирдарёнинг эски ўзани тўсилиб, кўллар ҳосил қилинаётир.

Дарё ҳавзаларидаги янги ерлар текисланмоқда.



СИЁСИЙ ВОҚЕА



Ҳар бир жамиятнинг қиёфаси пировад натижада унинг ишлаб чиқарувчи кучлари ривожланиш даражаси билан, ишлаб чиқариш муносабатларининг характери ва ҳолати билан белгиланиши яхши маълум. Ҳозир биз ўзимизнинг ижтимоий тараққиётимизда ишлаб чиқарувчи кучларда чуқур социал ўзгаришлар қилиш ва шунга мувофиқ равишда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш пишиб етилибгина қолмай, шу билан бирга муқаррар бўлиб ҳам қолган тарихий бир маррага етиб келдик. Бу — бизнинг шунчаки истагимиз эмас, ўртоқлар, бу — объектив заруратдир, биз бу заруратни писанд қилмаслигимиз ҳам, четлаб ўтишимиз ҳам мумкин эмас. Одамларнинг онгида, устқурма деб аташ қабул этилган ижтимоий турмушнинг ҳамма формаларида ҳам шу билан ўзаро мустақкам боғлиқ равишда ўзгаришлар содир бўлиши лозим.

У. В. АНДРОПОВ

Меҳнат коллективларида авж олиб бораётган социалистик мусобақа жараёнида маҳсулот тайёрлаш ҳажмини ошириш, сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш, меҳнат унумдорлигини кўтаришга қаратилган кўпдан-кўп янгилликлар содир бўляпти, рекордлар юзга келяпти, ташаббуслар тугилляпти, сермеҳнат жараёналар механизациялаштириляпти. Илгор иш усуллари бошқа меҳнат коллективларининг ҳам мулки бўлиб қолаётди. Кечаги рекорд бугунги иш нормасига айланмоқда.

Меҳнат коллективларининг роли ортиб, бошқарув ишини такомиллаштириб боришдаги таъсири кучаймоқда. Ҳар бир кишининг коллектив олдидеги ва айни вақтда коллективнинг ҳар бир ходим учун жавобгарлиги барқарор тус олаётди. Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш ҳақидаги СССР Қонунини қақриқ СССР Олий Советининг сажкинчи сессияси томонидан тасдиқланди. Мазкур муҳим сиёсий ҳужжатда меҳнат коллективи катта куч эканлиги, унинг имкониятлари беқиёслиги, агар шу имкониятлардан тўғри ва самарали фойдаланилса, у коммунистик бунёдкорлик ишларимизда эришилмаган ютуқларни кўпайтиравериши алоҳида таъкидлаб ўтилган. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Июнь пленумида бу масалага яна алоҳида эътибор берилди.

— Меҳнат коллективлари ҳақидаги СССР Қонунидеги мана бу сатрлар,— дейди Тошкентдаги В. П. Чкалов номли Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғувчи слесарлар бригадари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Назрулла Маннопов,— айниқса эътиборни ўзинга тортади: «Меҳнат коллективлари: коллективлар аъзоларининг меҳнат ғайратини ҳар томонлама оширадиган, социалистик мусобақани, меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатини ривожлантирадиган». Бу меҳнат кишини катта ишонч бўлиб, унинг ташаббусини оширади. Дарҳақиқат, меҳнатга муносабат замирида катта гал бор. Иш жараёнидаги мулоқот коммунистик муносабатга айланган тақдирдагина кўзланган мақсадларга эришляди.

Бизнинг коллективимиз, жумладан, бригадамиз аъзолари меҳнат коллективи ҳақидаги Қонунни қизғин кутиб олдилар. Узаро ёрдам, бир-бирига ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлган кишини меҳнат умумий ишга катта наф келтиради. Мана, йигирма етти йилдири, шу корхонада ишлайман. Кўпгина шогирдлар тайёрладим. Ҳозир баъзилари муҳим участкаларда ишлямоқдалар. Улар бундай обрўга ҳалоллиги, жонкуярлиги билан эришлямоқдалар. Масалан, Саидхўжа Хўжааҳмедов бирлашмаимизда кўзга кўринган мастерлардан. У ишчилик шарафини ҳаммаша эъзозлаб келмоқда. Бу илгорлар ўз касблари сир-асорини ипидан-ипсига пухта эғаллаб олганлар, улар рационализаторлик тақлифлари билан ҳам умумишга катта мадад кўрсатаётдилар. Бир қанча ёшлар кундузи ишлаб, кечкурунлари олий техника таълими олшмоқда. Бригадамизда ишляётган Содиқон Уллоасов, Одилбек Содиқов, Нормат Бегимқулов каби шогирдларим ҳам политехника институтининг самолётсозлик факультетида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишляпти. Коллективимиз улар учун шароит яратиб берган.

Кўришиб турибдики, коллективга аъзо бўлган ҳар бир киши ягона мақсад йўлида жон куйдиради. Коллектив ишининг баҳоланиши кўпчилик меҳнатининг самарасига боғлиқ экан, бунда коллектив аъзоларининг жонкуярлиги, меҳнатга коммунистик муносабати, ўз билим ва касб малакасини муттасил ошириб бориши ҳал қилувчи роль ўйнайди. Социалистик мусобақани ташкил этишда коллектив аъзоларининг ҳиссаси пировад натижаларни кўпайтираверади.

Сўхбатга Шаҳрихон Атлас тўқиш фабрикаси ишчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Муҳаббатон Азимова қўшылади:

— Коллектив аъзоларининг меҳнатсеварлиги, юксак ахлоқи, ўзини корхонанинг ва мамлакатнинг чин хўжайини деб ҳис қилиши масаллари хусусида сўз айтқочиман, СССР Қонунида жуда тўғри таъкидлаб ўтилганидек, коллектив аъзолари социалис-

тик жамият қондаларига риоя қилишлари муҳимдир. Ишлаб чиқаришда тартиб ва интизомнинг роли ниҳоятда катта. Хом ашё вақтида етказиб берилмаса, ишчи дастгоҳ олдига тайёр турмаса ёки машина носоз бўлса, планни бажариш қийин. Корхонаимизда юзлаб кишилар ўз вазифаларини аниқ тушуниб, тартиб-интизом талабларига қатъий риоя этган ҳолда ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришлямоқдалар. Ун биринчи беш йиллик бошида Андижон облатининг бир группа донгдор ишчилари бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажариш ташаббуси билан чиққан эдилар. Улар орасида ўзим ҳам борлигим билан фخرланаман ва катта масъулият ҳис этман. Коллективга уюшган кишилар бракисиз, пропуслиз ишлаган тақдирдагина социалистик мажбуриятни бажариши мумкин.

Мен бир йўла тўрт дастгоҳда ишлаб, ҳар смекатта бойлик, коллективнинг имконияти. Баъзи ҳамнада бир соат вақт тежялман. Тежялган вақт — касбларимиз смена давомида тартиб-интизомга аниқ риоя қилмайдилар-да, планларини бажаролмайдилар. Ҳар сменада планга қўшимча маҳсулот тайёрлаётган ишчилар олдига улар ноқулай аҳолага тушиб қолган вақтлари ҳам бўлганки, коллективнинг кўмеги, таъсири ва тарбиявий тадбирлари тўғрисида улар ҳам илгорлар қаторидан ўрин эғаллашмоқда. Ҳидоятхон Ҳайитова, Ҳасанбой Шерматов, Жўраҳон Шерматова ва ўзим бир беш йилликда икки беш йиллик ҳажмида иш бажариш юзасидан олган мажбуриятларимизни бажариш учун астойдил курашляимиз. Яна 65 ишчи беш йилликни уч ярим-тўрт йилда адо этишга бел боғланган. Ишда тартиб-интизомга риоя этилгандагина унинг самараси яхши бўляди. Айниқса, тўқимачилик касбида иш участкаларидан бирини узилиш рўй берса, бутун жараёнга путур етади. Оқибатда умумий иш кўрсаткичлари салмоғи пасаяди. Биз меҳнат коллективлари ҳақидаги СССР Қонунида белгиланган ҳуқуқ ва имкониятлардан тўла фойдаланишимиз лозим.

— Меҳнат коллективлари ҳақидаги СССР Қонунини корхоналарда, муассаса ва ташкилотларда муҳокама қилинаётган кулларда бизда ҳам йиғилиш бўлиб ўтди,— деди ўз навбатида Самарқанд Кимё объектилари қурилиши бирлашмасининг бригадари, Ленин ордени кавалери Ёқуб Мамутов.— Уш янгилликда коллективимизнинг барча аъзолари Қонун лойиҳасини бир овоздан маъқулладилар. Унинг барча талабларига риоя этиш ишлаб чиқариш самарадорлиги таъминланишини таъкидладилар.

Бригадамизда илгор иш усулларига қатъий амал қилинмоқда. Бу эса объектиларни ўз вақтида, ҳатто мудатидан илгари ишга туширишимиз учун муҳим омил бўляётди. Бригада пудрати усулининг шарофати билан коллектив аъзоларининг масъулияти ортиб бораётганлигини ифтихор билан таъкидламоқчиман. Смена топшириқларини 150 процентдан ошириб бажараётган бригадамиз Самарқанд суперфосфат заводига янги объектиларни тезкорлик билан қуриб, фойдаланишга топширишга муваффақ бўлмоқда. Давлат Раҳмонов, Муса Курбонов, Абибулла Маматов, Сергей Пейсенов сингари тажрибали курувчиларимиз бригадамиз шоншарафни учун унумли меҳнат қилмоқдалар. Бригадир сифатида ана шуларга сўянаман. Янги Қонун партия ва ҳукуматимизнинг меҳнат коллективлари ўз имкониятларидан кенг фойдаланиш ҳақидаги ғамхўрлигининг яна бир ифодасидир. Меҳнат коллективлари ишлаб чиқаришни бошқаришдаги масъулиятларини тўла ҳис қилиш билан ўз обрў-эътиборларини оширишлари эндиликда маҳсус қонун билан муҳофазаланади. Демак, коллективнинг кучи унинг ўз зиммасидеги масъулиятни чуқур ҳис этишлядадир.

Ҳа, меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонун — социалистик демократияни ривожлантириш йўлидаги яна бир жозибадор ҳужжат бўлиб, у меҳнаткўшларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги иштирокини кучайтиради, ҳар бир меҳнаткўш ўз иш жойининг қонуний ҳужайини деб ҳис этишини тўла таъмин этади.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



**Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадиий журнали**

№ 8 (402)

Август

1983

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

**Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти**

ИЛҶОМБАХШ ДАЪВАТ

УЙҒУН.

Ўзбекистон ССР халқ шоири

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Июнь пленумида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг сўзлаган нутқини бутун совет кишилари зўр эътибор билан тингладилар, матбуот саҳифаларидан қайта-қайта ўқиб, ўзларининг келгуси иш планларини янада ёрқинлаштириб олдилар. Дарҳақиқат, Ю. В. Андроповнинг Июнь

пленумида сўзлаган нутқи ва пленум қарори биз ёзувчилар учун ҳам дастуруламалдир. Унда ижтимоий фанларнинг, шунингдек, адабиёт ва санъатнинг социалистик жамиятимиздаги аҳамияти алоҳида уқтириб ўтилди. Ю. В. Андроповнинг: «Партия талантларга, санъаткорнинг ижодий изланишига ҳурмат билан қараб, уларни ардоқлаб келаяпти, уларнинг

иш формалари ва услубига аралашаётгани йўқ. Ленин санъатининг гоёвий мазмунига бефарқ қарай олмайди. Партия санъатнинг ривожланишини ҳаммиша у халқ манфаатларига хизмат қиладиган тарзда йўналтириб бораверади», деган чуқур ва ҳаётий сўзлари биз ёзувчилар учун илҳомбахш даъват бўлиб жаранглади. Коммунистик партия раҳнамолигида совет ёзувчилари ва санъаткорлари ўзларининг бутун ижодий фаолиятларини халқ хизматиغا йўналтириб келдилар. Бинобарин, биз, совет ёзувчилари бундан кейин ҳам жонажон Коммунистик партия қақиригига лаббай деб жавоб берамиз ва халқнинг маданий савиясини юксалтирадиган гоёвий-бадий жиҳатдан барнамоил асарлар яратишга бутун талантимизни ҳамда ижодий ғайратимизни сафарбар этаверамиз.

БУНЁДКОРЛАР



Бутун совет халқи каби, Ҳисорак қурилиши трестига қарашли 4-қурилиш бошқармасининг Жамила Музаффарова бошлиқ бўёқчи қизлар бригадаси аъзолари ҳам КПСС Марказий Комитети Июнь пленуми, ўнинчи қақирғи СССР Олий Советининг саккизинчи сессияси материалларини мамлакатнинг тўла ҳуқуқли ҳўжайини бўлган, ўз миқёси ва мураккаблиги жиҳатидан улўғвор вазифаларни ҳал этаётган, коммунизмнинг актив бинокори — совет кишиси ҳақидаги гамхўрликнинг яна бир намунаси сифатида қабул қилдилар. Суратда: [чапдан] Валентина Муродова, Саломат Муҳамедова, Норчўчўк Юсупова, Санам Одинаева, Зўҳра Исмоилова, Жамила Музаффарова, Гулжаҳон Қодирова, Мақсадова Ашурова ва Зулайқо Исмоилова ўртоқлар.

Е. Ботиров фотоси

ИШЧИ ВИЖДОНИ

Дилбар ҚУЛМАТОВА,

Тошкент Тўқимачилик комбинати ишчиси, КПСС XXVI съезди делегати, СССР Олий Советининг депутати

Биз, ишчилар, мамлакат олдидаги катта иқтисодий ва социал вазифаларни бажаришга ҳисса қўшаётганлигимиз билан чин дилдан фахрланамиз. Дастгоҳ ёнида меҳнат қиладиган ҳамкасбларим эл фаровонлигини оширишда фаол қатнашиб, аҳолининг ип газламаларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун кураш мўсабақасида янгидан-янги имкониятларни ишга солмоқдалар.

Партияимизнинг эътибор ва гамхўрлиги тўфайли корхонаимизнинг техникавий жиҳозланиш даражаси ортиб бормоқда. Бу эса, махсўлот тайёрлаб чиқаришни кўпайтиришда, махсўлот сифатини яхшилашда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. КПСС Марказий

Комитетининг Июнь пленуми аҳолининг ортиб бораётган эҳтиёжларини янада тўқисроқ қондириш учун меҳнат унўмдорлигини тўбдан ошириш вазифасини кўйди. Ишлаб чиқаришда ана шу кўрсаткичнинг мўтасил ўстириб борилиши иқтисодий соҳадаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилади. Улўғ доҳиймиз В. И. Ленин меҳнат унўмдорлигини ошириш янги ижтимоий тўзумнинг энг ички ишчи учун оқибат-натижанда энг муҳим, энг асосий вазифа, деб ҳисоблаганлиги бежиз эмас.

Корхонаимиз меҳнаткашлари комбинат цехларини таъмирлашнинг афзалликларини амалда кўриб турбдилар. Ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда

корхона ўчалкаларида таъмирлаш ишлари кенг кўламда олиб борилмақда. Бу эса янги техника ва ускуналардан унўмли фойдаланиш, шу тариқа махсўлот ишлаб чиқаришни мўтасил кўпайтириш, аҳоли эҳтиёжига мос келадиган ранг-баранг газламалар тайёрлаб чиқариш ҳажми ва сифатини тўбдан яхшилаш имконини беради.

Бизда кўп дастгоҳда ишлаш ҳаракати кенг кўлоч ёйган. Бир ишчининг бир неча дастгоҳни бошқариши янги имкониятларни ҳаракатга келтиришга ёрдам бермоқда. Бу усул меҳнат унўмдорлигини ошириб боришда ишчилар фаоллигини таъминлаётди.

Партияимиз Марказий Комитетининг Июнь пленумида ишчи виждони ҳақида алоҳида гапирилди. Ишчи виждони амрига қўлоқ солиб, ҳалол меҳнат қиладиган бунёдкорлар ажойиб натижаларга эришмоқдалар. Биз, тўқимачилар, партияимизнинг ички имкониятлардан самарали фойдаланиб, меҳнат унўмдорлигини ошириб бориш соҳасидаги даъватига янги-янги меҳнат зафарлари билан жавоб берамиз.

Абдухалил НОМОЗОВ,

Сурхондарё область, Сарносиё район партия комитетининг биринчи секретари

Янги инсонни камол топтириш коммунистик қурилишнинг жуда муҳим мақсадигина бўлиб қолмасдан, энг зарур шарт ҳамдир. Бу масала КПСС Марказий Комитетининг Июнь пленумида янада чуқур таҳлил этиб берилди. Биз, партия ходимлари, меҳнаткашлар орасида бўлиб, турли касб эгалари билан учрашганимизда, ўртага қўйилган вазифаларни адо этиш, режаларни аниқ белгилаб олиш борасида улардан жуда катта мадад оламиз. Меҳнат кишиларининг мурожазаси, уларнинг маслаҳатлари ва ўз тажрибалари ҳақидаги ҳикоялари омманинг онглигини ҳамisha таъкидлаб туради. Дарҳақиқат, социалистик давлат омманинг онглиги билан қудратлидир. Июнь пленумида партия идеологик, оммавий-сиёсий ишининг ақтуал масалалари кўриб чиқилганлиги бунинг яна бир ёрқин далилидир. Пленум совет кишиларини гоъвий-сиёсий, маънавий жиҳатдан ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашни тақомиллаштириш ҳақида янги тавсиялар ишлаб чиқди. Бу тавсияларни, бутун мамлакатимиз меҳнаткашлари сингари районимиз коммунистлари, барча пахтакорлар ва чорвадорлар ҳам астойдил қўллаб-қувватламоқдалар.

Айтиш кераки, кейинги йилларда социалистик демократияни кенгайтириш соҳасида катта ишлар қилинди. Депутатлар ва Советларнинг аҳоли билан алоқалари сезиларли даражада мустаҳкамланди. Гоъй муҳим қонун лойиҳалари үмүмхалқ муҳокамадан ўтказилиши амалий тўсга кириб бормоқда. Халқ назоратчиларининг роли кучайди, касаба союзларининг фаоллиги ошди.

Лекин идеология ишида, тарбиявий-сиёсий ишларимизда ҳал қилиниши лозим бўлган, тақомиллаштирилишини ҳаёт талаб қилиб турган масалалар ҳам бор. Бу ўринда лоақал қарорлар қабул қилиш тартибини кўздан кечириб чиқишнинг ўзи етарли. Пленумда жуда тўғри таъкидлаб ўтилганидек, қарорларнинг лойиҳаларини меҳнат коллективларида тобора кенг кўламда муҳокама қилиш, тегишли ҳолларда касаба союзлари, комсомол, хотин-қизлар ташкилотларининг хулосалари, меҳнаткашларнинг тақлифларига ниҳоятда зўр эътибор бериш катта наф келтиради.

Ниҳоят, ишда ошкоралик хусусида. Ишдаги кенг кўламли ошкоралик, раҳбар ходимларнинг аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб туришлари партия ва давлат органларининг фаолиятини халқнинг эҳтиёж ва манфаатларига яқинлаштиради. Катта-кичик вазифаларни ҳал қилаётганда бамаслаҳат иш тўтиш, коллективчилик партия ишида муҳим бўлиб қолиши зарур. Партияимизнинг кейинги ҳужжатларида ижтимоий ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш алоҳида масала қилиб қўйилмоқда. Оммани жаҳият ишларини бажаришга тобора кенг жалб этиш йўли истиқболли йўлди. Бутун мамлакатимиздаги каби, бизнинг районимизда ҳам коллектив пудрат, ягона наряд асосида ишлаш ўсули кенг қўлланилмоқда. Бундай усуллар қанчалик кенг ва изчил жорий этилса, ишлаб чиқаришда шунчалик кўп ютуқларга эришилишини ҳаёт кўрсатиб турибди.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети Июнь пленуми ҳужжатларини чуқур ўрганиб, унда ишлаб чиқилган асосий қоида ва хулосаларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилмоқдалар. Бу эса район хўжаликлари олдида турган иқтисодий ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажаришда меҳнаткашларнинг фаоллигини янада кучайтирмоқда.



Поп районидаги «Коммунизм» колхози звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ва Қаҳрамон она Зубарайхон Аҳмедова меҳнатда бахтини топган саодатли аёллардан.

Ҳ. Ҳайдаров фотоси
[ЎзТАГ фотохроникаси]

СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ

Жўра ТЕШАБОВЕВ,

киношунос

Социалистик жаҳият тўғрисидаги буюк ҳақиқатни кенг оммага етказиш, унинг афзалликларини тушунтириш, душман ташвиқотларининг бўҳтон эканлигини очиб ташлаш — маданиятимиз арбобларининг бурчидир.

Ўзбек киносанъати кейинги вақтларда маълум ютуқларга эришди. Энг яхши ўзбек киночилари республикамиздаги коммунистик қурилиш ютуқларини юксак бадийи шаклларда тарғиб қилмоқда, давримизнинг муҳим ижтимоий-ахлоқий муаммоларини ҳал этишга бадийи кўмаклашмоқда. Киносанъатимиз мавзу миқёси кундан-кунга кенгаётир. «Паранжи», «Афғонистон. Революция давом этади», «Турна дашти» каби ҳужжатли фильмлар фирмиимизнинг далили бўла олади.

Айни вақтда киносанъатимиз олдида муҳим муаммолар турганлигини ҳам эътибордан соқит қилиш мумкин эмас. Ўзбек кинодраматургияси давримизнинг гоъвий-бадийи савиясидан орқада қолгани

аниқ сезилиб қолди. Ҳалигача ўзбек пахтакорларининг, ишчи ва зиёлиларининг қаҳрамонона меҳнати киноэкранда тўла ва ёрқин ифодасини топганича йўқ.

Кинодраматургия муаммоси республикамиз жамоатчилиги диққатидан четда қолаётир, деб бўлмайди. Ўзбекистон ёзувчилари билан киносанъаткорлари давра сўҳбатиде бу нуқсонлар ҳалол очиб ташланди.

Партия бугун замонавий киносанъатнинг тараққиети жараёнидаги камчиликларни рўй-рост кўрсатиб берди. Биз бундан жиҳдий амалий хулоса чиқариб олишимиз даркор. «Гоъвий жиҳатдан ёт ва профессионал жиҳатдан заиф асарларга нисбатан,— деди Ю. В. Андропов Июнь пленумида сўзлаган нутқида,— актив, сезгир, эътиборли ҳамда шу билан бирга муросасиз марксча-ленинча танқид бадийи ижодиётга таъсир ўтказишнинг асосий методи бўлиши керак».

«СОЮЗ Т-9» ПАРВОЗДА



«Союз Т-9» кемаси командири, Совет Иттифоқи Қахрамони, СССР космонавт-учувчиси, полковник **ВЛАДИМИР АФАНАСЬЕВИЧ ЛЯХОВ**, «Союз Т-9» кемаси борт-инженери **АЛЕКСАНДР ПАВЛОВИЧ АЛЕКСАНДРОВ**.

А. Пушкарёв фотоси
(ТАСС—УзТАГ фотохроникаси)

Мамлакатимизда космик фазони тадқиқ этиш программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ана шу программга мувофиқ шу кил 27 июнь кунин Москва вақти билан соат 13 дан 12 минут ўтганда «Союз Т-9» космик кемаси учирилди. Кемани унинг командири, Совет Иттифоқи Қахрамони, СССР космонавт-учувчиси, полковник Владимир Афанасьевич Ляхов ва борт-инженер Александр Павлович Александровдан иборат экипаж бошқармоқда. Учиш программасига мувофиқ «Союз Т-9» кемаси «Салют-7»—«Космос-1443» орбитал комплекс билан муваффақиятли туташтирилди. Одатдаги тартибга кўра, Бошқариш марказининг мутасадди ходими космонавтлар В. А. Ляхов ва А. П. Александровдан иборат экипаж бошқарётган «Союз Т-9» космик корабли «Салют-7»—«Космос-1443» орбитал комплекс билан муваффақиятли туташтирилганини учининг биринчи кунин ўз дафтарига шартли терминлар ва рақамлар билан қайд этди. Бу, совет космонавтикаси тарихининг ўзига хос янги саҳифасидир.

Экипаж киши бошқарётган комплекс ичиде илмий-техник ва медицина биологик тадқиқотларини ҳамда бир қатор экспериментларини амалга оширади. Экипаж аъзолари — Владимир Афанасьевич Ляхов ва Александр Павлович Александров ўртоқлар космик техникани яхши эгаллаган, билимдон, чиниққан кишилардир. Чунинчи, В. А. Ляхов 1979 йилда «Союз-32» ва «Салют-6» орбитал станциясининг командири сифатиде космосга биринчи марта парвоз қилган эди. У ўшанда 175 кун давомида ўз ҳамкасби Валерий Рюмин билан биргалиқда муҳим илмий тадқиқотлар ўтказган эди. Бу тадқиқотлар натижаси космонавтика фаннимизининг янада ривожланишида муайян аҳамиятга эга бўлди. Космонавтаримиз В. А. Ляхов ва А. П. Александров вазисизлик ҳолатига кўникиш синовидан муваффақиятли ўтдилар. Шундан сўнг улар «Космос-1443» кемасидаги тегишли юкларни «Салют-7» станциясига ўтказдилар. Космонавтлар станция ичидаги зарур аппаратларнинг ишлаш ҳолатини текшириб кўрдилар ва илмий текшириш

ишларини бошлаб юбордилар. Космонавтлар оддий кўз билан ва махсус аппаратлар ёрдамида мамлакатимизнинг бепойн территориясини бир неча бор кузатдилар, баъзи жойларини «КАТЭ-140» ва «МКФ-6М» фотоаппаратларида суратга олдилар. Экипажнинг учиш программасида турли илмий ва халқ хўжалик вазифаларини бажаришга қаратилган кенг миқёсдаги тадқиқотлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Совет фани ва техникасининг қудрати билан яратилган «Салют-7»—«Союз Т-9»—«Космос-1443» орбитал комплекс тиңчилик фазоси бўйлаб муваффақиятли парвоз қилмоқда. Космонавтлар В. А. Ляхов, А. П. Александров ўртоқларининг кайфияти ва соғлиғи яхши. Улар учиш программасида кўзда тутилган навбатдаги вазифаларини бажармоқдалар. Дарҳақиқат, «Союз Т-9» ва «Салют-7»—«Космос-1443» орбитал комплексиде ўтказилган тадқиқотлар ва экспериментлар фаннимизни муҳим илмий янгиликлар билан бойитади, совет космонавтикамиз тараққиетида ўзига хос воқеа бўлади.

ҒАМХҮРЛИК — БУРЧИМИЗ

Тургуноу ЭГАМБЕРДИЕВА,

Халқ депутатлари Фарғона область Совети
ижроия комитети раисининг ўринбосари



Меҳнаткашларга социал таъминот хизмати кўрсатиши янада яхшилаш ва такомиллаштириш маҳаллий Советларнинг муҳим бурчидир.

КПСС XXVI съезди, партиямиз Марказий Комитетининг 1983 йил Июнь пленуми қарорларига илҳом олинган ҳолда областимизда аҳолининг социал таъминотини яхшилаш, кўп болали оилаларга давлат ёрдамини қўлайлаштириш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Маҳаллий Советлар раҳбарлигида область, шаҳар ва район социал таъминот бўлимлари 267 минг пенсионер ва нафақа олувчиларга хизмат қилмоқдалар.

Областни социал ва иқтисодий ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга мўлжалланган планида пенсия ва нафақаларни тўлаш мақсадларига 730 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган. Айниқса, сўнгги йилларда турли пенсия ва нафақалар учун ажратилаётган маблағлар миқдори ортиб бормоқда. Агар 1975 йилда областимиз меҳнаткашларининг социал таъминотига 102,4 миллион сўм сарфланган бўлса, 1982 йилга келиб бу рақам 131,7 миллион сўмдан ошди. Қарилки ва инвалидлиги учун белгиланган пенсияларнинг минимал миқдорини муттасил ошириб бориш, давлат корхоналари ходимлари ва колхозчиларнинг социал таъминот шартинларини тенглаштириш вазифалари муваффақиятли ҳал этилмоқда. Ҳозир областимизда истиқомат қилувчи ҳар олти кишидан бири ижтимоий-истеъмол фондлари ҳисобидан пенсия ёки нафақа олмақда.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кўп болали оналарни ҳуқуқат муқофотларига тақдим этиш, улар учун зарур меҳнат ва турмуш шартинларини яратиш масалалари область партия ва совет ташкилотларининг эътибори марказида.

Утган бир йилнинг ўзига 9 минг 375 нафар кўп болали она ҳуқуқат муқофотларига тақдим этилди. Улардан 293 нафари «Қаҳрамон она» деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Бугунги кунда 65 мингдан ортиқ кўп болали оналарга нафақа учун саккиз миллион сўм сарфланмоқда. Областимизда бугунги кунда ўзларининг самарали меҳнатлари билан эъзоз топан 515 нафар республика миқёсидаги шахсий пенсионер истиқомат қилмоқда. Эллик йилдан бери КПСС аъзоси Рисолат Раҳмонова, Чиннихон Эсонова, Савринско Бекназарова, Ҳикматой Бокиева, Чўплов Сариқсоқова каби онахонлар областимиз фахридорлар.

Область ижроия комитети оналикни муҳофаза қилиш, кўп болали оналарни маънавий ва моддий рағбатлантириш, уларга меҳнат қилиш ва фарзандларини тарбиялаш учун зарур шартинлар яратиш борасида Тошлоқ район, Тўхтабоев номида қишлоқ Советининг намунали ишларини чуқур ўрганиб чиқди ва уни жойларда кенг жорий этиш тadbирларини белгилади.

Маҳаллий Советлар фаолиятида иш юритишнинг янги формалари ва услублари тобора такомиллашиб бормоқда. Масалан, областимиз шаҳар ва районларида ўтган йилнинг август ойида биринчи марта қаҳрамон оналарни шарафлашга бағишланган «Оналик шухрати» байрамлари ўтказилди. Байрам тантанали равишда уюштирилиб, қаҳрамон оналар ҳақида мазмунли суҳбатлар ўтказилди, кўп болали оналарга «Қаҳрамон она» орденлари ва ҳуқуқатимизнинг бошқа муқофотлари ҳамда қимматбахо эсдалик совғалари топширилди. Бу шодиёнлар Коммунистик партия ва Совет давлатининг оналарга кўрсатаётган ғамхўрлигининг ёрқин намунишига айланди.

Маълумки, партия ва ҳуқуқатимиз Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига, инвалидларга катта ғамхўрлик қилмоқда. Уларга соғлиқни сақлаш, уй-жой, коммунал ва маиший хизмат, савдо ва бошқа муассасаларнинг хизматини уюштириш юзасидан имтиёзлар белгиланган. Масалан, ўтган йилда 1211 уруш инвалиди ва урушда ҳалок бўлганларнинг оналари

истиқомат қилаётган квартиралари ремонтдан чиқарилди. 164 уруш ветеранига квартиралар ва 140 инвалидга текинга «Запорожец» автомашинаси ва бошқа транспорт воситалари берилди. Уруш ва меҳнат ветеранларининг кўп қисми махсус санаторийда ўз саломатликларини мустаҳкамламоқда.

Уруш ветеранлари, ҳалок бўлган жангчиларнинг оналари тўғрисида ғамхўрлик қилиш областимизда умумхалқ ва жамъат ишига айланган. Уч юздан ортиқ корхона, ташкилот, колхоз ва совхозлар ана шундай оилаларга оталиқ ёрдами кўрсатмоқдалар. Айниқса, бу борада Киров, Бағдод, Бувайда, Қува, Ўзбекистон каби район ва шаҳарлардаги ибратли ишлар таҳсинга сазовордир. Масалан, Киров районидagi «Москва» колхозида кооператив жамият орқали уруш ва меҳнат ветеранларига 30 ўринли профилаторий қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Бувайда районидagi кўйма механизмлашган колонна бошлиги О. Мадраҳимов, Ленинград районидagi «Коммунизм» колхозининг раиси Н. Раҳматуллаев, Энгельс номидаги колхоз раиси С. Файзиматов сингари ғамхўр раҳбарларимиз бундай хайрли ишларга бош-қош бўлмоқдалар.

Партия ва ҳуқуқатимизнинг ветеранлар тўғрисидаги кундалик ғамхўрлиги уларнинг меҳнат активлигини ошириб юборди. Улар ўз ишлаб чиқариш корхоналарида, ташкилотларда ва хўжаликларда ишлашни давом эттирмоқдалар, бой тажрибаларини ёшларга ўргатмоқдалар. Областимизнинг барча район ва шаҳарларида пенсионерларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш бўйича комиссиялар тузилгани яхши самаралар бермоқда. Ҳозир халқ хўжалиги тармоқларида 32 мингдан ортиқ уруш ветеранлари ва пенсионерлар фойдали меҳнат билан машғулдирлар. Бундан ташқари, ҳар йили ўрта ҳисобда 30—40 минг пенсионер мавсумий ишларда қатнашмоқда.

Пенсионерларимиз Озиқ-овқат программасини бажариш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар давлатга 300 тонна гўшт, 600 тонна сўт, 1 миллион дона тухум, 12 минг тонна мева, 6 минг тонна сабзавот ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топширдилар. Ҳозирда пенсионерларнинг шахсий хўжаликларига 111 минг 394 қорамол ва 32 минг 618 бош қўй-эчки асралмоқда.

Шу ўринда қишлоқ хўжалиги ва чорва маҳсулотларини етиштириш юзасидан Тўхтабоев номидаги қишлоқ Совети пенсионерларнинг область ижроия комитети маъқуллаган ташаббуси ҳақида алоҳида тўхталишни истардик. Бу ажойиб ташаббус бошқа

хўжаликларда ҳам кенг қанот ёзмоқда. Биргина мисолини олайлик. Райондаги «Оқ олтин» колхозининг бир гуруҳ пенсионерлари правление раҳбарларига мурожаат этиб, жамоат чорвачилигини ривожлантириш мақсадида 30 бош қорамолни боққишга олдилар.

Пенсионерлар — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат муқофотининг лауреати Олиянон Султанонова, СССР Давлат муқофотининг лауреати Ф. Қўзибоева, Қаҳрамон она Р. Уринова сингари пиллакорларимизнинг ғайрати билан ўтган йили давлатга 3,5 минг тонна пилла топширилди.

Бундай ютуқларни қўлга киритишда партия, совет, касбада союз, социал таъминот ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ҳиссаси катта. 1982 йил натижаларига кўра ва эришилган ютуқларни учун область социал таъминот бўлими Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги ва давлат муассасалари ходимлари республика Касбада союзулари комитети Президиумининг кўчма Қизил байроғи билан муқофотланди. Шунингдек, кўчма Қизил байроқ билан Фарғона аёллар уй-интернати коллективи ҳам тақдирланди.

Эришилган муваффақиятларнинг бош омиллини социал таъминот ташкилотлари ходимларининг самарали меҳнати, кадрлар состави сифатининг ошишидан деб билишқ мумкин. Ҳозир социал таъминот системасида ишлаётган ходимларнинг 35 проценти махсус олий ва ўрта маълумотли кадрлар ҳисобланади.

Социал таъминот ташкилотларида снёсий-тарбиявий ишларга, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, кадрлар кўнимсизлигига барҳам беришга жиддий эътибор қилаёلمиз. Аҳолига қўлайлик туғдириш мақсадида социал таъминот ташкилотларининг иш графиклари қайта кўриб чиқилиб, дам олиш кўнлари граждандарни қабул қилиш йўлга қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, социал таъминот масалалари бўйича юқори партия, совет ташкилотларига тушаётган шикоят ва аризаларнинг камайишига олиб келмоқда.

Умуман, областимизда социал таъминот хизматини янада яхшилашга катта эътибор берилатёр. Бироқ ишмизда камчилик ва нуқсонлар, ҳал этилмаган муаммолар ҳам йўқ эмас. КПСС Марказий Комитетининг Июнь пленумида таъкидланганидек, ҳаёт долзарб масалаларни олдинга сурмоқда. Совет ташкилотларининг бурчи — меҳнаткаш инсон ҳақида доимий ғамхўрлик қилиш, унинг ҳаётий эҳтиёжларини иложи борича муқаммалроқ қондириб боришдан иборатдир.



Оналик бағти.



МАКТАБДА қўнғиндорнинг сўнги садолари ҳам тинди. Синфхона ва коридорларда, мактаб ҳовлиси ва йўлақларда ўқувчиларнинг шодон кулгилари, шўшан қийчувлари эшитилмай қолди. Ҳаммаёқ сокин бир осудалик кўйига чўмди.

Мавжуда опа жимжит коридорлардан ўтиб, бўм-бўш синфхоналарга муралар экан, болалар таълим-тарбиясига баҳшида этилган яна бир йиллик умрнинг мазмун-моҳиятини таҳлил этади, ўйга чўмади, тасаввурда ҳамшишалика қолажак хотиралар ҳаёлида қайта-қайта жонланади.

Мана, бошқа ўқитувчилар билан йўру у бу йил туртта ўининчи синф ўқувчиларини ҳаётга учирма қилди. Мактаб кучогини тарк этган ўз йиғирма бола — мисоли юз йиғирма оппоқ кабутар. «Ишқилиб, уларнинг барчасининг йўллари порлоқ, истиқболли гўзал бўлсин!»

Республикамизда машҳур рус тили муаллими, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, СССР Олий Советининг депутаты Мавжуда Саматованин ҳаёти мазмундор йилларга ниҳоятда бой. Уттиз уч йилдан бери унинг ҳаёти мактаб билан чамбарчас боғлиқ.

— Узинг тарбия берган инсон камалини кўриш — буюк шараф. Ана шу бахт туйғуси умримга мазмун, ҳаётимга завқу шавқ бағишлайди, — дейди Мавжуда Сандовна. Чекрасида нурунийлик бақиб турган Опа оппоқ сочларини оҳиста силаб, олис-олисларни кўз олдига келтиргандай мулоимлик билан сўзига давом этади. — Кўчаларда каттадан-кичик эъзоз-хурмат билан салом бериб ўтганда, у-бу жойда тасодифан бирор киши пешвоз юриб, самимият билан: «Мен сизнинг ўқувчингизман, салом, опа!» деганида дил-дилдан қувониб кетаман, ўқитувчилик касбининг барча машаққатлари унутилади-да, ич-ичимдан чинакам қонқиш туйғусини туйяман. Келажакни бунёд этаётган оддий ишчидан тортиб, партия ва ҳукуматимизнинг масъул лавозимларида хизмат қиладиган ўқувчиларим — менинг ўқувчилик камоли, менинг чинакам бахтим.

...Мавжуда Саматова ўқитувчилик касбига жуда ёшлигидан меҳр қўйди. Дастлаб отаси Абдусамед Сандов қизида рус тилида чиқадиган адабиётларга ҳавас уйғотди. «Бу тил — доҳийимиз Ленин тили, уни билмаслик — айб», дер эди Абдусамед ака.

Лекин Мавжуда отасидан эрта жудо бўлди — Абдусамед ака оғир касаллик туйфайи вафот этганида у эндигина ўн ёшга тўлган норасида қиз эди. Ҳали бирортаси ҳам балогаёт ёшига етмаган олти гўдак Гўтахон ая қарамоғида қолди. Она болаларни ўраб-чирмади, қандай қийинчилик бўлмасин, иложи борича уларни ўқитишга жазм этди. Онанинг меҳр билан парвариши туйфайи фарзандларнинг ҳаммаси жамиятда ўз ўрнига эга кишилар бўлиб етишди: Максуда Чилонзор райони социал тазминот бўлимининг мудираси даражасига кўтарилди; иккинчи фарзанд Маннон Сандов — ҳозирги пайтда машҳур рессом, санъат арбоби; ака-ука Тавфиқ ва Абдуалим Саматовлар Чкалов номидаги Самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида масъул лавозимларда ишлашмоқда; кенжа фарзанд Мохизода Абдусаматова — Тошкентдаги бадий буюмлар фабрикасининг смена мастери. Оиланин учинчи фарзанди Мавжуда Саматова эса олий мартабали депутат.

— «Ким эдигу ким бўлдики?» деган саволнинг амалий самараси минглаб оилалардан бири — бизнинг оиламиз тиссолидаёқ очик-равшан кўриниб турибди, — дейди Мавжуда опа. — Буларнинг барчаси партияимизнинг гамхўрлиги, социалистик жамиятиимизнинг шарофати туйфайлидир.

РУС ТИЛИ МУАЛЛИМИ

Жамият яратган имкониятлардан фойдаланиш билан бирга инсон ўзининг ўзлигини қўпчилик манфаатига чинакамига сафарбар эта билиши ҳам саодат калитидир. Ана шу йўлда тинимсиз изланиш гайратчан Мавжудани камолга етказган омиллардан бири бўлди У ўзини ўқитувчиликка чоғлаб, икки йиллик курсга кириб эндигина ўқини бошлаганда лаънати уруш ҳамма нарсани остин-устин қилиб юборди. Курс программаси бир йилга қисқартирилди. Бу орада уруш хавфи остида қолган корхоналар Тошкентга ҳам кўчириб келтирилди. Мавжуда ана шу корхоналардан бирида ишлаш билан бирга ҳарбий госпиталларда ҳамширалагар ердам берди: бир қанча дўноғалар бир бўлиб, ярадор жангчиларимизнинг номига келган хатларни ўқиб берад, хат ёзишга уларга кўмаклашар, концерт қўйишар, уларга далда берад эдилар. Жангчиларимизга нисбатан оташин меҳр душманга беадад нафрат туйғусини кучайтириб боради. Шунда у дўгонаси Уғилбой Мусеёва билан ҳарбий комиссариат сари йўл олди. Лекин комиссариат дағилар дўноғаларнинг ёшлигини бағона қилишди. Аҳдида қатий қизлар бунисига ҳам рози бўлдилар. 1943 йили ҳар бири 18 ёшга тўлган ўн икки дўгона ҳамширалик курсини тугатиб, яна ҳарбий комиссариат остонасидан ўтдилар.

Мавжуда жанг айна қизин тус олган Ростов шаҳридаги ҳарбий госпиталлардан бирида ҳамширалик қилди. Қримдаги Сапун тоғини ишғол этиш операцияларида қатнашди. Шунда тақдир иллари уни ўзбек жангчиси Аҳмаджон Муҳаммаджонов билан туташтирди. Батавоюн командирининг ўринбосари Аҳмаджон жангда оғир яраланган ва уни эзлик билан фронт ортига жўнатиш лозим эди. Унга ҳамроҳ бўлиб болиш ҳамшира Мавжудадга топширилди. Фронт йўлларида ҳафталаб юришлар давомида мустаҳкамланиб борган жанговар дўстлик аста-секин муҳаббатга айланди. Ҳозирги пайтда ана шу муҳаббат самараси бўлиши икки фарзанд — Анвар партия ходими, Акмал эса кибернетика соҳасида хизмат қилаётир.

— Рус тили ва адабиётига ихлос урушдан кейинги фаолиятини бел-

гилаб берди, — дейди Мавжуда опа. — Кўкюн Давлат педагогика институтида ўқидим, рус мактабларида ўзбек ва ўзбек мактабларида рус тилидан дарс берувчи мутахассислик дипломини олдим. Кўп йиллардан буюн поитахтимизнинг Октябрь районидаги Ойбек номи 115-мактабда ўқувчиларга рус тилидан таълим бериб келаётирман.

Тўртинчидан то ўиничи синфни битиргунча болаларни шахсан ўз тарбияси остига олиш Мавжуда Саматова педагогик фаолиятининг ўзига хос хусусиятидир. Ана шунда ҳар бир ўқувчи бир неча йиллар давомида ўқитувчининг доимий назорати остида бўлади, предметнинг асосии мукамалроқ ўлаштириш имконияти кенгай боради.

— Бу методни кенгроқ жорий этиш мумкин эмасми?

— Мумкин. Фақат бунинг бир жиҳати бор. Юқори синфларда рус тилига ажратилган соатлар тобора қисқариб боради. Қуйи синфларда эса дарс соатлари кўп. Ўқитувчи моддий манфаатдор шахс сифатида ҳам масаланин мана шу томонини йўлаб, қуйи синфлардан дарс олишга интилади. Ана шу баҳонада айтиб ўтиш керакки, қуйи синфларда рус тилига ажратилган соатларни қисқартириш эвазига юқори синфларда дарс соатларини кўпайтириш, шубҳасиз, анда яхши самаралар берган бўларди.

— Утган йили ёзги таътил пайтда бир гуруҳ юқори синф ўқувчилари билан Грузия, Арманистон, Озарбайжон республикаларини айланиб қайтди, — дейди мактаб директори Муборак Исеева. — Ана шу сафар чоғида ўқувчиларимиз рус тили воситасида қардош қалқлар вакиллари билан эркин муомалада бўлганликларига гувоҳман. Уларга пухта таълим берган Мавжуда Саматова ва бошқа ўқитувчиларимиз меҳнатининг самараси мени чекисиз қувонтирди.

Тошкентдаги Октябрь район ҳарбий комиссариати ҳам Совет Армияси сафига қаҳирлувчи ёшлар орасида 115-мактаб йигитларининг бу борада етук эканлигидан ниҳоятда миннатдор.

— Миллатлараро муомала воситасига айланган рус тилини мукаммал



эгаллаш ёшларимизнинг бурчидир, — дейди Мавжуда опа. — Зотан, фан-техника революцияси даврида ёшларимиз рус тилини қанчалик яхши эгаллаб олсалар, улар Ватанимиз экономикасини мустаҳкамлашга, мудофая қобилиятини кучайтиришга шунчалик кўпроқ ҳисса қўшадилар.

Мавжуда Саматова икки қаҳирқдан буюн СССР Олий Советининг депутаты сифатида эл ишончини, партия ва ҳукуматимизнинг ишончини чинакамига оқлаб келаётир. У ўиничи қаҳирқ СССР Олий Советининг саккизинчи сессиясида сўзга чиқди. Унинг сўзларини олам тинглади. Халқ ва партия ишонч билдирган энг юксак минбардан туриб: «Мен ўзимнинг кўп миллатли республикам билан фахрланаман, — деди у. — Бу республикада 100 дан кўпроқ миллат ва элат аҳил оила бўлиб яшамоқда...»

— Мен — энг инсонпарвар касб соҳибаси — мактаб муаллимаси, рус тили ўқитувчисиман. Мен — ўзбек халқининг қизи ифтихор ва чуқур мамнуният туйғуларига тўлиб, болаларга оғамиз ва дўстимиз улуг рус халқининг тилини, улуг Ленин тилини ўргатмоқдаман. Бу тилни совет кишилари миллатлараро муомала қилиш воситаси сифатида ихтиёрий равишда қабул қилган бўлиб, у барча миллатлар ва элатларнинг бир-бирлари билан яқинлашувига, дўстлик ва қардошлиқни мустаҳкамлашга, тинчлик ва социал тараққиёт идеалларини ҳормай-толмай тарғиб этишга хизмат қилмоқда».

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов таъкидлаганидек, «ҳар бир миллатнинг миллион-миллион кишилари турмушидан табиий ўрин олган рус тили мамлакат иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида, ундаги барча миллат ва элатларни ўзаро яқинлаштиришда, уларни жаҳон цивилизацияси бойлиқларидан баҳраманд қилишда бениҳоят зўр аҳамиятга молик омил бўлиб хизмат қилмоқда».

Улуг Ленин тилига фарзандларимиз қалбида муҳаббат уйғотаётган шарафли касб эгалари сафига камтарини ва оқила Мавжуда Саматованин ҳам муносиб улуши бор.

Баҳодир АМИНОВ

ССР Иттифоқи Большой театрининг ўзбек ва рус санъаткорлари ҳамкорлигида яратилган «ҲИД ДОСТОНИ» балети тошкентликларнинг ҳам севилими асарига С. Маҳмамов фотоси



ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Июнь пленуми инсоннинг маънавий эҳтиёжларини шакллантириш, юксак даражага кўтариш, шахсининг гоёвий-сиёсий ва маънавий қиёфасига актив таъсир қилиш социалистик маданиятнинг энг муҳим вазифаси эканлигини уқитиб ўтди. Шунингдек, ўзининг инсонпарварлиги, ижодий рангбаранглиги ва бадний бойлиги билан кишини мафтун этувчи совет маданияти халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ишига фаол ёрдам бераётганлигини, ўтган йилнинг ўзида турт юзга яқин совет санъати коллективи юздан ортиқ мамлакатга бориб келганлигини таъкидлади. Агар бу ҳисобга мамлакатимиз миқёсидаги маданият кўнларини, гастролларини, адабий-маданий тадбирларни қўшадиган бўлсак, Иттифоқимиз кўп миллатли адабиёти ва санъати жараёни ўзаро таъсир, бир-бирини бойитиш эвазига муттасил ривожланиб бораётганлиги аққол кўринади. Чунинчи, кейинги ойлار давомида серқуёш ўлкамизда Урта Осиё ва Қозоғистон республикалари драматургларининг ижодий конференцияси, Македония Социалистик Республикаси маданияти кўнлари, Озарбойжон киноси кўнлари, А. Юролов номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли республика академик рус хор капелласи, Мухтор Аvezов номидаги Қозон давлат академик драма театри, Томск музикали комедия театри гастроллари, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 500 йиллиги, инқилоб жараёни Владимир Владимирович Маяковскийнинг 90 йиллик юбилеи, анъанавий Пушкин шеърини кўн-



Македониялик адиблар Ўзбекистон ССР Езувчилар союзида ҳам меҳмон бўлдилар. [Чапдан] шоир, академик Славя Яневски, академик Матей Матевски ва бошқа ўртоқлар Ўзбекистон ССР Езувчилар союзи правленийси секретари Унтам Усмонов билан суҳбатлашмоқдалар.

Н. Шарипов фотоси

лари, Шаҳрисабзда республика шоир-бахшилари кўрик-конкурси ва бошқа маданий тадбирлар зўр муваффақият билан ўтди. Шунингдек, пойтахтимиз санъат мухлислари икки марта Ленин орденли ССР Иттифоқи

давлат академик Большой театри гастролли давомида «Ҳинд достони», «Жизель» балетлари, «Шопениана» концерт программаларидан олам-олам завоқ олдилар. Республикаимиз маънавий ҳаётинда дўстлик найкама-

лаги ҳосил қилган бу маданий анжуманлар қардош халқларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатлик яна ҳам кучайишига, гоёвий-бадний жиҳатдан юксак янги асарлар яратилишига ёрдам бериши шубҳасиздир.



Урта Осиё ва Қозоғистон республикалари драматурглари ижодий конференцияси иштирокчиларидан бир гуруҳи: 9. Умарбеков [Тошкент], Н. Миросиниченко [Москва], А. Салинский [Москва], М. Бахтия [Душанбе] ва С. Жунусов ўртоқлар ўзаро суҳбатда.

А. Кошкин фотоси УЗАГ.

«СУРХОН ТАРОНАЛАРИ»

Бир зум гўзал республикаимизнинг харитасини кўз ўнгингизга келтиринг. Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларини, Фарғона водийсини, Хоразмни ва Қорақалпоғистон автоном республикасини, кўҳна ва навқирон пойтахтимиз Тошкентни хаёлан кезинг. Мана шунда халқимиз яратаётган меҳнат мўъжизаларини бутун кўлами билан ҳис қиласиз, кўнглингиз ифтихор туйғуларига тўлади. Мамлакатда ягона Тошкент Трактор заводи ишчиларини, Иттифоқимиз қурувчиларининг пешқадами Фарғона уйсулик комбинати бунёдкорларини, бригада пудратини жорий этиш зарбдорлари—республикаимиз шахта курилиши меҳнатчиларини, ҳамма областларимиздаги пахта усталарини кўз ўнгингизга келтирганингизда, юрагингиз жўш уради, куйлаб юборгингиз келади, албатта.


Дарҳақиқат, кўшиқ, рақс, умуман, санъат халқнинг маънавий оламини

ақс эттириб турувчи ажиб бир кўзгудир. Бадий ҳаваскорлик эса санъат дарёсини тўлдириб-тоширувчи манбалардан биридир. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз бадий ҳаваскорликни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга, ривожлантиришга аҳамият бермоқдалар. Биргина Сурхондарё областида Бойсун районидagi «Шалолла», Сарисий районидagi «Роҳат» ва «Райхон», Шўрчи районидagi «Кумуш тола» каби қўллаб ашула ва рақс халқ ансамбллари ишчилар, пахтакорлар, чорвадорларга маданий хизмат кўрсатмоқда. Бу ансамблларнинг репертуаридан миллий кўшиқ ва рақслар билан бирга, қардош совет халқларининг куйлари, ўйинлари ҳам кенг ўрин олган.


Ғагарин районидagi «Советобод» совхозда 1977 йили ташкил этилган «Сурхон тароналари» бадий ҳаваскорлик ансамбли ҳам Сурхондарё

области меҳнаткашлари ўртасида йилдан-йилга эътибор қозониб бормоқда. Бу ансамбль 1982 йили халқ ансамбли деган юксак номга сазовор бўлди.

— Халқ ансамбли иштирокчиси... Биз шундай шарафли ўнвонга муносиб кўрилганимиз билан фахрланамиз,— дейди ансамблнинг бадий раҳбари ва балетмейстери Муборак Ҳақбердиева.— Коллективимиз 60 кишидан иборат. Улар орасида совхоз ишчилари, чорвадорлар, хизматчилар, бошқа касб эгалари бор. Уларнинг кўплари ансамблда ўз ижодий салмоғига эга. Масалан, раққосамиз Раъно Пиримова «Даврамизга марҳабол» телевизион фестивалида иштирок этди, шунингдек, ўтган йили республикаимиз пахтакорларининг олти миллион тонналик буюк ғалабасига бағишлаган В. И. Ленин номидаги Халқлар дўстлиги саройида берилган катта концертда оммавий ўйинда



Раққоса Раъно Пиримова.



«Сурхон тароналари» қизлари...

Е. Ботиоров фотолари

М. ШЕРҚУЛОВ

чиқди. «Даврамизга марҳабол» телевизион фестивалининг яна бир қатнашчиси Замира Абзиева, ҳаваскор хонанда Тиломурод Омонов ҳақида ҳам севиниб гапириш мумкин...

Мамнуният билан таъкидлаш мумкинки, «Сурхон тароналари» ансамбли ўз репертуарини ғоявий-бадий жиҳатдан муттасил бойитиб боришга интиломоқда. Унинг Руминия Социалистик Республикасига қилган ижодий сафари муваффақиятли ўтгани ҳам шундан далолат беради.

— Ансамблимизнинг Руминия сафари натижаларидан хурсандмиз,— дейди ҳаваскор раққоса ва лаперчи—совхоз ишчиси Улжамол Раҳмонова.— «Сурхон тароналари» бу сафардан яна ҳам ижодий ғайратга тўлиб қайтди. Биз областимиз пахтакорлари, ишчилари, чорвадорлари ҳузурига тез-тез чиқиб туриши, сиақидилдан маданий хизмат кўрсатишга бурчлимиз. Томошабинларнинг «Муродингизга етинг!» деган олқиши бизнинг кўнглимизни тоғ қилади.

— Муродингизга етинг, «Сурхон тароналари» иштирокчилари!

Ҳамидулла ЕҚУБОВ

ЭНГ ЯХШИ НАРСА БИЗГА

Анча бизбон спорт майдони
Сакраш,
Сузиш,
Чопишинг мумкин.
Футбол, кураш — тенгқурлар жони
Ўқ-ёйдан ҳам отишинг мумкин.

Боққа кирсанг, танингга роҳат,
Учсанг тайёр қайиқ, аргиммоқ,
Истасанг бор сайил, савҳат
Маза жойлар биз учун, ўртоқ.

ШАМОЛОЙ

Куш инига сероб боб
Ичида кўп полапон,
Ингалашар:
«Чу-а, чий, чу-р».

Шамолой эшитган чоқ
Эсар тез, шулар томон.
Бешиқ тебратган каби
Шоҳ еллиб ҳўштак чалар.
— Гу-у-а,— дер,
— Чу-у-а,— дер, истаги
Тинч ётса жон қушчалар:
— Мушук тирмашиб чиқмас,
Жим бўл зағча, қарқумоқ.

Болаларга ўқиб беринг

ПОСБОН

Эҳ-ҳе, сонсиз мактаб, боғчамиз,
Кино, сарой, циркимиз кўркам.
Ёзда — лагерь, қишда — арчамиз:
Бизга ғамхўр меҳрибон ўлкам.

«Энг соз нарса ўғил-қизга», деб
Айтганлар-да Ленин бобомлар!
Набиралар:
«Раҳмат Сизга», деб
Унутмаслар минг-минг замонлар.

Отим чопқир,
Итим топқир,
Уз постимда сергакман.
Узим митти,
Қўрқмас, микти,
Ахир, мен ҳам тиргакман.



Г-у-в,
Ч-у-в,
Йўқ бунда кўрқув.
Илон чирмашиб чиқмас,
Болақайлар кўз-қулоқ.
«Ота-онангиз тинмай
Емиш ташишар тотли.
Г-у-в,
Ч-у-в,

Маза дон, курт, сув
Ч-у-в,
ЕБ-ичиб қитдай-қитдай
Бўлинг учқур қанотли»,—
Деб Шамолой куй чалар
Роҳат қилар қушчалар.

СУВ КАДРИ

Тонг оқаришяпти. Ёзнинг ана шу ажиб ва сўлим палласи умрга умр, кучга куч кўшишини, баланд кайфият ҳада этишини унинг бағрида боғ оралаган, дала кезган, ариқ ёқалаб эрган, тонг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олган деҳқон ҳаммадан чуқурроқ ҳис этади.

— Деҳқоннинг пири миробдир,— дер эди Мирзаакбарнинг дедаси Мирзасул Мадумаров ўз вазифасидан гурурланиб.— Баҳору ёзнинг гаштини ҳам у ҳаммадан кўп суради. У энг аввал навни-ҳоллар билан гаплашади, ризқу-рўзимиз бўлган ни-ҳоллар арзини тинглайди.

Дадасининг тез-тез такрорлаб турадиган бу гаплари Мирзаакбарга ўшанда шунчаки айтилган гапдай туюларди. Чамаси, Мирзасул ака ўғлининг қулоғига ниманидир куймоқчи бўлар, шунга замин ҳозирлар, унинг тезроқ катта бўлишини кутарди. Аммо у Мирзаакбарнинг улгайганини кўролмади.

Баъзи бир кишилар Мирзаакбар ҳақида: «Каналлардан ариқларга ҳам ўтгани қолиб, фўзаларнинг қандай парварши қилинаётганига ҳам аралашиб юради. Фақат дарёнинг тақсимланшини кузатиши керак бўлган бош миробнинг ишини шу!», деб гапирарди. Қўшимча сувни бош мироб қаердан олишини ўйлаб кўришмайди. Исроф қилинишдан сақлаб қолинган, ички резервлардан топинган сув унга асқотаяпти.

Усмон Юсупов номли боғдорчилик-виночилик завод-совхозининг бир-бирига туташ боғлари унинг кўз олдидан ўта бошлади. 60-йилларда бор-йўғи 60 гектар узумзор, 120 гектар боғи бўлиб, йилга 120 тонна мева, 150 тонна узум олинмаган бу завод-совхозда ҳозир 4 минг тонна сара узум, 2 минг 200-2 минг 300 тонна турли хил мева йиғиб олинаётди. Ҳамроқул Турсунқулов, Карл Маркс, Ҳамза Ҳакимзода номли колхозларнинг боғлари ҳам худди шундай. Буларни Мирзаакбар Мирзасуллов бошлиқ район сугориш системаси коллективи меҳнатсиз тасаввур этиб бўладими?! Фаргона-Водил йўлининг ўнг тарафидagi боғни кўриб, Мирзаакбарнинг хушундиги учди-кетди.

— Утган куни сув ажратган эдик-ку?
— Уни ўша кунидек тортиб олишди,— деди ҳўжалик боғбонларидан Барқаш ака куйиниб.— Боғнинг аҳволини кўра била туриб тортиб олишди-я.

— Нега? Ким рухсат берибди?
— Пахта чанқаб турганда боққа йўл бўлсин эмчи.

— Йўқ, боғ ҳам керак. Бундай пайтда бўш келманглр. Дарров мени хабардор қилингизлар,— катта йўл бўйидаги сувсизликдан ҳали ёзнинг ўр-тасига бориб-бормай баргларини тўжа бошлаган ўрикзорда у ёқдан-бу ёққа юриб, гапирарди у.— Учаска гидротехнигига нима бўлди? Бригадаларчи? Урмон ҳўжалиги раҳбарлари қани? Уртага пахта қани қўйишса, нафаслари ичларига тушиб кетдими? Ахир, ҳар кимнинг ўз улуши бор-ку?

Мирзаакбар район сугориш системаси идорасига етиб келганда ҳам ўзини босиб ололмаган эди. Уни Ҳамза Ҳакимзода номли колхоз раиси Қўчқорали Жўраев, «Ленинград» колхоз раиси Раҳимжон Камолов, «Галаба» колхоз раиси Абдумалик Абдул-ҳафизов, «Фаргона» совхозни гидротехниги Хусанбой Мадалиев, Навоий номли колхоз гидротехниги Аҳмаджон Ҳамронов ва бошқа кишилар кутиб туришганди. Улардан энди хол-аҳвол сўраётганда, Чимён участкаси гидротехниги Холматжон Карвов-нов телефон қилиб қолди:

— Карл Маркс номли колхознинг 2-бригадасида кечас бирорта сувчини учратмадим. Сув эгасиз қолдибди. Сувни бу бригададан олиб, бошқасига бердик.

— Исроф бўлган сув учун ақт ёзиб, колхоз раисинесига топширинг... Лекин бир беғамни деб, сувни бутунлай олиб қўйишга ҳаққимиз йўқ. Ғўза энди ҳосилга кирмаган деб турганда-я,— Мирзаакбар ҳар бир сўзини таъкидлаб гапирарди. У трубка-ни қўйиб, рўпарасидаги кишиларга қаради.

Қабулидаги кишиларнинг ҳаммасини қониқиб билан кузатган Мирзаакбар жойлардаги гидротех-ник ва гидрометрчиларга бирма-бир телефон қилиб, ўз участкаларига қарашли боғларнинг аҳволини кўз-дан кечириб чиқишни, сувчиларнинг иш нормаси қайта кўрилганини суриштиришни тайинлади.

— Ахир, вазифамиз сувни ҳўжаликларга тўлиқ етказиб бериш, сувнинг кўпайганини ё озайганини хабар қилиб туришдангина иборат эмас. Бу ҳақда кўп гаплашганимиз,— деди у жиддий таъкидлаб.— Сувнинг ҳар қатрасини тежашимиз лозим. Бу нарса газетада эълон қилинган республикамизнинг маш-ҳур кишиларининг мурожаатида алоҳида таъкидлан-ган.

Мирзасул ақлини танибдики, умри сув билан боғлиқ. Уша 1939 йилнинг баҳорида энди етти ёш-га қадам қўйган эди. Логон канали қурилишининг Каптархона участкасига раҳбарлик қилаётган отаси Мирзасул ака ўн кундан ошиб кетса ҳам Лаш-кар қишлоғига ров тушиб, оиласидан хабар олиш-нинг иложини тополмасди. Уйига бориб келишга рухсат сўраган ҳамқишлоғи, мироб Мирзақанд Мир-асиловдан:

— Бизникилардан ҳам хабар олинг,— деб илти-мос қилди.

Мирзақанд Мирасиловдан дадасининг дарагини эшитган Мирзаакбар:

— Дадамга борман,— деб ер тепиниб эргашди. Қорачадан келган, новча, чўзинчоқ юзли, юмшоқ табиат Мирзақанд Мирасилов Мирзаакбарни отига мингаштириб, кечкурун Каптархонага олиб келди. Мирзасул ака:

— Келдингми, тойчоғим,— деб қувониб ўғлига кўчоқ очди. Ушанда Мирзақанд ҳам тонгда кар-най овози уйғотди. У онаси Ўлмасқон хола айтиб берган эртэк оламида ҳис этди ўзини.

— Одамлар қаёққа кетишяпти!— сўради Мирза-акбар отасидан.

— Канал қурыяпмиз, ўғлим,— деди ота,— халқ ҳа-шарига сенинг ҳам қўлинг тегадиган бўлди-да. Ки-йиқчангда тепага тупроқ ташийсин. Катта бўлганин-гда эслаб юрасан, ўғлим!..

Каналда биринчи сув оққан куни дадаси уни эр-калеб:

— Қара-я, ўғлим, сенинг ҳам ҳиссанг бор бун-да,— дея ҳазиломуз жимлайди.

Орадан тўрт ой ўйиб-ўтмай Мирзаакбар дадаси билан Катта Фаргона канали қурилишининг Шомир-затепа участкасида (ҳозирги Охунбобоев райони территорияси) эди. Кечки пайт. Эрта кўзнинг ёқим-лик салқини туша бошлаган. Канал ичидан чиқиб келган одамлар рўпарада «Эмка» машинисини кў-риб йўл четига чиқишди. Машинадан Йўлдош Охун-бобоев билан Усмон Юсупов тушишди. Салом-алиқ-дан кейин Мирзасул акадан участкада иш қан-дай каттаётганини суриштирган Йўлдош Охунбо-боев:

— Логон каналда ҳам қойил-мақом ишлаган-сиз,— деди.— Раҳмат, ука!

— Бу кимнинг ўғли?— дея Усмон Юсупов Мир-засул аканинг орасида турган тийракига болага яқинлашиб, унинг кенг пешонасини силеди.

— Менинг ўғлим!

— Исми нима?

— Мирзаакбар!

— Қўчқор бўлар қўзининг пешонаси дўнг бўлар, йиғит бўлар боланинг пешонаси кенг бўлар. Яша, Мирзасул,— деди Усмон Юсупов боланинг қўли-дан ушлаб,— шундай ўғлинг бор экан, бундан ҳам яхши ишлашинг керак.

1943 йилнинг эрта баҳорида Усмон Юсуповнинг Лашкар қишлоғига келаётганини эшитган Мирзаак-бар вақтинг худди дўппи айлангандай тез ўтиши-ни илк бор ҳис этди. У Усмон Юсуповни узокдан бўлса-да бир кўриб қолиш умидида колхоз идораси атрофидан кетмади. Мирзаакбар шу топда урушга кетган дадасини эслади: «Дадажон, сизни соғин-дим. Қачон келасиз, дадажон. Ариқларда сиз олиб келган сув оқаяпти. Сувлар ҳам, ариқлар ҳам, укам-лар ҳам сизни соғиниб қолди, дадажон».

— Ҳой, болажон, бу ёққа кел,— ичкаридан чиқ-қан кишилар орасидан олдинроққа ўтган Усмон Юсупов ўзига термулиб турган Мирзаакбарни ўз ёнига қақирди. Мирзаакбар югуриб бордию, йиғ-лаб юборди.

— Мирзасул миробнинг ўғли,— деб кимдир эслатди.

— Эй, танидим, ахир сен билан эски дўстмиз-ку! Нега йиғлаёсан, дадинг қаерда?

— Урушда ҳалок бўлдилар.



Усмон Юсупов энгашиб, Мирзаакбарнинг кўзла-рига тикилиб, пешонасини силеди.

— Дадажоннинг ишини давом эттир. Мироб бў-либ, ҳали ҳаммадан ҳўрматига эга бўласан!

Мирзаакбар дадасининг: «Ўғлим мироб бўлади, мироб боши!»— деган гаплари унинг қалбига ўр-нашиб қолди. Улгайғач, бу истак уни ҳўхта етак-лади. Шу-шу умри сув билан, деҳқончилик билан боғланди. Ишлаб юриб, сиртдан ирригация билим юртини, кейин институтни тамомлади. Дастлаб Мўян участкаси гидротехниги, кейин эса Қувасой шаҳрида, 1961 йилдан Фаргона район сугориш сис-темалари бошлиғи бўлиб ишламоқда.

— 1966 йилгача бўлган сув танқисликлари олди-да ҳозиргиси ҳеч нима,— дейди Мирзаакбар Мир-засуллов.— Қорадарёдан Жанубий Фаргона кана-лига сув қўйилиши илгари ҳам июндан озаё бо-шларди. Фаргона, Қувасой, Тошлоқ, Қўва, Охунбобо-ев, Олтиариқ районлари июндан кўпаядиган Исфай-рам ва Шохимардон дарёларига қараб қоларди. Бирорта ҳам ҳўжалик эмтиёжига яраша сув олол-масди. Қаркидон сув озибонининг қурилиши Фар-гона группа районлари деҳқончилиги учун катта имконият яратди. Энди Исфайрам ва Шохимардон дарёларининг сувидан Фаргона райони ва Қувасой шаҳри фойдаланмоқда. Сув исрофгарчилигининг олди олиниб, узоқ ва яқин йилларда қазилган Чар-гон, «Партия XVIII съезди», Логон, Ейилма, Тош-кўрғон, Жийда, Херманас, Қораятоқ, Файзиобод, Миндонобод, Қўрғонтепа каналлари тўла-тўқис бе-тонлаштирилди. Йўл-йўлакай исроф бўладиган 36—40 процент сув сақлаб қолинапти. Янгида қурила-ётган 7 километр масофадаги Арабтепа канали ҳам ниҳоятга етиб қолди. Районимизда кейинги ўн йилда 320 та кудуқ қазилиб, 15 та насос стан-цияси ўрнатилиб, қўшимча равишда 7,5 куб метр сувга эга бўлди. Файзиобод ва Повулгон насос станциялари фойдаланишга топширилиши билан шу йил баҳорда Соткон даштида янги «Прогресс» сов-хозни ташкил этилди.

Ана шу яратувчилик ишларида Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган ирригатор Мирзаакбар Мирза-расулловнинг ҳам муносиб хизмати борлигини бу-тун эл эътироф этади.

Сугориш системасининг устоз ташкилотчилари-дан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Фахриддин Шамсидинов, Қодиржон Расулов, Абдумутал Бў-рибеков, Виктор Черниловский ва бошқалар ўз шоғирдлари Мирзаакбар билан фахрланишлари ҳам бежиз эмас-да. Сувни эъзоллагани, унинг ҳар бир қатрасини қадрлаб, халқ бойлигига бойлик қўшаёт-гани учун унинг кўксини Меҳнат Қизил Байроқ ва Октябрь революцияси орденлари, қатор медаллар безаб турибди. Катта-кичик миробларнинг иста-клари ҳисобга олиниб, Мирзаакбар Мирзасуллов ўтган йили «ГАЗ-24» Волга машинаси билан муқо-фотланди.

Ҳа, сувга меҳр унга обрў-эътибор келтирмоқда.

Йўлдош СУЛАЙМОН

ЗАМОНДАШЛАРИМИЗ



ҚАДИМИЙ НАҚШ

Утган йили Тошкентдаги қадимий шаҳар Шоштепадан топилган археологик топилмалар ичида пиширилмаган лойга ўйилган безак нақшнинг бир неча бўлаклари киши эътиборини ўзига жалб этади. Гап шундаки, қадимда аҳоли яшайдиган ўй-жойлар ва маданий қурилишларда пиширилмаган лойга безак нақшлари ўйиш Урта Осиёда анча кенг тарқалган. Нақш ўйишнинг биринчи марта оммалашуви ўрта аср бошларига (эрамининг VI—VII асрларига) тўғри келади. Қисман VIII асрга тааллуқли пиширилмаган лойдан ишланган кунгуралар Усрушонадаги (Тожикистон) Тешикақла ва Уртақўрғон қалъалардан топилган эди. Уша кезларда Қашқадарё воҳасида ҳам лой нақши ўймакорлиги кенг қўлланила бошлаган. Бу безак турли Тошкент музофотининг Оқтепа ва қадимий Хонқа шаҳрлари қалъаларида ҳам ишлатилган.

Урта Осиёда лой нақши ўймакорлиги XV асрга қадар давом этган. Бироқ ҳозирги кунга келиб истезмолдан чиқиб кетган. Фақат Хоразм областида маҳаллий аҳоли ҳамон пиширилмаган хом лойга нақш ўйиб, ҳовли деворлари ҳамда қўбчаларига безак беради. Лой нақши ўймакорлиги X—XV асрларда, айниқса X—XII асрларда энг кўп тарқалади.

Шоштепадан топилган нарсалар орасида бино пештоқининг кўринишдан панжарасимон усулдаги гулдор лойтахталарининг бир неча бўлаклари қазиб олинди. Битта лойтахтанинг тўлалигича сақланб қолгани маълум бўлди. У махсус ажратилиб тайёрланган лойдан ишланган. Лойтахтанинг юз томонига чуқур нақш ўйилиб, у лойтахтанинг ўз шаклини такрорлайди. Лойтахтанинг ўртасидаги доира ичига эса, беш гулбаргдан гул ўйилган — бу нақш қорахонийлар даврида (XI—XII асрлар) сирли идиш-товоқларни безашда ҳам кенг қўлланилганлигини билдиради.

Нақш безаги жуда оддий ва нафис бўлиб, анъанавий услубда ўйилган ҳамда тажрибали устанинг қўлидан чиққанлиги сезилиб туради. Бундай безак ҳар қандай мейморнинг қурилишининг чиройини очишга хизмат қилиши мумкин.

Тошкент музофоти учун бундай лой ўймакорлиги намунасининг топиллиши — катта воқеа. Чунки безакнинг бу турли камдан-кам учрайдиган, сабаби, у узоқ вақт сақланмайдиган, тез емиради. Тошкент музофотида, шу жумладан, қайта қурилган «Катта Тошкентда» лой нақши ўймакорлиги қадимда кенг тарқалганини-йўқми ёки тасодифий ҳодисами, бунинг келгуси археологик тадқиқотлар кўрсатади.

Н. Шарипов фотоси

нинг Тошкентда ёзган бир рубойи-сини тилга олиш ўринлидир:


Ед этмас эмиш кишини меҳнатта киши,
Шод этмас эмиш қўнгулни гурбатда киши,
Қўнгулму бу гариблиқта шод ўлмади ҳеч,
Гурбатта севинмас эмиш албатта киши.

Бобур бу рубойини шеърятдан яхши хабардор бўлган тоғаси Маҳмудхонга бериб, шеър техникаси бўйича фикр-мулоҳазалар билдиришни илтимос қилади. Гап шундаки, Маҳмудхон ўша даврнинг зиёлиси бўлиб, шеърлар ёзиб турар эди. Афтиндан, рубойининг мазмуни тоғасига кесатини маъносидек туюлади шеклили, Маҳмудхон бу рубойи ҳақида Бобурга бирор бир жонли фикр билдирмайди. «...Бизга қурбон нийда Шоҳруҳияда бўлди. Бетавақуф ўтуб, хон қошига Тошкентда бордим. Бу рубойини айтиб эдим, маълум боқиясида тарадуудим бор эди, ул маҳалда шеър муस्ताҳоштига (қонда, тартибига) мунча татаббуъ (тектириш) қилмайдур эдим, хон хуштабъ киши эди, шеър айтур эди, агарчи сару сомонлиқ газали қамроқ эди, бу рубойини хонга ўқтариб, тарадуудимни арз қилдим. Қўнгул тингудек шифий жавоб топмадим».

Хуллас, «бобурнома»нинг ижтимоий фанлар тараққиёти тарихига қўшган ҳиссаси бениҳоя каттадир. Унда тарих, этнография ва географияга онд материаллар ҳам кўп учрайди. Бобур давлат тили гарчи форс тили ҳисобланса ҳам, аммо у саройда туркий тилда гаплашиб, Тошкент ва Андижон шевасида шеър ёзувчи шоирларни ўз атрофига тулган.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари кандидати

А. ГРИЦИНА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси
Археология институти илмий ходими



Республикамиз пойтахти Тошкент замонавий архитектураси жиҳатидан дунёдаги энг гўзал шаҳарлардан биридир.

ТОШКЕНТ «БОБУРНОМА»ДА

Илк марта Маҳмуд Қошғарий ва Абу Райҳон Беруний тилга олган ҳамда таърифлаб ўтган Тошкент тўғрисида кейин ҳам жуда кўп ўрта-осиёлик алломалар қимматли маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Шулардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Маълумки, унинг «Бобурнома» асари жаҳон адабиёти фанининг энг қамеб дурдоналаридан бири ҳисобланади. Салкам 35 йиллик тарихни ўз ичига олувчи бу асарда Бобур жангу жадаллар тўғрисида Урта Осиёнинг жуда кўп шаҳар ва қишлоқларини пиёда кезиб чиққанлигини реалистик тасвирлаб берган. Ана шу оригинал тасвирлар ичида Бобурнинг Тошкентга келиш сабаблари, бу ерда унинг ўз кўзи билан кўрган воқеа ва ҳодисалари ростгўйлик билан талқин қилинган.

Тошкентни Бобур биринчи марта ба ун икки ёшли пайтида тилга олади. Бобурнинг эслашича, Тошкент 1494 йилгача отаси Умаршайх Мирзонинг тасарруфига қарайди. Умаршайх жардан қулаб фожиаи равишда ҳалок бўлгандан сўнг, Тошкент унинг катта тоғаси Маҳмудхоннинг қўли остига ўтади. Бу фактларни Бобур отаси ҳақидаги биографик маълумотларида аниқ келтиради: «...«Отаси (Умаршайхнинг отаси Абусаид кўзда тутилаетир) Фарғона вилоятини бериб эди. Неча маҳал Тошканд ва Сайром ҳам Мирзонинг (Умаршайхнинг) тасарруфида эдиким, отаси Султон Аҳмад (Олачохон) Мирзо бериб эди. Шоҳруҳияни (ҳозирги Ленинободнинг шимоли кўзда тутилаетир) фариб била олиб, неча маҳал мутасарриф бўлиб эди. Охир чоғларда Тошканд ва Шоҳруҳия илқитин чиқиб эди».

Бобурнинг ёзишича, 12 ёш пайти-лигидаёқ Андижон тахти унинг қўли остига ўтади. Тахтга ўлтирган ёш

Бобур бир неча йил ҳарбий тайёргарликдан сўнг Самарқандга — Шайбонийга қарши курашишга шайланади. Кўндан бери бобоси амир Темурнинг марказлашган ҳокимиятини тиклашни орзу қилиб юрган Бобур, ниҳоят, 1497 йилда Шайбонийга қарши кураш бошлайди. Самарқандни забт этган, Бобур у ерда фақат «юз кун»гина подшолик қилади ва ўша йили ражаб ойининг шанба кунинда Шайбонийдан қаттиқ зарба еб Самарқандни мажбуран тарк этади. Бобур Андижонга қайтиб бормоқчи бўлади, бироқ Андижон ҳам кўндан кетганлигини эшитиб, Уратепада вақтинча қарор топади. У беклари билан маслаҳатлашган, Тошкентга тоғаси Маҳмудхоннинг ҳузурига жўнайди. Мақсад тоғаси билан бирлашиб, Андижонни қайта қўлга киритиш эди. Бобур Тошкент ҳокимининг аёнёр ва қатъиятсизлигини олдиндан биларди. Шунинг учун бўлса керак, у йилда кетатуриб «нечун»дир Тошкентга боришга оёғи тортмайди. Лекин бормасликка бошқа чора ҳам йўқ эди. Бобур Тошкентга борган, қанча баҳсу кистовлардан кейингина тоғаси Маҳмудхонни «Андижон сари» юришга кўндаради. Лекин хон тез орада фанимлар билан тил бирктириб, сулҳ тузиш йўлини талқайди.

Алданган, ёзабланган Бобур бу

ҳақда шундай ёзади: «...«Ушундоқ маҳалда муҳолифларнинг фирибомуз сўзларини қўлоққа олиб, ислоҳ ҳикоятини орага солиб, Бек Телбаниким элчиликка йибордилар. Ул жамъ ўзларининг халослиғи учун бир неча чин ва ёлгон сўзлар айтиб хонга е орадағиларга пора ва ришва қабул қилдилар».

Бу можаролардан кейин Бобур Фарғона, Андижон, Уш ва Хўжанд атрофларида саргардон юриб, қайта куч тўплайди, кейинчалик Самарқандни олиш учун иккинчи маротаба юриш қилади. Лекин ҳал қилувчи ўқини эшитиб, Уратепада вақтинча қарор топади. У беклари билан маслаҳатлашган, Тошкентга тоғаси Маҳмудхоннинг ҳузурига жўнайди. Мақсад тоғаси билан бирлашиб, Андижонни қайта қўлга киритиш эди. Бобур Тошкент ҳокимининг аёнёр ва қатъиятсизлигини олдиндан биларди. Шунинг учун бўлса керак, у йилда кетатуриб «нечун»дир Тошкентга боришга оёғи тортмайди. Лекин бормасликка бошқа чора ҳам йўқ эди. Бобур Тошкентга борган, қанча баҳсу кистовлардан кейингина тоғаси Маҳмудхонни «Андижон сари» юришга кўндаради. Лекин хон тез орада фанимлар билан тил бирктириб, сулҳ тузиш йўлини талқайди.

«...«Муҳосара айёми мумтад бўлди. Элга бисёр тақислик бўлди. Анга эйтиким, фақир ва мискин ит этини, эшак этини йиға кириштилар. Отқа бугуз қамефт бўлди. Дарахтларнинг бағрини отқа берурлар эди. Базми куруқ йиғочларни ранда қилиб, тарошасини сувга ибитиб отқа берурлар эди».

Бундай ҳақатчиликка чидай олмаган шаҳар халқи, турли йўллар билан кўрғондан қоча бошлайдилар.

Жуда кам одамларгина Бобурга содиқ қолиб кўрган қамалида охиргача чидаш беради. Қамалда турганда ҳам Бобур бир неча кун амақиси Хўсайн Бойқаро ва тоғаси Маҳмудхонлардан нажот кутади. Қўтилган ёрдамни ололмаган Бобур иложсиз Шайбонийхон таклиф этган қабиҳ сулҳ шартини қабул қилади. Сулҳнинг қондаси бажарилган, Бобур икки юздан ортиқроқ лашкарлари билан Халилия кенти орқали Жиззахга келади. Сўнгра у ердан Уратепага келиб бир неча кун туради. Шайбонийхоннинг Уратепага юришини эшитган Бобур ночор яна паноҳ ва қўмак излаб Тошкентга — тоғасининг олдига боради. У ерда тоғаси билан мулоқотда бўлган, Шайбонийнинг Тошкентга юриш қилиш учун катта тайёргарлик кўраётганлигини Маҳмудхонга ҳарбий сир сифатида билдиради. Лекин Тошкент хони «ганимининг устига юрүмакни демай», «ер бекитишга» — мудофага ўтади. Ана шу ниятда хон Исқиққўлнинг нарги ёғида ҳукмронлик қилувчи ўқаси Олачохонни ўн беш минг қўшини билан ўз ёнига чорлайди. Тошкент ҳокими 30 мингдан ортиқ лашкарга эга бўла туриб, душман устига юриш қилмай кўрқоқлик қилаётганлигини кўриб, Бобур қаттиқ изтироб чекади. На илож, қўшин уники. Шу пайт Бобурнинг дилидан: қани энди шу лашкарларга ўзим сарқарда бўлиб, Шайбонийга қарши курашсам, деган хаёллар ўтади. Лекин бу орзулар сароб эди. Чунки, Маҳмудхон Шайбоний билан икки марта тўқнашиб тажриба орттирган Бобурдан ҳаммадан кўра кўпроқ кўрқарди. Бобур Тошкентдалигида кичик тоғаси билан дейдор қуришганлигини катта ҳажжон билан эслайди. Гап шундаки, Бобур кичик тоғаси Олачохон (Султон Аҳмад) билан ўн беш йилча юз

кўришмаган эди. Шунинг учун ҳам Бобур тоғасининг келишини кутиб ўтирмай, унинг йўлига пешвоз чиқади. Бу учрашув ҳақида Бобур шу сўзларни ёзади: «...Тошканд билан Сайромнинг орасида Яга деган кент ва бир неча кентгиналар бор. Иброҳим ота ва Исҳоқ отанинг қабри андадир. Кичик хон додамнинг бу замон келурини таҳқиқ билмай, ҳолидин суръат била отланиб эдим. Бояқбор хон учрай-ўқ туштилар. Илгари юрудум, мен тушганда-ўқ кичик хон додам воқиф бўлди, хили изтиробта бўлди. Ёвуқ етишиб туштум, маҳал ул тақозо қилмади, юкунгуча фурсат ҳам бўлмади, буқулиб бориб кўриштум».

Бобур кичик хон билан Маҳмудхон ҳузурига қайтган, тоғаларининг онаси бўлмиш Шоҳбеғимнинг хоналарига йиғилишади. Бобур тоғаларига бошидан кечирган таҳликали кунларини айтиб беради. Аммо на катта тоғаси, на кичик тоғаси Бобурнинг дардида қўлоқ солади. Улар ўз қўлларидан мавжуд нуқларни Бобурга бериб, уни лашкарбоси қилишдан кўрқадилар. Чунки, тоғаларининг ҳар иккаласида ҳам сарқардалик истездоди йўқ. Агар Бобур уларнинг қўшинига бош бўлиб Шайбонийни енгса, кейин одамлар Маҳмудхонни ёки Олачохонни эмас, Бобурни улуглар эди. Ундан сўнг Бобур Тошкентни, қолаверса бутун теварак-атрофини ҳам эгаллаши мумкин, деб ўйлайдилар. Бобурнинг Самарқандга учинчи маротаба юриш қилиши ҳақидаги хавллари пучга чиққандан кейин, Шайбонийхонга қўйилган бобоси Юнусхоннинг қабрини зиёрат қилган: Бормоққа не маскан муёссар, Турмоққа не давлат муқаррар.

деб Тошкентни ташлаб чиқиб кетади. Бобур Уратепанинг Даҳқот деган кентига тентиб юрган кезларида Маҳмудхоннинг ўқаси билан қилган

иттифоқини Шайбоний зимдан сезиб, Тошкент хонига ёлгондакам сулҳ таклиф қилади. Кўрқоқ хонлар Шайбонийнинг макрига лаққа тушади. Шайбоний бошқа ўлкаларни забт этишга кетганида эса Маҳмудхон пайтдан фойдаланиб Андижон вилоятини ҳам Тошкент хонлигига қўшиб олишга ҳаракат қилади. (Уша пайт Андижонда Аҳмад Танбал ҳукмрон эди.) Маҳмудхон Андижонни қўлга кирита олмайди. Аксинча бу жангда хон ҳарбий салоҳиятини йўқотади. Бу заифлики эшитган Шайбоний Тошкентга қайтиб келиб, Маҳмудхон ва Олачохонларни узил-кесил тор-мор қилади. Шайбоний уларнинг ҳар иккаласини ҳам қатл этиб, хоннинг ҳазина ва ҳарамларига эга бўлиб олади: «...«Ул фурсатга, — деб ёзади Бобур, — Тошкент вилояти Умаршайх Мирзо тасарруфида эдиким, китобларда Шов битурлар, баъзи Чоч битурларким, «амамини Чочий» андин иборатдир. Ушал фурсаттин тўққиз юз саккизгача Тошканд ва Шоҳруҳия Чигатой хонларининг тасарруфида эди».

Ана шу воқеалардан кейин Бобур катта ҳарбий тайёргарлик билан бир неча йилдан кейин Ҳиндистонни фатх этади. Бобур ўзга юртларни забт этиб, улкан империянинг ҳукмрони бўлса ҳам Тошкентда қолган туғишганларининг тақдирини ўйлайди. Чунончи, Бобур Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва бошқа ерлардан жами 96 нафар теурийзода хонимлар ва бегимларни ўз ҳузурига қабул қилади. Тошкентдан Маҳмудхон ва Олачохонларнинг қизлари Зайнаб Султон ва Мухиб Султон хонимлар ҳам келишади. Бобур уларнинг ҳаммаларига «жой-жойгир» ва «кўнгуллари тилаган инъом»лар тайин этади.

Бобур бу асар таркибиде жуда кўп ўзбекча, форсча рубойлар ҳам келтиради. Ана шулар ичида Бобур

ТОШКЕНТ МАҲАЛЛАЛАРИ

Географик жойларнинг атоқли отлари илмий термин билан топонимлар деб аталади. Шаҳардаги кўчалар, майдонлар, бозорлар, микрорайонларнинг номлари эса атамалар орасида муҳим ўрин тутади. Икки минг йиллик тарихга эга бўлган, аҳолиси икки миллион кишини ташкил этадиган Тошкент шаҳари атамалари алоҳида эътиборга молик. Тошкент атамалари фақат шаҳар тарихи ҳақидагина эмас, балки умуман республика тарихи, ўзбек халқи маданияти тўғрисида кўплаб маълумотлар беради.

Пойтахтимизда яқиндагина пайдо бўлган замонавий номлар билан бирга жуда қадимий атамалар ҳам мавжуд. Чунотчи Афросиёб, Калковуз, Салор, Захерик, Чорсу каби атамалар жуда эски номлардандир. Аввало, кун сайин яшнаб бораётган пойтахтимизнинг ўз номи қадимийдир. Тошкент атамаси иккита тарихий қисмдан — тош ва кент компонентларидан таркиб топган. Бундай қараганда, маъноси тушунарли кўринган ана шу атама қанчадан-қанча мунозараларни келтириб чиқарди. Бунинг боиси шундаки, дастлаб Тошкент номи бундан 1000 йилча олдинги манбаларда Абу Райҳон Берунийнинг «Қонуни Масъудий» асарида ва Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону лугатит турк» қомусида тилга олинади. Ҳар иккала аллома ҳам Тошкент атамасини «тошдан қўрилган қалъа, кўргон» деб изоҳлашади.

Бунга қадар, яъни милoddан аввалги II асрдан бошлаб Шаҳар Чоч номи билан аталган. Урта Осиёга араблар бостириб киргандан кейинги манбаларда ШОШ (баъзан ЖОЖ) шакли кўпроқ учрайди (араб алифбосида «ч» ҳарфи йўқ). Умуман, Тошкент шаҳри вилоятининг ёзма манбаларда тилга олина бошлаганига 2000 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Лекин Тошкент сўзининг келиб чиқиши тўғрисида одамлар ҳануз бир фикрга келган эмаслар.

Тошкент шаҳри атамалари орасида маҳалла номлари алоҳида ўрин эгаллайди. Қатрада кўёш акс этгандек, маҳалла номларидан шаҳар тарихи маълум даражада намоён бўлади. XVIII асрга келиб Тошкент тўрт даҳага бўлинади (Бешёғоч, Кўкча, Себзор, Шайхонтоҳур). Ҳар бир даҳа кўплаб маҳаллалардан ташкил топган. Вақт ўтиши билан маҳаллалар сони ўзгариб турган. Масалан, XVIII асрда 150 та маҳалла ташкил топган бўлса, XIX асрда уларнинг сони 200 тага етган, XX аср бошларида эса 250 та маҳалла бор эди.

Тошкент маҳаллаларининг мукамал рўйхатини Н. Г. Маллицкий келтирган. Бу рўйхатда 260 чамаси маҳалла қайд қилинади. Бундан ташқари, шаҳар четларида маҳалла аҳлига қарашли дала-боғ жойлар бўлган. Маъна деб юритилган бундай чеккароқ ерлар муайян номлар билан аталган. Мазкур рўйхатда 170 та чамаси мавзёлар ҳам эътибор қолдирилган. Ана шу рўйхатга киритилган Дўмбироқбод, Раисқўча, Хўжатарашкан, Қулқўча, Шофайзиқулоқ, Мерганчи каби Тошкент маҳаллалари ва мавзёларининг номлини тарихи бор. Масалан, Дўмбироқбодни оилалик Шу маҳаллада Мирсоат деган қасосб ўтган. У кишининг қорни катта бўлгандан Мирсоат дўмбироқ де-

йишар экан. Кейинчалик маҳалла ўша кишининг лақаби билан аталиб кетган. Хўжатарашкан маҳалласининг асли номи «Хўжа тарозу шикан» бўлиб, бозорда бузуқ тарози ишлатгани учун ҳамманинг кўзи олдида қатл қилинган хўжа номи билан боғлиқ экан. Раис деб ўтмишда шарият қонун-қондаларига аҳолининг қандай роя қилишини, бозорларда тарози ва бошқа ўлчов бирликларининг тўғрилигини назорат қилиб турган шахсни тушунишган. Раис маҳалласида ана шундай амалдор яшаган. Шофайзиқулоқ мавзеси эса Шофайзи исмли киши ариқдан қулоқ очиб сув чиқаргани учун шундай деб ном олган. Мерганчи (Мерганча) деганда овчи эмас, балки мунтазам армия аскери тушунишган.

Яна бир неча маҳалла номлари ҳақида. Себзор даҳасида Чордара деган мавзе бўлган. Чордара дегани тўрт эшикли хона (икки эшиги шимолга, икки эшиги жанубга қараган) ёки болаҳона демакдир. Шунингдек, подшолик чегарасидаги минора — қорвоулхона ҳам чордара деб юритилган. Профессор М. Массоннинг фикрича, чордара сўзи чолдвор деган маънони аниқлатади. Хончорбоғ мавзеи номининг маъноси эса, «тўртбоғ» — тоқзор, мевали боғ, истироҳат боғи ва полизани билдиради. Хончорбоғ — хоннинг боғи, хоннинг мулки демакдир.

Шайхонтоҳур даҳасидаги мавзелардан бири Уртатўқай деб номланган. Уртатўқай Урта Осиёда (жумладан Қирғизистонда) бир неча жойда учрайди. Бешёғоч даҳасида илгари Уртатўқай деган мавзе жойлашган. «Тўқай» сўзи бир маҳаллар «қўл тирсаги», «биллак» деган маънони билдириб, кейинчалик «дарё муолишидаги ўрмон» тушунчасини аниқлаган. Масалан, «Бобурнома»да «тўқай» сўзи ана шу маънода келади. Ҳозирги ўзбек тилида эса ботқоқликдан иборат қамишзор ёки қалин дарахтзор тушунилади. Ҳақиқатда ҳам ўтган асрнинг охириларига Тошкент атрофларини қамишзор ботқоқликлар ўраб олган.

Маълумки, Шарқ шаҳарларини гавжум бозорларсиз тасаввур қилиш қийин. Тошкентда ҳам бозор кўп бўлган. Утган аср охириларда эски шаҳар бозорининг 30 дан ортиқ растаси бор эди. Маҳаллалар рўйхатига қараганда, шаҳарда бозорлар турли соҳаларга ихтисослашган. Масалан: биргина Бешёғоч даҳасида Бордонбозор, Гуручбозор, Ғўзабозор, Этикбозор, Қалавабозор, Қандбозор (Қандолатбозор), Канобозор, Қасоблик, Майзбозор, Мошбозор, Носвойбозор (Тамакбозор), Тахтабозор, Пож依лик, Сабзбозор, Унбозор, Уроқчилик, Чинибозор каби бозорлар, расталар бўлган.

Қизғин шундаки, Себзор даҳасида бир мавзе Туябўғиз деб юритилган. Урта Осиёда Туябўғиз ёки Туямўйин деган жойлар кўп. Сув (ариқ, анҳор) туянинг бўйнига ўхшаш бўрилиб оқадиган жой ана шундай деб аталган.

Қисқиси, Тошкентнинг маҳалла номлари тарихчи, тилшунос, географ олимларга шаҳарнинг ўтмиши, топографияси, табиати ва этнографияси ҳақида кўп сир-асрорларни ҳикоя қилиб беради.

Суюн ҚОРАЕВ,
филология фанлари кандидати



Тушликка палов дамлаймиз.

Н. Шарипов фотозтуди

Мўмин АБДУРАСУЛ

ТўРТЛИКЛАР

Меванинг ғўраси бўлгандек нордон,
Инсоннинг ғўрини дейдилар нодон.
Беғубор бўлгандек ҳар пишган мева
Покиза виждондир юксалган инсон.

Езда келиб, қишда кетар дайди қуш,
Дайди қуш бўлишлик менга эмас қуш.
Мен Ватан фарзанди, ёзу кишининг
Бири олтин бўлса, бириси қумуш.

Тоблангандай пўлат лаҳча оловда,
Иссиқ ва совуқда сигналги новда.
Омад ёр бўлгуси ким голиб чиқса,
Ҳаётдаги турли мушкул синолда.

Қалам, оқ қоғозни майлингча бежа,
Янги парвозларга тузгилу режа,
Беқасам тўн кийиб, белингни боғлаб,
Хизмат қил элингга, қоқмасдан мижа.

Баъзилар сингари демадими бойиб,
Борнинг отин эйтиб, йўқларни койиб.
Ақлим танидиму тўпладим билим,
Ҳолимга яраша ёздим рубой.



Қарасдаги бургут



ҲИКОЯ

КЕИНИГИ вақтларда Боку осмонини тез-тез қорамтир бӯз булутлар қоплаб, уфқдан уфққа қадар кӯш юзини тўсиб ётарди. Уззукун қилт этган шамол эсмас, ҳаво дим ва бӯғиқ, одамнинг нафас олиши оғирлашган эди.

— Қаердасан, эй шамол, бағри камол, келсанг-чи, бир тўйиб нафас олайлик!— деб қоллар шимол ёқларга қараб-қараб кўйишарди. У ердан, бу ердан болаларнинг кўшини айтган шўх саслари эшитилиб қоларди:

Шамол, кеф, шамол, кел,
Бераман рўмо, кел.

Бокудан узоклашиб борар эканлар, мана шу маънос дақиқаларда нима учундир болаларнинг шу ғалати кўшинини эслади. «Эсажак, болалар, тоза бир ел эсажак, сизни бу бӯғиқ ҳаводан халос этажак, шаҳрианиз ҳавосини мусаффо қилажакдир!»— деб ўйлади у.

Кейинги пайтларда унинг бутун фикри-ёди, хатти-ҳаракати шаҳар уйлари, қовиллари, кўча-кўйларини бӯғиб ётган шу паст, рутубатли ҳаводан қутқаришда бўлиб қолган эди.

Ҳа, ҳаволарни тозаласоқ керак!
— Ҳа! Фақат шаҳарнинг ўзгинамас, бутун Озарбойжон кўкрагини тўлдириб нафас олишни истайди, одамни хушбахт қиладиган пок ва сарин ҳаво ютишни оракиб кутади. Ахир, бу чиркин, бӯғиқ, ифлос ҳаво бир кун, бир ой, бир йилда эмас,

ўн йиллар, юз йиллар, асрлардан бери йиғилиб, тўпланиб, моғор босиб қолган ҳаво эди. У мазлумларнинг куйган бағирларидан чиққан оҳ-фарёдлар, золимлар ўт кўйиб ёндирган хонумонлардан кўтарилган қора дуд, туяунлар билан тўлган эди.

Кема Бокудан йироқлашган сари шаҳар туманлар ичра йўқолиб борарди. Уйлар ўз тарҳини йўқотиб, қора пардага бурканиб кўринарди. Эгма қора қошлари куюқ, урта бўйли бу одам кўзини она шаҳридан узолмас, тўймай тикиларди. Энди ҳаётининг ширин ҳаёллар, ўтли орзулар билан у ерда кечган кунлари қолиб кетмоқда эди, Ахир, уларни асло унутиб бўлармиди?

Бироқ кема денгизни ёриб кетиб борарди. Олдинда нима бўлиши номалум, ҳамма нарса қоронғу. Уларни нима кутмоқда, қисматининг қандай шафқатсиз ўйинларига дучор бўларкинлар ҳали? Яна уларга бу оғир, зил қора пардаларни йиртиб нурафшон ва ҳаётбахш ҳаёт нафаси уфуриб турган баҳорнинг муборақ тонгларини кўрмоққ насиб этармикан? У юрагининг қаърида уйғониб келаятган шубҳаларга ўрин бермай шивирлар эди: «Насиб этди!»

То Боку кўздан ғойиб бўлмагунча, уни шундай уйлар тарк этмади. Сўнг, шаҳар кўринмай қолгач, у кўзларини юмди. Ҳаёлининг толмас қанотларида яна бир дам Бокуга қайтди. Дарёдай тўлқинланган, пўртанали кураш кунлари кўз ўнгида жонланди. Улар абадий озодлик ва саодат дунёсининг тонг нурларидан ёриган эшикларни қанчалар ҳавас ва муҳаббат

билан очган эдилар! Ҳа, ҳали яна тинмай очажаклар!

26 қаҳрамоннинг ҳаммаси Бокуни мана шундай гўзал умид билан тарк этмоқда эди. Лекин кема Ҳазар денгизининг у соҳилига— Туркманистонга етиб келиши билан инглизлар уларни тутиб, зиндонга ташладилар. Қамқонинг қорайган деворлари ичда ўтираркан, у Бокуни эслади. Улмининг шарпаси кезган Қорақум саҳросида илгарилар бораётган чоғларида ҳам у ўз бахтиёр келажак ҳақидаги ҳаёлларидан бир зум бўлсин айрилмади.

Бирдан у титраб, сесканиб кетди. Гўё жисмига қиздирилган игна санчигандай бўлдилар. Кўзларини очиб, малла, бўйи дароз зобит ўзига совуқ тикилиб турганлигини кўрди. Уни сескантирган шу совуқ ниҳод эди. «Оҳ, инглиз тозиси!»— деб ўйлади у ва зобитнинг кўзига тик қаради. Зобит ёнидаги аскарга нимадир деди-да, унга Вазировни кўрсатиб, кетди. Аскар тезгина юриб, унинг қошига келди.

— Вазиров, юр!
Шаҳардан чиққанларидан буён биринчи марта у таажубланган кўйи савол назари билан илгирма беш дўстига қаради. Уларнинг ҳаммалари елкаларини елкаларига тираганча, бир одамдай бирлашиб туришарди. У мана шу бўлинимас, парчаланмас қоянинг бир бўлаги эди. Улардан ажралишни истамасди.

— Жўн инглиз усули,— деди кимдир киноя билан,— йўлдан урмоқчи бўлаётлар...

Вазировнинг юраги ғазаб ва ҳаёжон билан тепди. Нега мени ажратдилар? Ё уларнинг кўзларига чиройли кўриниб кетдимикан? Сўнг, қандайдир ҳаёлига келиб қолган фикр таъсирида кулимсираб қўйди. Йўлдошларини ҳайратга солган шу табассум билан аскар орқасидан кетди.

Дароз бўйли зобит уни махсус хонада кутиб ўтирарди. Яна ҳам тўғрироғи, кўзларини белига кўйганча, бармоқларини ўйнаб, кичкина дарчадан туман босган саҳронинг томоша қилиб турарди. Эшик очилганлигини сезиш билан ўгирилиб қаради ва маҳбусини ўтиришга буюрди.

— Сизнинг Ватанингиз йўқми, Вазиров?— деб қутилмаган савол берди у.


— Мен Ватанини бегона оёқлар топтаб бўлгамасин деб, оёққа қалқдим, жаноб зобит! Озарбойжон озодлик истайди!

Бу сўзлар зобитга қандай таъсир қилганлигини билиш мушкул эди. Чунки у рангсиз башарасига худди тери қоплаб олгандай на қизарар, на оқарар, на қораярди.

— Шунинг учун Озарбойжонни ва ҳатто бутун Кавказни занжирда сақлаган чор империясини тиритирмоқчи бўлаётган экансиз-да!

Вазировнинг ҳаёлида яна кейинги ойларнинг ҳодисалари жонланди. Мана, ниҳоят, энди у миллий низоларни авж олдириб юборган, шаҳарни турли-туман миш-мишлар ва овозларга тўлдирган одамларнинг сув ичиб турган бўлоғига дуч келган эди.

— Жаноб зобит, бизда шундай мақол бор: «илоннинг оқиға ҳам лаънат, қорасига ҳам». Чор империясини, инглизми, бизга фарқи йўқ. Хар инжисидан ҳам нафратланамиз!



Вазиров кўзлаганига қарши ўлароқ зобит қизишиб кетмади, аччиқ чиқмади. Уни тилидан тутишга, чалғитишга урина бошлади. У большевиклар эски Россияни қайта тиклайдилар, эски тамалларга янгича тўн бичадилар, деб лоф урди. Сиз ёшсиз, ҳали Ватан йўлида кўп хизматлар қилишингиз мумкин,— деди. Сўнг совуққина қилиб қўшиб қўйди:

— Кимнинг қисмати қандай— билиш қийин. Вазиров, сизни ташқарида ўлим кутади. Лекин истасангиз, сиз ундан қўтулиб қоласиз.

Боя илгирма беш дўстидан айрилиб келаятганларда Вазировнинг юзига қалқан табассум яна жилва қилди ва унинг чеҳрасини нурлантириб юборди:

— Таклифингизни айтинг, жаноб зобит!— деб сўради у маъноли қилиб.

Зобит буни унинг рози бўлгунига йўйди:

— Инглиз ҳукуматидан паноҳ сўраб илтимоснома ёзинг. Тамом, қутираб. Сўнг, Ватан йўлида саяхат қиласиз... Битта илтимоснома!

Вазиров ҳамон кулимсираб турарди. Зобит буни кўвонч аломати деб билди ва яна такрор-такрор айтди:

— Битта илтимоснома!
— Қоғоз-қалам йўқ, жаноб зобит,— деб ниҳоят ваазини ва одоб билан жаноб берди Вазиров,— бизнинг қоғозларимизнинг ҳаммасини одамларнингиз титиб олиб кетдилар.

Зобит қаҳ-қаҳлаб кулди ва энди унинг номи ёнига «жаноб» сўзини қўшиб деди:

— Ташвиш чекманг, мистер Вазиров, иш қоғоз-қаламга қараб турган бўлса, бу ёғи осон кўчади.

Зобит сўзга яқинлашди, бир ва рақ оқ қоғоз олди, қалам ва сиеҳдонни Вазировга сурди. Тағин дарча томонга чекиди, бармоқларини ўйнаганча ўзидан мамнун ҳолда яна саҳрога тикилди.

Йўлдошлари ёнига қайтганда, Вазировнинг юзи таёқ зарбидан мўмалтоқ бўлиб кетганди. Кўзлари эса кулиб турарди. Севинч унинг кўкарган юзига ҳам ўзгача зиё бәғишларди.


Охири дафъа, ўлим олдиди у душманини лақиллатиб, учини ололган эди. Устидан тўйиб қулганди. Вазиров нима учун чиқарилганларни ўртоқларига сўйлаб берди. Қоғозга ёзган икки оғиз сўздан зобитни кучалаган икки тенг тиришиб кетганликни айтди. Ўртоқлари оғир вазиятни унутиб, юракдан кулдилар. Машадибек сўради:

— Нима деб ёзган эдинг? Айт, билайлик.

Вазиров шаҳодат бармоғи билан деворга ёза бошлади. Деворда бармоғи ҳеч қандай из қолдирмаётган бўлса-да, ўртоқлари сўзларини равшан ўқидилар: «Жаноб зобит, мен инглиз мустамлакачиларининг ҳийлакорлигини билардим. Энди уларнинг тамомила ақлдан озиб, аҳмоқ бўлиб қолганларини ўз кўзим билан кўрдим».

Озарбойжон тилидан

Иброҳим ҒАФУРОВ таржимаси



АБАДИЙ БАРҲАЁТ

Улуғ саксон ашингиз,
Мангу қуёш бошингиз,
Узингиз доим ешдек,
Болаларга кўз-қошдек,
Илҳомингиз йўлдошдек,
Сўзингиз палова ошдек
Улкан шоир отамиз
Муборакбод айтамыз;
Бизга атаб шеър ёзган,
Бағрин оламдек ёзган,
Шеърнинг каналин қазган,



Китоб офтобин тузган,
Сўз дуторин сайратган,
Юрагимиз қайнатган,
Жонимизни яйратган
Болу асал сўзингиз,
Сўзингиз нақ ўзингиз!
Доим бизда кўзингиз,
Мангу қуёш юзингиз,
Саксон эмас, саксон юз
Ҳаётингиз ой, юлдуз.
Онгимиз яшнатдингиз,
Минг илҳом бахш этдингиз,
Яхшилик, аълоликнинг,
Хушёрлик, доноликнинг,
Чамандек қувноқликнинг,
Меҳнаткаш қайноқликнинг,
Оғайни-уртоқликнинг,
Уруғин жонимизга,
Жон эмас қонимизга
Ақл-виждонимизга
Дехқон бобомдек эккан
Соҳибкор шоир улкан
Ғафур Ғулом отамиз,

Устоз шоир бобомиз.
«Аъло бўлинг», дегансиз,
«Доно бўлинг», дегансиз,
«Қуёш бўлинг», дегансиз.
«Йўлдош бўлинг», дегансиз.
Биз сизнинг ашлигингиз,
Меҳри жондошлигингиз,
Ленинчи фарзандингиз,
Дил, жигарпайвандингиз —
Ватанга деймиз: «Лаббай,
Доим тайёр, доим шай!»
Ҳар бир айтган сўзингиз,
Истагингиз, орзунигиз,
Жонимизга пайваста
Сизга атаб гўлдаста,
Ғайратдамыз, ҳавасда,
Ғафур Ғулом отамиз!
Устозимиз, каттамыз
Онгимизда ўзингиз,
Тонгимизда кўзингиз,
Китоб — офтоб сўзингиз
Сўзингиз нақ ўзингиз...



АҚЛ-ЖАҲЛ ҲАНГОМАСИ

Бор экан кун — Ақлвой,
Бор экан тун — Жаҳлвой.
Икковлари тугишган,
Бир хонада туришган,
Бир танада жойлашган,
Доим бирга юришган.
Аммо феъллари бошқа.
Жаҳл феъли олақашқа,
Ақл билан зид экан,
Доим тананг, хит экан.
Ақл йўлин тўсаркан,
Тегажок, ўжар экан.
Ақлжон феъли — ипақ,
Хуштабиат, нурдай пок,
Ақлжон дебди бир кун:
— Жаҳлвой, зшит бугун

Айтайин бир сўз сенга,
Ақл, жаҳлмиз нега?
Бир танада яшаймиз,
Бош танага ўхшаймиз.
Не учун келишмаймиз,
Кўлга қўл беришмаймиз?
Агар икков жой-жойда,
Интизом, қоидада
Бўлсак доим, албатта,
Ишимизда унум қатта.
Кундек яшнаб оламда,
Оламда бор одамда
Офтоб, ой бўлар эдик,
Ой кундек қулар эдик.
Дунёда донг таратиб,
Ҳаммага онг яратиб,

Не-не ишлар қилмасдик,
Ғам-ғуссани билмасдик.
Сен бўлсанг менга қанот
Уруш шоҳи бўлиб мот,
Сўкиш-чўкиш — ҳаммаси,



Уруш-жанжал балоси,
Қоронғулик уяси,
Бор ёмонлик уяси,
Таг-тубидан емрилар,
Олам гулистон бўлар,
Ишимиз достон бўлар.
Ақл сўзин эшיתיб,
Роса аниб-тиришиб
Жаҳлнинг захри чиқди,
Ғазаби, қаҳри чиқди,
Чаккасини қашлади.
Зардалаб гап бошлади:
— Мен, ахир, тун боласи.
Сен эса кун боласи.
Ҳар ким ўз касбин қилар,
Не бўлса, аслин қилар.

Ташлолмайман феълимни,
Дағал, гов қилигимни.
Ахир, мен жаҳлман-ку,
Ғазаби жоҳилман-ку!
Кучинг бўлса, сен мени
Эгиб олгин бўйнимни.
Шу шартимни қилмасанг,
Феъл-атворим билмасанг,
Сенга бўйин эгмайман,
Деганингда кўнмайман.
Мен жаҳлнинг кўзин бил,
Кўзим эмас, ўзим бил,
У ёғини ўзинг бил.
Ақлжон дебди:
— Маъкул,
Сен жаҳл мен ақл,
Ҳар ким экканин урар,
Жаҳл ҳоли вой бўлар.

Турсун ИБРОҲИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН

Оқ тонглarning оқ тараган боласисан,
Кўз қароғи, эркасисан, сарасисан,
Оромисан, дармонисан, ҳавасисан...
Ҳаваслардан бино бўлган қутлуғ макон,
Жоним — ўзинг, шоним — ўзинг: Ўзбекистон!

Кўш кокилинг — Аму ҳам Сир оқиб турар,
Тўлқинланиб юракка ўт ёқиб турар,
Жамолнингга осмон қайрон боқиб турар...
Сен сулуvasан, сулуваларга оромикон,
Жоним — ўзинг, шоним — ўзинг: Ўзбекистон!

Ой, қуёшни чўмилтирар Чотқол, Чорвоқ,
Кечаларинг кундуздайин: оппоқ-оппоқ,
Бу пахтагдан, шуълаланган минг-минг чироқ...
Сенда ўзин кўз-кўз этар замин, замон,
Жоним — ўзинг, шоним — ўзинг: Ўзбекистон!

Бир каму кўст дунё дерлар бу дунёни,
Бир кам дунё сендан олар муддонин,
Тиз чўктириб хузурига ибтидонин
Сени дейман: онажоним, бўлгин омон,
Жоним — ўзинг, шоним — ўзинг: Ўзбекистон!

АНҲОР БЎЙИДА

Анҳор ёқасида тин олдим ногоҳ,
Еллардек юлқинар мажҳул хаёллар.
Не хаёл, елданми излайди паноҳ
Паноҳ излагандай букчайган тоғлар.

Илдизи ювилар, битган тоқати,
Қанийди тўлқинлар ўзини тийса!
Дала, уватларда қуёшнинг тафти,
Гўдак кипригидай кўккламиш майса.

Чапани тўлқинлар... Шашти бетийик,
Гичирлаб айланар мойсиз чархпалак.

Турфа ранг камалак — мисоли қийик,
Иигитдай кўз тикар осмони фалак.

Кўпириб, ҳайқириб оқиб борар суя,
Сувми, умримми у, депсинар дилим.
Пақирлар — тақдирлар, ажаб, мунча қув,
Бирни тўла бўлса, бириси ярим.

Анҳордан олару анҳорга қуяр,
Қуйилмиш сувларга маҳтал тақирлар.
Бедордир чархпалак — чархи кажрафтор,
Күруқ айланмоқда қай бир пақирлар.

Анҳор ёқасида тин олдим ногоҳ...


ЙЎЛЛАР

Осмоннинг бағри кенг, бағри кенг,
Бу замин йўл учун бир нишон.
Йўл юрсанг, йўлинг ҳам бўлар кенг
Одамлар бўлсалар жонажон.

Одамлар бўлсалар жонажон
Йўлларинг йўлларга пайваstdир.

Йўлларда топарсан шараф-шон,
Йўлларинг барчага ҳавасдир.

Йўлларинг барчага ҳавасдир,
Гул эксанг, дил эксанг дилларга,
Умримиз бир оний нафасдир,
Умримиз экайлик йўлларга!



ОЛАЛИК пайтларимизда Алишер Навоий ҳақида сўз очилса, дарров кўз ўнгимизда Кайдаловнинг мўйқаламидан жило олган шоирнинг портрети гавдаланар эди. Тўғриси айтганда, биз ана шу портретга бироз ўрганиб ҳам қолган эдик. Лекин Маҳмуд Музаҳҳиб яратган расмини кўриб, буюк шоирнинг инсоний қиёфаси ҳақидаги тасаввурларимиз яна ҳам бойиди.

Яқинда олима Фозила Сулаймонова УЗТАГ мухбири билан қилган суҳбатда Навоий тасвирининг бизгача етиб келган ҳамма нусхаларидан охиригиса — унинг энг ёшлик чоғидаги расми ҳақида ҳикоя қилиб берди: — Улуғ озарбойжон шоири Низомийнинг «Ҳамса»си тўғрисида биз бу

саввири килвар?» деб номланган мақоласида Навоий дostonларига ишланган миниатюралар тўпламида эълон қилинган портретлар ҳақида сўз юртади. Олима «Навоий ва Жомий, мусаввир Беҳзод», «Султон Ҳусайн ҳузурда базм» миниатюраларини батафсил таҳлил қилади.

Биз ўйлаймизки, бу соҳадаги изланишлар давом қилади, шоирнинг номтаълим мўйқалам соҳиблари томонидан чизилган янги-янги расмлари топилса, ажаб эмас. Ахир, изланишлар тўғрисида Алишер Навоийнинг дастхати ҳам топилди-ку!

Яна Маҳмуд Музаҳҳиб чизган портрет ҳусусидаги ҳикоятимизга қайтайлик... Буюк шоир умрининг энг сўнгги йиллари, эҳтимол, дақиқалари, онлари бўлса ҳам ажаб эмас. Юзи, кўзи ва пешонасидан нур ёғилиб турган, қарашини ўткир нигоҳида доноликнинг излари зуҳур этган, ичмам ва тоза кийинган. Қўлида асо, хиёл жилмайганнамо...

Бу портретга синчиклаб рази солар эканмиз, беҳитиёр равишда унинг қўйидаги дил сўзлари хотирга келади: «Бир неча кун умрдин топсам амон, шарҳи фалақдин нотавон-

лар чоғиштирилса, бир қатор ўхшаш чизгилар борлигини сезмаслик мумкин эмас. Айни замонда Беҳзод услуби ва мактабининг таъсирини инкор қилмаган ҳолда, Музаҳҳибнинг портретини фақат унинг ўзига хос бўёқлардан фойдалана билиш маҳорати ҳам аниқ бўлиниб туради. Сўнгра, биз Беҳзод чизган портретни кўрмаганлигимиз учун ҳар иккала портретнинг фазилатлари ҳусусида фикр юритишимиз қийин. Бу масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи муҳим жиҳати шундаки, Маҳмуд Музаҳҳибнинг Ҳиротда таҳсил кўрган йиллари Алишер Навоий умрининг охиригага тўғри келди. Ўз-ўзидан табиий бир фикр ҳам туғиладики, Маҳмуд Музаҳҳиб Навоийнинг кўрган, ўша машҳур портретини буюк шоир ҳақидаги таассуротлари асосида чизган бўлиши ҳам мумкин.

Бу фикрни айтишимизга яна бир сабаб, Алишер Навоий билан Беҳзоднинг руҳий, инсоний яқинлиги ҳамдир. Бобир айтдики: «Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг сазй ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар». Алишер Навоийнинг ўзи ҳам Беҳзод ҳақида

бизга дағи кўргуза... Ҳўққиб эрдими, манъ қилғайлар. Бу жавобдин билдимки, муборак хотирларига бу иш хийли ноҳуш келмаган эрмиш. Хотирим жам бўлди».

Шу биргина иқдорноманинг ўзи ҳам буюк шоирнинг ҳаёти ва у яшаган давр ҳақида ҳар қалай анча тасаввур беради. «Инсон деб кимни хаёл қилиб эрдим, бизга доғи кўрсат» — бу фикрлар Абдураҳмон Жомийнинг инсоний, ижтимоий қиёфасини яна ҳам тўлдиради ва бойитади. Илгари ҳам Абдураҳмон Жомий ўз хатлари ва суҳбатларида неча бор Алишер Навоийни оғир бўлса ҳам сарой хизматини тарк қилмасликка, умум, халқ манфаати учун фойдали ишларни амалга оширишга даъват этган эди. У хатларининг бирида куюниб дўстона насиҳат қилиб, шундай ёздади: «Дудан сўнгра муҳаббат ва яқинлик тили билан арз шуки, қудрат энгаси султонга яқин турган ҳолда унга сўзи ўтадиган бўлиш — улуғ бир неъматдир. Бу неъматнинг шукронаси нозик табиатингизга оғир бўлганларнинг аҳолини яхшилаш учун сарф қилиш, золимлар зулмини ва сарханглар (соқчилар) етказиши мум-

«БАРЧАДИН ЯХШИРОК ҲАЁТ ГУЛИ»



Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ
БИРИНЧИ МАҚОЛА

расмга эга бўлиб қолдик. Бу асарнинг қўлёзма нусхаси Британия музейида сақланмоқда. Хижрий ҳисобида 1494—1495 йилларда кўчирилган бу қўлёзма зарҳал нақшлар ва йиғирма битта миниатюра билан безатилган. Камтарона ёзувлардан маълум бўлишича, бу нақш ва расмларнинг ҳаммаси Алишер Навоийнинг дўсти ва шогирди, XV асрнинг ажойиб расмчиси Беҳзод, унинг замондошлари — Мирак наққош ва Абдуразоқ мўйқаламга мансубдир...

...Мажлис аҳли кўк мурсак кийиб, оқ салла ўраган кишига диққат билан куюқ солаётган, нотиқ эса кўпгина миниатюралардаги тасвирлар орқали бизга таниш бўлган мўйсафага тавозе билан гапираяпти. Бу мўйсафид — Навоийнинг устози шоир Жомийдир.

Тарих саҳифаларига мурожаат этилса, XV асрнинг иккинчи ярмида илиф ва санъат соҳибларининг хомийси Алишер Навоий ҳам олимлар билан шоирларни мана шу вазиятда тўплаши мумкинлиги равшан бўлади. Шоир Жомий ҳузурда бу қадар илтифот кўрсатаётган, ўз устозига таъзим қилаётган Алишер Навоийнинг устозини эканлиги шундоқкина англашмайдимиз, ахир?

Озарбойжонча қўлёзмадаги Навоийнинг бошқа тасвирларини маъзур миниатюра билан синчиклаб қиёс қилиш бу таҳминнинг тўғри эканлигини тасдиқлади. Кулча юз, қирра буркун, кўзлари осойишта қақнаб турган қуюқ қошли олийҳиммат инсон Алишер Навоийнинг худди ўзи эканлигига шубҳа қолмади.

— Ҳа,— дейди Фозила Сулаймонова,— бир гуруҳ олимлар ва шоирлар даврасида куч-қувватга, ғайратга тўлган, бошқаларнинг эҳди, билими, истеъдодидаги ҳурмат билан қораччи бу доно инсон Алишер Навоий ўтирибди.

Фозила Сулаймонова «Навоий му-

лик, гаҳе кўрдим замондин комронлик. Басе иссиқ-совуқ кўрдим замонда, басе аччиқ-чучук тотдим жаҳонда».

Маҳмуд Музаҳҳиб чизган ажиб ва нафис портрет ҳақида миниатюрасунос Муқаддима Ашрафий бундай деб ёздади: «Навоий тасвири Маҳмуд Музаҳҳиб томонидан XV аср охирида эмас, балки XVI аср ўрталарида яратилган бўлиши мумкин. Демак, бу тасвир Алишер Навоийнинг ўзига қараб ишланмаган бўлиши ҳам мумкин. Бу миниатюра XV аср охирида ҳиротлик мусаввирлардан бирининг, балки Беҳзоднинг ишларидан кўчирма бўлиши эҳтимолдан холи эмас».

Бу фикрни «Қамолиддин Беҳзод ва унинг нақшоли мактаби» рисоласининг муаллифи Ориф Усмонов ҳам қўллаб-қувватлайди. «Балким,— деб ёздади олим,— Маҳмуд Музаҳҳиб ўз устози Қамолиддин Беҳзод асарларидан илҳомланиб, унинг таъсири остида, унинг гоҳлари ва аъёналарини давом эттириб, ўзига хос мустақил асар яратгандир, ёки бўлмасам, Беҳзод яратган асардан фақат Алишер Навоий тасвирини алоҳида ажратиб олиб, ёлғиз Навоийнинг тасвирини ишлагандир».

Фикримизча, ҳар иккала фикрнинг келиб чиқиш сабаблари бор. Авторлар Навоийнинг портрети масаласида энг аввало Восифийнинг фикрларига таянган бўлсалар, ажаб эмас.

Занидинда Восифий ёздади: «Машҳурдуким, амри кабир Амир Алишернинг фирдавс монанд, осмон зийнатли мажлисига мусаввир Беҳзод бир саҳифа келтурди. Суварти ҳол андоқ эрдиким, боғчан ороста қилиб эрди, неча гуногун дархатлар билан қопланган ва онинг сорида хушсуврат қушлар тасвири тортилган ва ҳар тарафда ариқлар оқиб, гуллар очилгон. Мир Алишернинг мэрғуб суварти андоққим, асоға тақя қилиб тургон».

Тўғри, Қамолиддин Беҳзод билан Маҳмуд Музаҳҳиб ишлаган портрет-

алоҳида ҳурмат, эҳтиром ва самимият билан: «Қуллуқ дуосини сўнгра арзадоқ улким, иноят нишонни келди, иноят сўзлари маълум бўлди. Ҳар ойнамани юборилибдур тасвир қилунсин деб, ани тасвир қила олур киши дебиз Беҳзоддур ва бу яқинда устоду мушору — нилаёғни Мирзо (Султон Ҳусайн) тилаб олдилар: ўз қошларида боғда ҳўра асатиб иш қила олғай йўқ эрди».

Бу фикрни атайлаб келтиришдан мақсад, Беҳзод билан Алишер Навоий мулоқотларини Маҳмуд Музаҳҳиб кўрган ва кузатган бўлиши мумкин, деган мулоҳазани айтишдир.

Гегель Ренессанс — Уйғониш даврини образли қилиб, тонг юлдузи, деб номлаган эди. Бу ўхшатишни тўла маънода Беҳзод билан Музаҳҳибнинг ижодига ҳам қиёс қилиш мумкин. Маҳмуд Музаҳҳиб буюк шоир ҳаётининг сўнгги давларини ҳаққоний ва ёрқин тасвир қилувчи ана шу портрети билан асрлар оша тонг юлдузларидан бири бўлиб қолаверади.

«ИНСОН ДЕБ КИМНИ АЙТАСАНИ.»

Бир кунни Алишер Навоий саройни бутунлай тарк этиб кетиши ҳақида дўсти ва устози Абдураҳмон Жомийга ҳасрат қилиб қолади. Бу ҳол «Ҳамсатул — мутаҳаййиринида» куйдагича ҳикоя қилинади: «Жомий Макка сафаридан келганидан сўнг... фақирнинг бандахонасига келдилар... У бу тарихда мен сипоҳийликдан мутаннафур бўлб, маносибини тарк қилиб, мулозиматини ўқутиб эрдим. Алар танбиҳ ва насиҳат юзасидан сўрдиларким: «Бу навъ амр масмуъ бўлди, бу жиҳат на эрди эркан?» Фақир дедимким: «Инсон жинси суҳбат ва ихтилолдин малуа бўлиб эрдим, бул ишга ул боси бўлди». Алар дедиларким: «Инсон деб кимни хаёл қилиб эрдим,

кин бўлган зарарни мусулмонлардан деф қилиш (халқни ҳимоя қилиш) билан бўлади... Агар сўзни ўтказиш бурчи нозик табиатингизга оғир келиб, шарафли хотирингизда паршонлик рўй берса, бу оғирликни устингизга олиш билан халқ учун қилган гамҳўрлигингизни солиштирсангиз, фарқи жуда каттадир. Хотирингизга етган паршонликка сабр қилишингиз оқибатида сизга бахт-саодат юзлангусидир».

Абдураҳмон Жомийнинг сўзлари беҳитиёр равишда Гётенинг амалдорлар ҳақида айтган сўзларини эсга туширади. Гёте Эккерман билан қилган суҳбатда бир неча бор: «Қани энди олий давраларда маънаватқаш халқ тақдирини учун қайғурадиган кимсалар кўп бўлса», дея таъкидлайди. М. Чехов ўзининг «Чехов атрофида» деб номланган китобида А. П. Чеховнинг аччиқ устида фиғони чикиб айтган сўзини келтиради: «Гоҳ юртимдан бош олиб чиқиб кетгим келади. Лекин бефаҳм, аҳмоқ ва халқ тақдирини билан зигирча қизиқмайдиган амалдорлар кирди-корларини ўйласам, бу фикримдан қайтганимни ҳам билмай қоламан».

Бу фикрлар буюк шахслар ҳаётидаги, уларнинг руҳий-маънавий оламидаги нозик инсоний тўғуларни чуқурроқ тасаввур қилишимизга имкон беради.

Шарқшунос олим А. Н. Болдирев «Навоий замондошлари хотирасидан» (1946 йил) деб номланган мақоласида бир фикрни ўртага ташлаган эди: «Навоий ҳақида замондошлари томонидан айтилган барча фикрлар ва мулоҳазаларини бир жойга жамлаш, уларни бир-бири билан қиёс қилиш пайти келди. Агар биз шу савоб ишни амалга оширсак, буюк шоир Алишер Навоийнинг таржимаи ҳолини мукамал равишда тиклаш имконияти туғилган бўлур эди».

Одилона ва ҳаққоний фикр: Қани энди навоийшунос олимларимиз Навоий ҳақида ёзилган жамини хотира-

106 ЁШЛИ МОМО

Ажойиб давримизнинг шарофатидан бўлса керак, ҳозирги пайтда сочлари қордек оплоқ, қалблари бўлоқдек тиниқ, бегубор онахонларни деярли ҳар бир хонадонда учратамиз. Уз вақтида кунларни тунларга, тунларни кунларга улаб меҳнат қилган, мана шу адолатли ва фаровон турмушимиз учун курашган, асри-миздаги барча буюк воқеаларнинг гувоҳи бўлган, яъни узоқ умр кўрган азиз онахонлар ҳам учраб туради улар орасида. Шундай табарруқ онахонлардан бири бу йил ўзининг 106 баҳорини нишонлаган Тошбиби мома Маҳқомовадир.

Тошбиби мома — гоат содда, очиқкўнгил инсон бўлиб, кўзларидан ҳамisha меҳр ёғилиб туради, чеҳрасидан мулоим табассум армияди. Тошбиби Маҳқомова 1877 йили Кўқон шаҳрида деҳқон oilасида дунёга келди. Ёшлиғи меҳнатда ўтиб, «оку қор»нинг фарқига етадиган пайтларида у қора чиммат куршовидан чиқолмай қўйналиб юрайди. Бахтига Улуғ Октябрь инқилоби аёллар қалбига ҳам нур таратади. Дилнинг тубида ётган орузси ушалганидан беҳад қувонган Тошбиби Маҳқомова аёлларни қора чиммат азобидан қутқаришда, саводсизлиқни туга-

тишда жонбозлик кўрсатди. У 1930—1935 йилларда саводсизлиқни тугатиш бўйича тузилган аёллар кенгашининг раиси бўлиб хизмат қилди.

Тошбиби мома Маҳқомованинг ҳаёт саҳифаларидан бундай лавҳаларни кўлаб келтириш мумкин. У Улуғ Ватан уруши даврида фарзандларини фронтга жўнатиб, халқимиз бошига тушган ҳижрон азобини ҳам тотиб кўрди. Бироқ момони ғам-мутиб енга олмади. У ўзининг меҳтин иродаси билан тинчлик йилларини кўтиб олди. Мана энди Тошбиби момонинг орзу-истаклари рўйбга чиқди. У ҳозир ўз фарзандлари, невара ва чеваралари даврасида кексалик гаштини сураётди. Фарзандлари, аёлларни эса уни еру кўкка ишонмай ардоқлайдилар, хурмат қиладилар.

Онахон ўзининг узоқ умр кўриши сабабини курашиб яшаган ундаган партия ва бахтиёр замонамиз тўғриси деб билади. Шунинг учун ҳам у партиямиз ва халқимиздан ҳамisha миннатдор. У ўз болаларини доимо партиянинг, Ватаниннг содиқ фарзанди бўлишга руҳлантиради, уларни чинкема инсоний фазилатларга эга қилиб тарбия этади. Табарруқ инсон, мусаффо қалб эгаси Тошбиби мома ҳали бардам... Онахон ўзи босиб ўтган ҳаёт йўлини эслганда ҳажжон ва гурур билан сўзлайди. Зеро, мана шундай мураккаб, лекин шарафли ҳаёт йўлини босиб, ғалабага эришиш ҳар қандай инсон учун ҳам мароқлидир! Бунинг учун буюк ва метин ирода керак.

Малика МҶМИНОВА

лар ва эсдаликларни шарҳлаб, бири-бири билан қиёс қилиб чиқсалар, қандай соз бўлур эди!

Шу хилдаги уринишлар давом этаётганини ҳам айтмай ўтишга ҳақимиз йўқ.

Яқинда «Навойи мураққаси» (альбом)дан ўрин олган «Абдурахмон Жомийнинг дастхатлари» деб номланган рисола нашр қилинди. Бу рисо-ланнинг нашр қилинишини адабий-маданий ҳаётимизда муҳим воқеа деб ҳисоблаш лозим. Бу иш заҳмат-каш олим Асомиддин Уринбоевнинг узоқ йиллар давомида олиб борган тадқиқоти мевасидир. Альбомдан жой олган мактубларда Алишер Навойи ҳаёти, ижодий ва ижтимоий фаолиятининг кўлгина муҳим қирралари ўз аксини толган. Чунинки, унинг дин ва оқддий фуқаро вакил-ларига бўлган муносабатлари шоир ҳаётдаги тасаввуримизни яна ҳам бойитидади.

ШОИР ҲАЁТИНИНГ СЎНГИ ОНЛАРИ...

Буюк шоир Алишер Навойи ҳаётининг сўнги йилларини ҳикоя қилувчи мақолалар, рисоалар ёзилган. Масалан, Хондამирнинг «Мақоримул ахлоқ», Абдулмуҳимнинг «Жомеут-таворих» сингари бир қанча асарларини тилга олиш мумкин. Ана шу ва бошқа бир қанча манбаларда буюк шоирнинг амалга оширилган қолган ижодий режалари тилга олинган. Алишер Навойи умрининг сўнги йилларида Султон Хусайн Бойқаро подшоҳлиги тарихини ҳикоя қилувчи дoston эмомчи бўлганлиги илм аҳлига яхши таниш.

«Навоийнинг вафоти олдида» (1498—1499) ёзган сўнги асарларидан бири «Лисонут-тайр» дostonи эди,— деб ёздаи А. Ҳайитметов.— Бу дostonда ҳам шоир ўзининг ижодий режаларидан бири ҳақида қимматли маълумот беради. У ушбу дostonнинг бир ерида машҳур Шайх Санъон ҳикоясини кучли шавқ ва завқ билан ҳикоя қилиб бўлиб, Шайх Санъон билан ўзи ўртасида ишқ соҳасида кўп ўшаршлик борлигини, ишқ Навоийни ҳам Шайх Санъондан кам ўртантирмаганини гапирди. Шу ўринда Навоий Шайх Санъон ҳақидаги ҳикояни тамомлаб, ўзига шундай деб титоб қилади:

Кел, Навоий, сўзани холо хатм қил. Ишқ аро наҳори даъно қилмагил. Бир неча кун умрдан тоисам омон. Шарҳи ишқим назм этай бир дoston. Анда билгил кимганим инсофдур. Ким сўзум чинму дурур ё лофдур.

Бундан маълум бўладики, Навоий ўзи, ўзининг шахсий кечинмалари ҳақида ҳам оловли бир дoston, яъни автобиография характерда гоат оригинал бир асар яратмоқчи бўлган.

Маълумки, Алишер Навоий 1500 йилнинг 31 декабри куни пешин чоғи Хусайн Бойқарони кўтиб олиш учун мулозимлари билан йўлга отланади ва 1501 йилнинг 3 январь куни қазо қилади.

Хондამир ёздаи: «Ҳидоят насаб-ли, баланд даражали, ҳоқоний давлатининг суянчиги, султон ҳазратларининг дўсти ва Олий ҳазрат (Алишер Навоий — П. Ш.) истиқбол учун еттинчи жумодил — охирида сешанба куни Кўвания қасабасига жўнаб, Париён рабобини муборак юзининг нури билан жаннат боғига айлантирд. У кеча ўша жойда тўхтаб, чоршанба кун эрталаб, бирор очик сабабсиз, рабобини эшик ва деворларига ҳар ким томонидан ёзилган байтларни ўқимоқ мақсадида унинг бир томонидан кирди, тўсатдан ул ҳазратнинг муборак кўзи шу қитъага тушди:

Дар ин дақиқа бимондан жумлаи хукамо,
Ки одами чи қунад бо қазои кун
Фялқун.
Фуруғи набз чу шуд мунаҳариф зи
жумбиши асл.
Ба лои ажиз фуру рафт пои Афлотун
Салҳон таъб чу сўи фасод рўй ниҳод
Вимонд беҳуда дар дасти Ву-Али
«Қонуи»

(Таржимаси: «Шу оғир дақиқаларда барча хукамо ожиз қолди, одам тангри қазосига қарши нима ҳам қила олади. Томир уриши асл ҳаракатдан четланганда Афлотун оғеи ожизлик лойига ботиб қолди. Таъб дуруслиги фасодга юз кўйганда, Абу Али ибн Сино қўлдаи «Қонуи» беҳуда нарса бўлиб қолди».)

Бинобарин, таассуф ва ачиниш изҳор қилиб, илҳом тили билан айтдики: «Тўғри, ҳамма одам келгуси оламга юз ўғирини керак. Улим ва ҳаёт яратувчисининг истагини ҳеч ким қайтара олмайд».

Шу пайт у жойдан кўчиб, Поёб рабобига борди. Панжшанба кечаси бу жойга лашкаргоҳдан Мавлоно Вайс келиб: «Алло ҳазрат бу кечаси Амир Шоҳ Малик рабобига таширф қилдилар, у жойдан эрталаб юриш қилдилар, деган хабарни етказди... Амир боимд назозини эртароқ адо қилиб, дархол отга миниб, Амир Шоҳ Малик рабобига қараб йўланди. Йўл асосида ҳар дам муборак пешонасидан шодлиқ ва хурсандлик нурлари порлади. Подшоҳнинг етишиб келган ҳар бир мулозими аҳвол сураш ва кўнгил овлаш билан қувонтирилари. Бир фарсаҳга ақин юрганда сохибқироннинг дабдабали ва кўркам михоффаси кўринди.

Шу фурсатда, худонинг тақдир билан у зотнинг муборак боши айлан-ки қолди. Олийқаноб Амир Хожа Шихобиддин Абдуллои ўз ақинига қақирди: «Мени сақлашдан гофил

бўлманг, аҳволим ўзгартиб қолди», деди. Шу пайтда ало ҳазратнинг кўлини ўпишга етишмоқ учун одетн тушди. Тўсатдан етишган касаллиқнинг оғирлиги охириг чека бориб қолгани ва юришга мадори қолмаганидан, мазкур амир ва мавлоно Желлолиддин Қосим кўлтиқларига кириб, шу йўсунда илгари юриб, бошини баланд даражали подшо кучоғига қўя олди. Ул буюклик ва дабдаба доирасининг маркази аҳволида ўзгариб кўриб, ало ҳазрат гоятда қайғули ва ғамгин бўлди. Бу ер тўхташ ўрни бўлмаганлигидан, (султон) аҳвол сураш ва илтифот маросимларидан кейин ўтиб кетди. Шу онда бу касал сакатга айланб, олий насабли амирда қайтиб ҳаракат қилиш ва сўзлашга мажол қолмади.

«Томут-таворих»да ўқиймиз: «Султон Хусайн Мирзо Астробод мулки томондан қайтаётиб, Ҳирот шаҳридан ул бир тош келадиған Хожа Аббос деган ерга етган вақтда Амир Навоий Хусайн Бойқаронинг истиқболига чиқди ва бошини Мирзонинг кучоғига қўйганда ҳушидан кетди ҳамда сакта касали билан вафот топди».

Сайид Муҳаммад Абдулланнинг 1967 йил Кобулда нашр қилинган «Амир, Алишер Навоий-Фоний» тўпламидан ўрин олган мақоласида ҳам Алишер Навоий умрининг сўнги онлари тилга олинади.

«Султон Хусайн мирзо Астрободда исён кўтарган ўғли Муҳаммад Муҳсинга танбех бериб, хотиржам бўлиб, Ҳирот томон йўл олди. Шунда Амир Алишер жамини саҳоблари ва дўстлари билан бирга султоннинг истиқболни сари ошиқди. Маълум масофани босиб ўтишгандан ва султоннинг мавқабига яқинлашиб қолгандан сўнг, султон хизматкорларидан бўлиш Хожа Шихобиддин Абдулло Амир Алишер хузурига чоғиб келди. Амир уни ўз оғушига олиб, ҳол-аҳвол сўраб турганда тўсатдан рангида ўзгартиш пайдо бўлди ва деди: «Хожа Абдулло, мендан воқиф бўлиб туринг». Шу пайт султон Шихобиддин Абдуллога амрини Амир узангидан тушиб, султоннинг истиқболига ошиқди. Шу пайт тўсатдан унинг аҳволи оғирлашиб қолди. Унинг бир кўлтиғига Хожа Абдулло, иккинчи кўлтиғига мавлоно Желлолиддин Қосим киришиб, уни суаб бордилар. Султон тахтиравонга етиб борғач, ҳоли келмай ўлтириб қолди. Султон уни қанчалик қақирмасин, жавоб бўлмади. Сўнгра султон Шихобиддин Абдуллога амрини тахтиравонига солиш шу кечаёқ Ҳиротга элтишни бурюди, ўзи эса рабоби Париёнга жўнаб қолди. Уша замон амир беҳуз бўлиб қолди».

Алишер Навоий ҳаётининг сўнги дақиқаларини ақс эйтирувчи бу лавҳалар буюк шоир биографиясини тўлдиришга ердан беради. Лекин бир зум бўлса-да, ўзимизга ўзимиз

савол бериб кўрайлик. Алишер Навоий сингари ҳаётни кучли эхтирос билан севувчи бир шоир, давлат арбоби умрининг энг сўнги онларида амалга ошмай қолган ижодий режаларини ўйлагандир. Ким билади, эҳтимол, Хусайн Бойқаро тузган давлат тақдир билан қизиққандир.

Муҳтарам олимимиз, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси муҳбир аззоси У. Каримов «Навоий ва сарой табиби» деб номланган мазмунли мақола ёздаи. Ушбу мақолада ҳам Алишер Навоий ҳаётининг энг сўнги дақиқалари ҳикоя қилинади.

«Таажжубланарли жойи шундаки,— деб ёздаи У. Каримов,— «Ҳабиб ус-сияр»да касалдан дархол қон олишга бирдан-бир қарши чиққан киши сарой табиби Абдулхай деб кўрсатилгани ҳолда, «Мақоримул ал-ахлоқ»да бунинг тексариси ёздаи: «Йўл асосида ҳикматпаноҳ Низомиддин Абдулхай ва мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Гилонийларнинг маслаҳатларига биноан ул илоҳий марҳаматлар тмсолсининг томрини тилиб, нозик хўнарлар шилатиш орқали қарийб ярим ман (бир ман — 680 г.— П. Ш.) қон олинди».

Бу ерда яна бир нарса кўзга ташланади. Хондამир «Ҳабиб ус-сияр»да Абдулхайнинг номини ўнчалик хурмат билан тилга олмасдан, унинг табиблиги ҳақида истехзо билан «Табобатдан лоф уриб юрвачи Абдулхай Зибратгоҳий...» деб ёздаи, «Мақорим ал-ахлоқ»да ақсинча «Ҳикматпаноҳ Мавлоно Низомиддин Абдулхай...» деб таърифланади.

Бундан шу нарса англашиладики, Хондამир «Мақоримул ал-ахлоқ»ни ёзган вақтда Навоийнинг касаллиги жуда кечикиб, фурсат ўтгандан кейин чора қурилганлиги ва бу хатонинг айбодри ким эканлиги ҳақида рўйроқт гапиршга журъат етдмай, воқеани хаспўшлаб ўтишга мажбур бўлган. Фақат орадан 25 йиллар чамаси вақт ўтгандан кейингина ҳеч нарсадан чўчмасдан ҳақиқатни ёзиб қолдиришни лозим толган. Ахир, деярли барча тарихий манбаларда сарой табиби Абдулхай Алишер Навоийнинг яқин одамларидан бири сифатида тилга олинмади-ку!

Бу мулоҳазалар яна ҳам янги дедиллар асосида аниқланш ва тасдиқланганини талаб қилаётир.

...Буюк шоир умрининг сўнги дақиқаларида нима ҳақида ўйламасин, нималардан қувонмасин, нелар тўғрисида қайғурмасин — «барчадин яхшироқ ҳаёт гули» эканлигини унутмаган бўлса керак.

Уйлаймики, навоийшунос олимларимиз буюк шоир ҳаётининг сўнги онларига эмас, барча онлари ҳақида замондошлари айтган фикрлар, мулоҳазалар, тафсилотларни излаб топадилар, шу орқали Алишер Навоий ҳаёти, ижодига доир тасаввурларимизни яна ҳам бойитиладилар.



Тошбиби момо Маҳкам қизи бу йил 106 ёшга кирди. Табар-рук она ували-жували бўлиб, ажойиб замонамиз гаштини сураётир.

Н. Шарипов фотоси

Рассом Абдулла Абдураҳмонов республикаимиз пойтахти Тошкентнинг 2000 йиллик тўйига атаб ана шундай безак-расм тайёрлади.




УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ВЕТЕРАНЛАРИНИНГ АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР



В. ПЕТРОВ. ВЕТЕРАНЛАР УЧРАШУВИ.

(МАМАЙ ҚУРҒОНИНИ ҲИМОЯ ҚИЛГАН
СОБИҚ СОЛДАТ ВА ОФИЦЕРЛАР)

В. ПЕТРОВ. СТАЛИНГРАДЛИКЛАР.



А. СТИМБАН. АДИРДАГИ ЯЙЛОВДА.



А. СТИМБАН. САРИЧЕЛАК КҮЛИ.

А. СТИМБАН. СИРДАРЕ.





Г. ТКАЧЕВ. ЕЗ.




Х. РАХМОНОВ. ПОЛВОН ТУЛАНБОИ ҚУРБОНОВ.





Физика-математика фанлари доктори, Бегуний номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Галина Павловна МАТВИЕВСКАЯ.



Н. Шарипов фотоси

Суратда: Сурхондарё область Гагарин районидаги «Советобод» совхозининг илгор пахтакори, комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Урозгул Бобомуродова.

Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозида бу йил узумлар гоят серҳосил бўлди.
Б. Мизрохин фотолари



МАТЕМАТИК ОЛИМА МАТВЬЕВСКАЯ

Бу олиманинг оиласи асли днепропетровский. Онаси Ксения Яковлевна француз тили ўқитувчиси, отаси Павел Евгеньевич эса тарихчи эди. Улар бўш вақт топсалар, дарҳол яккаю ягона қизалоқлари қалбида ўз фанларига нисбатан муҳаббат уйғотишга ҳаракат қилар эдилар. Бироқ Галина физика-математика фанларига кўпроқ меҳр қўйди. Бу қизиқиш уни мактабни тамомлагач, Ленинград Давлат университетининг механика-математика факультетига етаклади. У университетни имтиёзли диплом билан тугатгач, аспирантурага қолдиришди. Академик Владимир Смирнов уни ўзига шоғирди қилиб олди.

Аспирантура даврида самарқандлик Карим Раҳимов ҳамда Галина Матвеевская бир-бирларига кўнгил бериб, турмуш қурдилар. 1957 йили икка-лалари ҳам кандидатлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Галина СССР Табиёт ва техника тарихи институтининг Ленинград бўлимида, академик Леонард Эйлернинг математик қўл-ёзмалари устида ишлашни давом эттирди. Карим Раҳимов эса Тошкентга таллинларди. Шундай қилиб, 1959 йилда бирга Тошкентга келишди. Иш юзасидан Ўзбекистон Фанлар академияси В. И. Романовский номидаги Математика институтининг ўша вақтдаги директори, математик олим Саъди Ҳасанович Сирожиқидиновнинг ҳузурда бўлишди.

— Бизга ҳам тарихий математик қўл-ёзмалар билан шуғулланадиган тадқиқотчилар жуда зарур,— деди Галинага Саъди Ҳасанович илк суҳбат пайтида.— Шарқшунослик институтида 6 мингга яқин қўл-ёзмалар тўпланган. Уларнинг кўпчилиги астрономия ва математика фанларига оид бўлиб, Шарқ математикаси тарихини ўрганишимизга ердამ беради. Хоҳласангиз, шу соҳада тадқиқотлар олиб бординг. Бироқ, буларни тадқиқ қилиш учун аввало араб тили графикасини ўрганишингизга тўғри келади.

Тарихий математик қўл-ёзмаларни тадқиқ қилиш учун фақат тил ўрганишининг ўзигина кифоя қилмасди. Бунинг учун у Урта Осиёда вужудга келган математик тадқиқотлардан ҳам яхши хабардор бўлиши керак эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Тошкентда 40-йиллардаёқ Иттифоқ миқёсда нуфузли илмий марказ майдонга келган эди. Т. Қори-Ниёзий, Т. Саримсоқов, С. Сирожиқидинов каби кўпгина улкан математиклар бобоқалонларимиз Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, кейинроқ эса Умар Хайём сингари буюк олимларимизнинг аънанасини давом эттириб, Тошкент ма-

тематика мактабини яратдилар. Математик анализ, сонлар назарияси, дифференциал даражалар ва математика тарихи соҳасида муҳим тадқиқотлар амалга оширилди. Олий математиканинг кўпгина қисмлари буйича ўзбек тилида дарсликлар ёзилди. Шунингдек, Тошкент кибернетика ва топология фанининг ҳам Иттифоқимиздаги марказларидан бирига айланди.

Галина Павловна тошкентлик математик олимлар муҳитига тез орада аралашиб кетди, яратилаётган ангилликларни зўр қизиқиш билан ўрганиб чиқди. Айниқса, Саъди Ҳасанович... Унинг Урта Осиё мутафаккирларининг илмий меросини ўрганишда,



Урта Осиё республикалари, жумладан, Ўзбекистон учун малакали мутахассислар тайёрлашдаги жонкуярликлари... Буларнинг ҳаммаси Галинада Шарқ математикаси ва унинг аjoyиб олимларига нисбатан чексиз муҳаббат уйғотди. У бир йил деганда, араб графикасини ўзлаштириб олди. Сўнгра қўл-ёзмаларни ўқиш, тадқиқ қилиш ишларига шўнгриб кетди.

Галина Павловна аввало бу қўл-ёзмаларнинг муаллифлари ҳақидаги маълумотлар билан танишар эди. Уларнинг фанда қандай асарлари маълум эканлигини аниқларди. У бу қўл-ёзмаларнинг қачон, қаерда ёзилганини билиб олмагунча тинчимасди. Шунингдек, у Европа ва Урта Осиё математикаси тарихига оид материалларни ҳам тўплаб борди. Шарқ олимлари кезган мамлакатлар ва шаҳарларга сафар қилди. Устоз олимлар билан илмий анжуманларда, ҳалқор симпозиумларда иштирок этди. Шарқ математикаси ҳақида сўзга чиқди. Фарбда Шарқ математикаси ҳақида айтилаётган чалқаш, нотўғри фикрларнинг мутлақо асоссиз эканлигини қўл-ёзма асарлар орқали исботлаш истаги унинг юрак тугёнига айланаб борарди. Бу орзуният аста-секин китобларга кўча бошлади.

Галина Павловна тинмасдан ёзарди, тинмасдан ишларди. Бу ишларнинг ҳаммасига Саъди Ҳасанович раҳбарлик қиларди.

1969 йилда олима «XVII асргача Европада сон ҳақидаги назариянинг ривожланиши» мавзусидаги докторлик диссертациясини ёклади. Унга физика-

математика фанлари доктори илмий даражаси берилди.

Ҳозир Матвеевскаянинг кўксиде Абу Райҳон Беруний номидаги республика Давлат мукофоти лауреати нишонни порлаб турибди. Бу унвон унга 1976 йилда Шарқ математикаси тарихига доир туркум асарлари учун берилган эди.

Галина Матвеевскаяни ҳамisha атрофини ёш олимлар қуршаган ҳолда кўрасиз. 60-йилларда Шарқ математикаси тарихига доир қўл-ёзмалар билан институтида биргина унинг ўзи шуғулланарди. Эндилдиқда эса бундай олимларнинг сони 20 дан ортиқроқ. Уларнинг илмий ишларига физика-математика фанлари доктори Галина Матвеевская бошчилик қилапти.

— Матвеевскаянинг хизмати шундаки,— дейди академик Саъди Сирожиқидинов,— у асосан Яқин ва Урта Шарқ, жумладан, Урта Осиё олимларининг Европада математиканинг ривожланиши ва ҳозирги замон математикасининг вужудга келишидаги муҳим ролини аниқлаб берди. Ал-Хоразмийнинг таъкидлашича, олимлар уч ғуруҳга бўлинадилар. Улардан биринчилари ўзларига қилинмаган ишларни қилиб, уни келажак авлодга қолдириб, ўзгалардан ўзиб кетадилар. Иккинчилари ўтмишдошларининг меҳнатларини шарҳлаб берадилар ва бу билан қийинчиликларни енгилаштиридилар, жумбоқларни енадилар, келажак авлод олимларининг йўлларини еритадилар. Сўнги тоифадаги олимлар эса баъзи китоблардаги нуқсонларни топадилар ва фандаги «узилган» нуқталарни улайдилар... Галина Матвеевскаяни ана шуларнинг иккинчи тоифасига киритиш мумкин. У ҳам ўтмишдошлари меҳнатини юзага чиқарди, шарҳлаб берди, қийинчиликларни енгилаштирди. Булар замирида қанчадан-қанча уйқусиз тунарлар, заҳматли меҳнат ётганини яхши била-миш.

...Тошкентнинг дарактларга бурканган сўлим-салқин фан шаҳарчаси. Бу ерда ҳар куни қанчадан-қанча машҳур олимлар, фан заҳматқошларини учратиш мумкин. Улар орасида Галина Павловнани ва унинг умр йўлдоши — биология фанлари доктори Карим Раҳимов ҳам ҳар куни ишга отланади. Оиланинг ёлғиз фарзанди Инобат Каримова эса ҳозир Киевда. У Ленинград Давлат университетининг математика-механика факультетини тугатиб, ҳозир аспирантура курсида таҳсилни давом эттиряпти. Математиканинг формулалари, қонунлари, барча-барча мўъжизалари билан унинг ҳам борлигини қамраб олган.

Назира ЙҮЛДОШЕВА

ОТАЁР

АЛ-ХОРАЗМИЙ ЁДИ

Ўтмишу бугунда ташна булоқсан,
Бордирсан илмининг амал, сабрида.
Боқ, бугун давримда яшамокдасан:
Куйида, тўйида, алжабрида.

Қомусий зотдирсан — илмий тафаккур,
Фозиллар дарсида қарақлаган нур.

Фалсафий қарашсан, нурли шуурсан
Минг йиллар қатридан очилган рўё.
Табиат тилидан айтилган суҳан,
Донишлар даврасин ёритган зёё.

Қомусий зотдирсан — илмий тафаккур,
Фозиллар дарсида қарақлаган нур.

Кўешининг соати, юлдузлар кўзи —
Осмонга термулган расадхонсан.
Синусу тангенус — илмининг сўзи,
Оламда боқийсан — битта доносан.

Қомусий зотдирсан — илмий тафаккур,
Фозиллар дарсида қарақлаган нур.

Қадимдан собитсан — замин сурати,
Ўзингсан алгоритм, наср ва илдиэ.

Илму фан танида қалбинг уради,
Йўқдан бор қилдинг-да, сўзга бердинг кўз.

Қомусий зотдирсан — илмий тафаккур,
Фозиллар дарсида қарақлаган нур.

Еддасан: ҳаволаб осмонда ўсқак,
Ё қалбаг ишқ солса кибернетика,
Илму фан кўкида мўъжиза қўсқак,
Ургансан — уммонсан, сурур, этика.

Қомусий зотдирсан — илмий тафаккур,
Фозиллар дарсида қарақлаган нур!

ЙҮЛЛАР ВА ЧҮЛЛАР

Йўллар умри нур умрига баробар —
Тақдирларга ўхшайди.
Энди улар чўлларга ҳам, биродар,
Ҳароратин тўшайди.

Чўлларга йўл қайда эди бир замон,
Ким кўмсабди саҳройи?
Балки илк бор йўл солган ҳам чўл томон
Уша Мажнун — саҳройи...

Муҳаббатдан тугилган-да йўллар ҳам,
Кечмишда тақдирлар.
Тақдирлардай боқий бўлди чўллар ҳам

Йўллар элтгач тақдирлар...
Йўллар умри нур умрига баробар —
Умримиздек, биродар.

* * *

Кимки агар меҳнат қилса кайфият билан,
Дўст тутинса кўзлардаги чўнг ният билан —
Ҳар ниятга қўлин урса муҳаббат билан
Кайфияти дарз кетмагай, доим ёш бўлур.

Жўшқин меҳнат жабҳасида бормиз уззу кун,
Илҳом билан келишганлар тинмас ҳатто тун,
Утаётган кунлар билан келишқоқ учун
Асабларга ҳай бермаган голиб, бош бўлур.



Бир ён меҳнат, бир ён эса орау-интилиш,
Келажакнинг йўлларини орауиш, ўқиш,
Лоқайд кечган ҳар умрининг замирида қиш...
Кайфияти аъло дилда куч, бардош бўлур.

Бир умрини бебаъз ўтмоқ — бурчу фарзимиз,
Фарзандларнинг истиқболи бизнинг қарзимиз,
Тинч ҳаётда шодимиз, токи йўқдир арзимиз —
Кайфиятга ошно қалбада кўр — қуёш бўлур.



Россия, бепоён киргоқларингни,
Тубсиз самоватинг чодирин хол-хол,
Жанубий биёбон кучоқларингни,
Тайгалар ястанган йироқларингни
Тўла куча олмас ҳаттоки хаёл.
Сенинг қафтдай текис даштларинг бўйлаб
Ҳар қанча елса ҳам толади шамол.

Шамол, Чукотканинг чўққисидан то
Поёнсиз ям-яшил кенгликлар аро,
Урал чироқлари қадар жадал уч,
Шовулла қалин дуб тўқайзорларда,
Тамбовнинг сарвақ қайинларин куч.
Смоленскининг ипак майсазорида
Худди мана шундай ўйнаб, ҳордиқ ол.

Россия, Россия, сен она мисол
Қон-қардош халқларга бахш этдинг ҳаёт,
Уз бағринга олдинг, бердинг бахт-иқбол,
Бахш этдинг куч-қудрат, бургутвор қанот.
Фурурлан, Россия, ўғилларинг шан,
Кўрдинг-ку жанговар марди майдонинг,
Қандай курашганин жангда ёв билан,

Қандай сенинг буюк шуҳратинг-шонинг
Жанггоҳлардан олиб ўтганин мағрур.
Қанчалар сочмасин жасурларга нур
Олис сафар чоғи ёқилган гулхан,—
Россия, ёдингни дилига солиб,
Улар бир муддатга ҳордиқ оларкан,
Қўшигинг куйлаган хаёлга толиб.

Қор уйқуси сингари
Нурафшон ва омонат!
Ойнинг зарҳал нурида
Қайин оқдир мисли қор...
Боқсанг агар ортингга —
Болалик чорлар фақат,
Боқсанг агар олдингга —
Қорда биров изи бор.

Набирамнинг излари...
Кулишлари шўх-шодон —
Қочар мендан қийқириб,
Узда йўқ шод бу дам.
Кўҳна инни кўз қилиб,
Дарахт боқар меҳрибон,
Чуқур томир отмоқда
Узи солган илк қадам.

Узда йўқ шоддир у...
Писанд қилмай қор захмин,
Қорсўқмоқни айланиб
Тепадан сакрар чапдаст
Ва илк бора, илк бора
Тотиб эркинлик таъмин,
Емғир ёққан майсадек
У қувончдан эди маст.
Туғишгандек қуш билан,
Сезар ўзин бугун у

Афсонавий жойларга
Илк бор учиб етгандек,
Ихтиёрсиз у фақат
Яқинлашиб боришдан
Поёнсизлик ҳадиға —
Хозир учиб кетгандек.



Қулар қувнаб набирам...
Нурафшон ва омонат
Ойнинг ёруғ нурида
Атроф бўйлаб ётар қор,
Боқсанг агар ортингга —
Болалик чорлар фақат,
Боқсанг агар олдингга —
Қорда унинг изи бор.

Эргаш МУҲАММАД
таржималари

Қамчибек КЕНЖА

МИРОБ


РИВОЯТ

Устоз Назир САФАРОВГА

Илми неъмат шундай касбки,
Саховатда билингай.
Қақраса ҳам ўз томоғи,
Сувни ерга илингай.
Оби ҳаёт зар, олтинким,
Тошиб-оқиб ётмайди.
Деҳқон зотин бирор тонги
Сув дардиси отмайди.
Бир ривоят:
Низо чиқиб, сув ҳокимин
Слибдилар ўртага:
— Имон қани!— дея таъзир
Берибдилар журттага.
Мазахўрак мироб қурғур
Келмабди ҳеч инсофга.
Сув тизгинин бурар экан
Кўпроқ ўзи тарафга.
Охир уни кўтаришиб
Бўлак амал-юмушга,
Энг ашаддий ҳақпарастни
Сайлабдилар бу ишга...
Одам Ато замонда
Тоб еган бу мақолдир:
«Хом сут эмган бандасига
Феълдан кечмоқ малолдир.
Бўғот узра турмасин ким,
Кўришмабди рўшнолик.
Қолмабди ўз кўмачига
Кул тортмоқлик, гушнолик.
Ниҳоят, бир оқил чиқиб
Ваъз айтибди жўялик:
— Сув ташвиши кам кимсадан
Мироб сайлаб кўрайлик...
Лекин инсон онгли хилқат,
Қалбида жо туйғулар:
Қариндошлик, ёр-оғайни,
Ҳукми кабир, улуғлар...
Янги ҳоким ҳам сал ўтган
Қўллайди ўз тadbирин:
Таниш-билиш ё қавмига
Сув очар мўл, яширин...
Нечалар бу лавозимга
Кўтарилиб, тушибдир.
Йиғилибди боз халойиқ
Ҳафсаласи бўлиб пир.
Жонга оро тагин оқил:
— Қитмир чиқмас фақирдан.


Тўғонбонга муносиброқ
Номзод йўқдир сағирдан...
Текис оқиб сув хийла вақт,
Тин олибди элу юрт.
Экин-тикин буй чўзибди,
Фигонидан чиқмай дуд.
Лекин одам одамлигин
Қилар. Бу гал иш ғайри:
Етимакни «чойчақа»га
Ургатибдир куллари.
Яна жанжал, яна сурон,
Яна биз бармоқлар.
«Урҳо-урдан ситилибди
Ёқалару томоқлар...
Бу гал оқил ўйлай-ўйлай
Топмиш шундай хулоса:
«Қозончининг эрки бор-да,
Қайдан қулоқ чиқарса...»
Сўнг оқилсиз, обдон, пухта
Кенгашибди бошқалар:
— Бас, тўғонни, сувни фақат
Оқил ҳалол бошқарар.
Овқ тираб дебди оқил:
— Эл назидан қолгим йўқ.
Сайлабдилар ўтиниб ҳам,
Ёлгондакам уриб дўқ.
«Зора,— дебди ичда оқил,—
Кўрсатсаму бир ибрат,
Тақсимотда, мусовотда
Урнатолсам ҳақиқат...»
Ярашибди пўм қўшниллар,
Барҳам ебди көк, нифоқ.
Эркин нафас олмаш ҳатто
Зада бўлган сув, тупроқ.
Талаб этар оқил улуш,
«Имоларни англамай»,
«Устингиздан арз кўп», деса,
Таҳдид қилса, ғам емай.
Унинг сипо, ҳақгўйлиги
Пўртанадай салобат,
Таъма, хитоб мавжин босиб,
Лол айлабди, ниҳоят...
Балки ҳамма донога тенг
Насиб этмас бу омад,
Барчаси юрт толеига
Бўлсин бору саломат.

1983 йил



Навоий цемент заводининг кўкун тайёрлаш технологиясини автоматлаш-тиришни бошқариш системасининг инженерлари М. Валиева [чапда] ва Г. Галимова иш жараёнини кузатиб бормоқдалар.

А. Ванштейн фотоси
[УзТАГ фотохроникаси]



Алишер Навоий номидаги республика Давлат кутубхонасининг ходими Ширин Махкамжорова.

Н. Шарипов фотоси



ТАФАККУР ХАЗИНАСИ

Ж

ОНАЖОН шаҳримиз Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи тантанаси тобора яқинлашаётир. Мазкур кутлуғ сана муносабати билан республикада қизгин тайёргарлик бормоқда.

Шаҳримизнинг кутубхоначи-зиёкорлари коллективи ҳам бу оммавий тадбирлардан четда қолаётганлари йўқ. Улар Тошкентнинг 2000 йиллигини муносиб кутиб олиш, шаҳримиз зиёбахиллигини янада ошириш мақсадида муҳим тадбирлар ишлаб чиққанлар...

Маълумки, ўзбек халқининг маданий тараққиёти тарихи, шу жумладан, Тошкент шаҳрида қурилган маданий ёдгорликлар ҳамда бетакрор обидалар бу ерда қадим замонлардаёқ бой ва ўзига хос маданият вужудга келганлигидан, узоқ ўтмиш давлрларда ҳам китоб сақлайдиган расадхоналар, қироатхоналар, кўпгина кутубхоналар мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Аммо чет эл босқинчиларининг юришлари ҳамда майда охликларнинг ўзаро қиргинлари натижасида эждоқларимизнинг тафаккур дурдоналари — қадимий бебаҳо қўлезмалари ўтда ёндирилган, сувга оқизилган ва кўмиб ташланган. Оқибатда ўтмиш маданиятимизга оид кўпгина бемисл манбалар йўқолиб кетган. Шунга қарамаздан олимлар ва археологларнинг қатъий изланишлари тўғрисида маълум тасаввурга эга бўлаётимиз.

IX—X асрларда Урта Осиёда савдо-сотик, хунармандчилик, илм-фан ва маданият яхши тараққий этди. Бу даврда Абу Алл ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал-Хоразмий сингари халқимизнинг буюк мута-

факкур олимлари етишиб чиқдилар. Улар ўзларининг бебаҳо асарлари, илмий кашфиётлари билан халқ маданиятини, илм-фанни юксакликка кўтардилар. Улуғ сиймоларнинг тафаккур қудрати билан халқимизнинг маънавий хазинаси янада бойиди; китобдорлик, кутубхоначилик санъати тараққий этди. Халқимиз маданиятининг етук намоёндалари, ўзларигача бўлган халқ маданий меросини чўқур ўзлаштиришга алоҳида эътибор бердилар, уни эҳтиётлаб эъзоладилар. Шу ўринда характерли бир эпизод: Бухорода табобат илмининг сўлтони Абу Али ибн Синога ўнинг табобатдаги заковатига қойил қолиб, амирликнинг ноёб китобларга бой кутубхонасидан фойдаланишга рухсат этилади. «Мен кирган уйнинг хоналаридан бирида,— деб эслайдди буюк ҳақим, ўша кезларинг,— арабча ва шерьий китоблар, иккинчисида фикх илмига оид китоблар мавжуд эди. Мен шундай китоблар рўйхатини кўрдимки, кўпчилик кишилар уларнинг сарлаҳасини ҳам эшитмаган. Бу китобларни ўқиб чиқиб, зўр манфаат топдим. Уша даврда сарой кутубхоналаридан ташқари мадрасаларда ҳам йирик кутубхоналар бўлганлиги, Бухоронинг Фаражак мадрасаси эса, Яқин Шарқдаги мадрасалараро энг қадимийлиги ва унда жуда кўп бебаҳо қўлезмалар сақланганлиги ҳақида академик В. В. Бартольд аниқ фикрлар билдирган. (В. В. Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. II қисм. СПб., 1900, 105-бет.)

Самарқандда илм-фан ва маданиятининг гуллаб яшнаган даври эса Улуғбек ҳўқронлик қилган йилларга тўғри келади. Улуғбек Самарқандда ажойиб кутубхона барпо этган, бунда илм-фаннинг деярли барча

соҳаларини ўз ичига олган ўн беш минг жилд ноёб китоблар мажмуаси сақланган.

XV асрнинг иккинчи ярми Мовароуннаҳрда фан, маданият ва маърифат ишлари бирмунча ривож топди. Ҳиротдаги кутубхонада қирқ нафар машҳур хаттот, чизмакаш ва муқовасозлар хизмат қилди. Ушга хос илмий муассаса бўлиб қолган бу ажойиб кутубхона ишларининг йўлга қўйилишида, шунингдек, зиё хазинасининг бойишида ҳазрати Алишер Навоий ўзининг улкан ҳиссасини қўшган. Айниқса, моҳир расом Камолиддин Беҳзод истеъдодининг камол топишида улуғ шоирнинг хизматлари бекиесдир...

...Тошкент шаҳридаги ҳозирги Алишер Навоий номидаги энг йирик кутубхонага 1870 йилда асос солиндан. Мазкур кутубхонада бир йилдан ошқроқ даврда, яъни 1870 йилнинг май ойидан 1871 йилнинг сентябргача ҳаммаси бўлиб 75 китобхон бор эди. Уларнинг аксариятини чор Россиясининг ҳарбий хизмат кишилари (45 офицер, 2 ҳарбий котиб) ташкил этарди. Оддий китобхонлар гоат кам эди. Шундай шароитда ҳам кутубхона XIX аср сурадабиётининг илғор ғояларини тарқатишда ва маданий-оқартув ишларини амалга оширишда прогрессив аҳамият касб этди.

Вақт ўтган сари китобга ва билимга интилишининг тезкорлик билан ўсиши кейинги йилларда китобхонлар сонининг ортб боршини тазминлади. Энди бир неча махсус ва шахсий кутубхоналар ўз китобхоналарига эшикларини ланг очди. Россия Техника жамиятининг Туркистон бўлими қошида очилган биринчи техника кутубхонаси (1891), Россия Богдорчилик жамиятининг Туркистон

бўлимига қарашли қишлоқ кўжалик кутубхонаси (1894), Россия География жамиятининг Туркистон бўлими ҳузуридаги медицина кутубхонаси (1899) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Улуғ Октябрь революциясидан сўнг маданий қурилиш программаси партия ва ҳўкуматимизнинг диққат марказида бўлди. Коммунистик партия ва Совет ҳўкумати Ватанимизда кутубхоначилик ишини ривожлантиришда доимий ғамхўрлик кўрсатиб келаётир. Бошқа санат шаҳарлари қатори Тошкентда ҳам маданий қурилишининг ҳамма босқичларида адабиётни кенг халқ оmmasига олиб киришда кутубхоналарга муҳим ўрин ажратилди. Кутубхоналар меҳнаткаш халқимизни коммунистик руҳда тарбиялашда, сийсий, умумий таълим, техника билимларини тарқатишда партия ва совет ташкилотларининг яқин ёрдамчисига айланди.

КПСС Марказий Комитетининг «Илмий-техника тараққиёти ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда китобхонлар ролини ошириш» (1974) ва «Қишлоқ аҳолисинга маданий хизмат кўрсатишини янада яхшилаш тадбирлари» (1977) тўғрисидаги қарорлариде кутубхоналар ишга юксак баҳо берилди ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезида ҳам кутубхоначилик ишини янада ривожлантириш, уларнинг фаолиятини яхшилаш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳрининг ўзиде 631 та кутубхона ишлаб турибди. Шундан 201 таси оммавий кутубхона, 430 таси эса махсус кутубхоналарден иборатдир.

Ҳозирги кунда Алишер Навоий

номли Давлат ҳалқ кутубхонасининг ўзи 4,5 миллион китоб фондига эга бўлиб, бир йилда 45 минг китобхонага хизмат қилади. Унда 280 ходим ишлайди.

Халқимиз онгини, дунёқарашини ўстиришда, китобдан ибрат олиб ўзида инсоний аҳли фазилатларини мужассамлаштиришда кутубхоналарнинг аҳамияти бениҳоя муҳимдир. Айниқса, ҳаётимиз фаровон, турмушимиз кўркем бўлган айни пайтда В. И. Лениннинг назарий меросини Коммунистик партия съездлари ва пленумлари материалларини, сиёсий ҳужжатларни ва КПСС арбобларининг асарларини кенг тарғиб қилишда кутубхоналар муҳим аҳамият касб этаяпти.

Республикаимиз пойтахтининг 2000 йиллик юбилейига қизгин тайёргарлик кўриляётган шу кунларда Тошкент шаҳри кутубхоналарининг фаолияти ниҳоятда активлашди. Шаҳардаги барча кутубхоналарнинг фаолияти ҳозир асосан коммунистик тарбия масалалари, китобни халқ оmmasига янада яқинлаштириш, меҳнат ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари ҳамда кекса авлод ишига ҳурмат билан қараш, ватанпарварлик, дўстлик масалаларига қаратилган.

Дарҳақиқат, Тошкент шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи Ўзбекистон

республикасининг социал-сиёсий, маданий-оммавий ва жамоатчилик ҳаётида муҳим воқеадир. Шу боисдан пойтахтимиз кутубхоналари коллективи ўзларининг актив маданий оқартува фаолияти билан шаҳарнинг тарихи, маданияти, ўтмиш ҳаёти ва ҳунармандчилигига доир китоб, рисола ва мақолаларни китобхоналар ҳўкмига ҳавола этмоқдалар.

Иттифоқимиздаги кутубхоначилик ишининг ташкилотчиси Н. К. Крупская шундай деган эди: «Кутубхоначилик ишининг қанчалик йўлга қўйилганига қараб, Владимир Ильич мамлакат маданиятининг даражасига баҳо берад эди. Кутубхоначилик иши айни вақтда умумий маданият мезони ҳамдир».

Тошкент шаҳрининг фақатгина Октябрь ва Акмал Икромов районларида joyлашган кутубхоналарнинг китоб фонди, бу ердаги олий ва ўрта махсус юрларнинг китоб казинасини ҳисобга олганда, 655 мингдан ошди. Биргина Куйбишев районидagi зие масканларининг 362520 нусхадан ошиб кетган китоб фондида эга эканлиги, кутубхоначилик ҳамда маданий қурилишининг юксак муваффақиятларидан далолатдир.

Бундай муҳим давлат аҳамиятига молик ишларнинг амалга оширилишида Тошкент кутубхоначилари кол-

лективларининг хизматлари ҳам бениҳоя катта. Юқоридa қайд этганимиздек, шаҳар нурухоналарида Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган тadbирлар қизгин ўтказилаётир. Жумладан, Алишер Навоий номи Ўзбекистон Давлат кутубхонаси коллективи «Тошкент — фан ва юксак маданият шаҳри», «Тошкент — дўстлик ва қардошлик шаҳри» каби маданий-оқартува ишларни қизқартири, юқори ташкилий даражада амалга ошираётирлар. «Тошкент ўтмишида», «Тошкент XIX аср иккинчи ярмида», «Тошкентнинг тарихий топографияси», «Тошкент бугун ва эртаган каби тематик кўргазмалар уюштириш чоралари ҳам ишлар чиқилган. Мазкур тadbирларга ёзувчи ва шоирлар, олимлар, санъат арбоблари, таниқли бадий коллективлар ҳамда артистлар жалб этилиши кўзда тутилган.

Пойтахтимизнинг бошқа кутубхоналарида ҳам шаҳарнинг 2000 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш тараддуди қизгин бораётир. Масалан, республика болалар Бош кутубхонаси коллективи амалга ошираётган ишлар бунинг ёрқин мисолидир. Бу энёхона ходимлари кўргазмалар, шўнингдек, шаҳар тарихига бағишланган туркум суҳбатлар, ҳар хил мавзудаги адабий кечалар, адабий музикали композициялар ва бошқа

кўпгина тadbирларни ўз китобхоналарига армуғон этмоқдалар.

Куйбишев районидagi Л. Н. Толстой номи Марказий кутубхона коллективи ҳам шаҳримизнинг 2000 йиллик юбилейига бағишлаб меҳнаткашларни ва ишларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган кўпгина амалий ишларни йўлга қўйганлар. Кутубхона ходимлари томонидан уюштирилган «Тошкент — Шарқ машъали», «Тошкент — тинчлик ва дўстлик шаҳри» мавзудаги кечалар Тошкент Трактор заводи зарбдорларининг китобхоналар билан учрашуви, Эскиаватор заводи ишчилари билан «Районимиз архитектурасини қандай тасаввур этишни истар эдингиз?» мавзудаги мунозара айниқса юқори савияда ўтказилди.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент кутубхоналарининг кўпнинг кишилик коллективи КПСС Марказий Комитети Июнь пленуми қарорлари асосида ўз иш режаларини қайта кўриб чиқиб, халқ оmmasини коммунистик руҳда тарбиялашда, кутубхоналарни ҳақиқий илм-фан масканига, нурухонага айлантиришда, китобхоналар билан ишларнинг янги-янги шакллари излаб топшида, уларга намуналий хизмат кўрсатишда намуна бўлишга интилоқдалар.

Муяссар НЕЪМАТОВА




Афсонавий медуза

Дунёдаги деярли барча жониворлар, ҳашаротлар, паррандаю даррандалар инсониятга маълум. Ҳододжо мўъжиза рўй берганда: янги, ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган жониворлар ҳам учраб қолади. Ҳайвонот оламига ҳали номи киритилмаган янги бир жонивор топилди. Диаметри бир ярим метрга яқин бўлган бу нотаниш жонивор 770 метр чуқурликда «Пайсис» сувести кемасининг тўгарак деразаси қаршисида тасодифан кўриниб қолди. «Дмитрий Менделеев» деб номланган илмий экс-

педицияга қарашли мазкур сувести кемаси Тинч океаннинг экваторолди қисмида маржон оролларида бирининг ташқи қиялигини текшираётган эди.


Янги топилган жонивор танасининг ранги яшилсимон, чувалчанга ўхшаш узун ўсимталари ҳаракатчан, тез қимирлайди. Шуниси қизиқчи, машҳур фантаст ёзувчи Герберт Уэллс ўзининг «Оламлар уруши» романида тасвирлаган марслик келгинди қиёфаси худди мана шу жониворни эслади. Океан остига тушишда қатнашганлар ана

шу «фантастик» жониворга қараб туриб қадимий юнонлар паҳлавонни Персея ва бошидаги соч ўрнида ётган ҳарли илолар буралиб ётган даҳшатли Медуза қаҳдаги афсонани бениҳтиёр эсладилар. Суратни текшириш шунини кўрсатдики, у ҳақиқатан ҳам медуза экан. Янги медузани косасимонлар тоифасига киритиш мумкин. Лекин ҳалига қадар бундай улкан медуза олимларнинг қўлида бирон марта ҳам бўлмаган ва жаҳондаги биронта музейга ҳам қўйилмаган.



Янгиўл район матлубот жамиятининг ёрдамчи ҳўжалиги. Паррандабоқар Санобар Мелиева.

Р. Галиев фотоси



ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Жанубий Америка дарёларида яшайдиган қонхўр пирания балиқлари инсонларга ва уй ҳайвонларига қанчалик офат келтириши кўпчиликка маълум. Лотин Америкасининг аҳолиси тоза сувларда ҳаёт кечирадиган бу йиртиқлардан ўч ола бошлади. Натижада гастронюмларда балиқ маҳсулоти кўпайди. Узоқ вақтлар давомида, пирания балиқларини истезмоқ қилиб бўлмайди ва уни овлаш истиқболсиз деган ақидалар юрарди. Бироқ сўнгги йилларда пираниялардан нознеъмат тайёрлаш борасидаги фикрлар тубдан ўзгарди. Маълум бўлишича, бу балиқларини истезмоқ этиш мумкин экан. Тўғрисики айтганда, гўшти бир оз бемазароқ, лекин пишириш учун қулай. Эндилкда Бразилия бозорларида ва балиқ дўконларида пирания балигини ҳодлаганча ва ар-

зон нарҳда харид қилиш мумкин. Пиранияни овлаш тобора авжига чиқмоқда. Чунки Бразилия дарёларида пирания балиқлари кўп.

ТИЛЛА ТИШЛИ СИГИРЛАР

Испаниялик ветеринар врачлар яна янги бир касбни — тиш докторлиги касбини эғаллай бошладилар. Гап шундаки, Мадрид университетининг тадқиқотчилари тиши ўтмаслашган сигирларга зангламайдиган пўлатдан ясама тиш [протез] қўйдилар ва яхши натижаларга эришдилар. Ясама тиш қўйдирган говмишларнинг иштаҳаси дурустланиб, ем-хашакни яхши чайнайдиган бўлдилар. Шу тўфайли улардан соғиб олинадиган сўт миқдори ҳам кўпайди.

ЧАПАЛА КўЛИНИНГ СИРЛАРИ

Маълумки, Мексикада юз берган қурғоқчилик Чапала кўли атрофидаги районларга катта зарар етказди. Бироқ қурғоқчилик тўфайли суви псайиб кетган Чапала кўли олимларга ўз сирларини очиб ташлади. Узунлиги 82 ва эни 28 километрга тенг бўлган мазкур кўлнинг тубидан жуда қадим замонларда ер юзидаяшяб ўтган жониворларнинг қолдиқлари топилди. Аммо кўлнинг сирлари палеонтологларга тааллуқли бўлган шу қолдиқлар билангина улчанмайди. Кўл тубида Цельсия бўйича иссиқлик ҳарорати 90 даражада бўлган қайноқ сувли булоқ бор экан. Шуниси қизиқчи, Франс Пресс агентлигининг хабарига кўра, кўлнинг суви гоят соғувдир.

(«ИЗВЕСТИЯ» газетасидан)

ХУМАТЛИ Эркинжон! Сиз ўз хатингизда, назаринда, анча долзарб маънавий-ахлоқий муаммони тилга олибсиз. Мухаббат, садоқат ҳақидаги шеърларни ўқиб, гоят таъсирланганингизни айтибсиз. Элга бағишланган умрининг мангулиги ҳақида шоир Уйғундан келтирган мисолингиз гоят ҳаққонийдир:

Майли минглаб улимлар келсин,
Элганда ҳам улмайман энди.
Оғушида сақлайди ҳаёт,
Ажалга ем бўлмайман энди.
Асрларнинг доволаридан
Қўшиқ бўлиб ошиб ўтаман.
Дарё бўлиб минглаб наслингиз
Хузуридан тошиб ўтаман.

Эркинжон, сиз ўз хатингизда, шунингдек, Жуманиёз Жабборовнинг «Гулшан» поэмаси билан Абдулла Ориповнинг «Аёл» шеърларида муҳаббат ва садоқат гоёси икки хил талқин этилганлигини, поэма ҳам, шеър ҳам ишонтирарли поэтик тўғу уйғотишини айтиб, шу масалага менинг муносабатимни сўрабсиз. Жуманиёз Жабборовнинг поэмаси 1957 йилда яратилган бўлса, «Аёл» шеъри секкин йилдан кейин пайдо бўлди. Сиз тўғри қайд этганингиздек, иккала муаллиф ҳам талқин этилаётган масалага ўз нуқтан назаридан ёндашади ва китобхона қизин бахсга майл уйғотади.

«Гулшан» поэмаси эълон этилиши билан шеърхонлар орасида машҳур бўлиб кетди. Бунга сабаб унда ёшлар дилига яқин муаммо тилга олинганлигидир. Илғор пахтакор қиз Гулшаннинг Дониёр билан тотув келин-куёвалигининг дастлабки кунлариданоқ Дониёр жангга жўнаб кетади. Еш жувон айрилиқ азобларига бардош бериб, меҳнат қучоғидатаскин топади. Аммо ҳижрон азоблари ниҳоятсиликка юз тутади: Дониёрдан қораят келади. Жангдан ногирон бўлиб қайтган Қодир бу фожиянинг ростлигини тасдиқлайди. Мухаббат — инсон ҳаётининг илдири, уруш эса — илдизни қуритувчи ёвуз куч. Дониёр ва Гулшан муҳаббати қисмати шундай уйлارга олиб келади. Бу — поэма мазмунидан келиб чиқадиган қўшимча гоё. Уни тадқиқ этиш дostonнинг мuddaосини эмас, балки асосий гоёвий мuddaонинг дебочаси — туғун. Гулшаннинг Дониёр хотирасига муносабати, ҳаётга муҳаббати масаласи поэманинг етакчи гоёвий мuddaосидир.

Еш жувон Гулшаннинг бундан кейинги маънавий ҳаёти қандай кечадиган? Унинг гулдай гўзал ва наъқирон қалби жудолик фожияси асоратида қовжираб қоладими ёки қаҳрамон маънавиятида ҳаёт ишқи голиб келадими? Биринчи муҳаббат ёди билан яшаб умрини ўтказган аёллар ҳаётда йўқ эмас, албатта! Шу муносабат билан талқин этилаётган проблемага алоқадор бир ҳаётий воқеани эслатиб ўтмоқчиман. Журналистика факультетидagi ижодий-амалий машғулотлардан биринчи «Садоқат» деб аталган воқеий ҳикоя муҳокама қилинди. Бухоро кишлоқларидан биринчи ёш жувон оиласи бошига ноғохон кулфат тушади. Севими эри электр токига чалиниб ҳалок бўлади. Жувон эрини шу қадар сеवार эдики, бундан кейин бошқа бирор киши билан ҳаёт кечирishi ўз севилисига ҳиёнат деб билади ва қайта турмуш қўришни қатъий рад этади. Ҳикоя автори Абдулла Ориповнинг «Аёл» шеъри гоёвий концепцияси таъсирида фикр юритиб, жувоннинг тоқ ўтишга аҳд қилганлигини муҳаббатга садоқатнинг юксак кўриниши деб талқин этади. Мухокамада иштирок этган студентларнинг бир қисми ҳикоя автори фикрини қувватлаб чиқадилар. Мен студентларнинг муҳокамада фикрий чалқашликка йўл қўяётганини айтиб, ҳақиқатни излаб топishi уларнинг ўзларига ҳавола қилдим.

Абдулла Ориповнинг «Аёл» шеъ-

ри урушнинг одамлар маънавиятидаги фожияли изларни тадқиқ этиш жиҳатидан диққатга сазовор эътиросли оригинал асардир. Урушнинг даҳшатли томони шундаки, у биринчи навбатда ҳаётдаги энг наъқирон кучларни емиради. Шоир ўн тўққиз ашар келинчак уруш туфайли севганидан айрилиб, бир умр тул ўтишга мажбур бўлди, дейди. Бироқ, шеърнинг бош гоёси бу эмас. Шоир «абадий фироқни абадий висол» деб билган келинчак характерини вафо тимсоли, аёл жасоратининг белгиси, деб улуғлайди:

Назокат пайтимас яқинроқ келинг,
Буюк зот қошида айлангиз салом.
Шу содиқ бевага саждалар қилинг,
Шу содиқ бевага айланг эҳтиром.
Ҳатто зеб-зийнати юлдиб пайда,
Ҳайвал ҳам қўйингиз бамисли ҳаёл.
Шундайлар бўлмаса агар дунёда,
Шу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.

Аёлнинг ёш умрини ҳазон қилиб, тул ўтиши воқеаси шеърхонада урушга нафрат уйғотади. Шу билан бирга, «содиқ бева»нинг аччиқ қисмати ноҳақ жабрдидан аянчи аҳволига ачинишдек ноҳуш таассурот қолдиради.

Элғизлик ҳаётий номукаммал умр кечирishiдир. Бу ҳол ижтимоий фаолиятнинг ҳам номукаммаллиги демакдир. Шеърда аёлнинг тушқун кайфиятга дучор бўлиб, ночор тур-

Жаннат сента бўлиб, менга майхона керак.

Буюк адиб Лев Николаевич Толстой «Ҳазрат Сергей» номи қиссасида зоҳидлик инсон туйғуларини тутқунликка маҳкум этувчи манфур куч эканлигини ёрқин баъдий бўёқларда акс эттиради. Подшо саройида хизмат қилган қисса қаҳрамони князь Степан Касатский юксак романтик орзулар билан қанотланган, куч-қувватга тўлган йигит. Унинг ниёти ҳамда интилишлари пок ва самимий. Бироқ, йигитнинг подшо ота-хонига нисбатан эътиқоди ноғохон зим-зиё сўнади. Степан наъқирон эътиросли қалб билан муҳаббат қўйган қиз қари подшоининг ҳамдами эканлиги дафъатан ошкор бўлиб қолади. Йигит сивсий ҳаьда маънавий идеаллари саробга айлангандан шу қадар қаттиқ таъсирланадиги, алам ва изтиробдан ўзини монастирга маҳкум этади. Монах — юнонча ёлғиз деган маънони билдиради. Ўзига хос ижтимоий диний гуруҳ ҳисобланган монахлар монастирнинг темир ақидаларига қатъий бўйсуниб, «тарки дунё қилиши», мол-мулкдан, дунёнинг хузур-ҳаловатидан, айниқса, инти-ти мулоқотлардан батамом «поки» бўлиб, у «дунё» умид ва ҳаёллари билан гўшанишин, яъни хилватни иxtиёр этиб, деришоно умр кечирishi зарур. Бироқ, Ҳазрат Сергей деб ном олган Касатский монастир-

фидойилик деб қарайди. Бу этика «ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган принципга асосланади».

Узоқ вақтлардан бери меҳнаткашлар онгига тузоқ қўйиб келган диний ақидалар сингари таркидунёчиликнинг баъзи қолдиқлари айрим кишилар психологиясида ҳозир ҳам, онгсиз равишда бўлса-да, беҳиётёр амал қилиш мумкинлигини ким инсон эта олади? Теркидунёчилик диний ақидаларга кўр-кўрона садоқатнинг белгиси бўлса, юқоридagi икки аёл қисмати муҳаббатга садоқатнинг тимсолидир, аёлнинг ўз аҳдини ўзгартриб, турмуш қўришга рози бўлиши севига ҳиёнат бўлмайди, дейишингиз мумкин. Тўғри, муҳаббатга садоқат энг эзгу инсоний фазилат сифатида ҳаммисга юксак қадрланиб келган. Гап муҳаббат ва садоқатнинг моҳиятини тўғри англаш устида кетаяпти. Севги икки тирки юракнинг қўш алангасидир. Шоир Шукрулло тили билан айтганда, «Севги оловларда ёнмоқ демакдир, қалбларда нур бўлиб қолмоқ демакдир». Севими ёр ҳалок бўлган, мантқан — севингнинг ҳам умри ўз-ўзидан тугайди. Тирки киши қалбида энди муҳаббат эмас, севгли тимсоли, инсон хотирасинга яшashi мумкин. Шу туфайли энди муҳаббатга садоқат ҳақида эмас, инсон хотирасига муносабат ҳақида гап бўлиши мумкин.

Абдулла Ориповнинг умуман аёл садоқатини улуғлаши таҳсинга сазовордир. Аёлнинг юксак ирода, темир бардошидан қаттиқ таъсирланган шоир уни буюк зот, деб атайди. Тўғри, кучли ирода, бардошлилик ҳам буюкликнинг белгисидир. Бу — ўз шахсий оилавий идеалига бўлган садоқат, яқин кишиси қадр-қимматини эъзозлаш, инсонпарварлик намунаси, албатта. Элимиз бундай катта ирода, бардошга эга бўлган аёл зотини ҳаммисга эъзозлаб келган ва эъзозлайверади. Бироқ, садоқат билан ирода қудрати оилавий идеалдан юксалиб, қанчалик ижтимоий мазмун касб этса, инсон фазилати буюклигининг қўлами шунчалик кенгайди, ибрат кучи ортади.

Ҳақиқий буюклик — ижтимоий фидойиликдир. Одамларнинг бахт-саодати учун дунёнинг хузур-ҳаловатидан воз кечиб, бутун ҳаётини ижтимоий курашга бағишлаган революционерлар фидойиллиги тарихда ўчмас из қолдирганлиги маълум. В. И. Ленин «бутун ҳаётини ишчилар ишига тиккан» Иван Васильевич Бабушкинни ҳақиқий халқ қаҳрамони, деб атаган эди. М. Горький машҳур очеркида В. И. Лениннинг ҳаёти ва шахсиятини чуқур таҳлил этиб, шундай ёзади: «Унинг қаҳрамонлиги зоҳирий даъбабадан мутлақо холи эди. Унинг қаҳрамонлиги ер юзида ижтимоий адолат ўрнатиш мумкинлигига қатъий ишонган софдил рус революционер зелибисининг Россияда кўп учрайдиган қалатрона, фидоқорона жонбозлиги эди, одамларнинг бахт-саодати йўлида заҳмат кечирishi дунёнинг барча хузур-ҳаловатидан афзал кўрган кишининг қаҳрамонлиги эди».

Илимий, ижодий ва бошқа ижтимоий фаолият соҳасидаги фидойий кишилар, ҳаётдаги ягона юксак мақсад — идеалнинг савдойиси бўлган шахслар ҳаёти бизни ҳаммисга ҳайрат ва ҳаяжонга солади, илҳомлантиради, олға етаклайди. Дунё фанида эътироф этилган муҳим кашфиётлар муаллифи, йирки физик олим Богдан Войтховский ҳаётини маънавий турмуш ортқичликларидан онгли равишда чеклаб, ўз яратувчи-



ЕШ БИР АДАБИЕТЧИ ХАТИГА ЖАВОБ

Очил ТОҒАЕВ,
филология фанлари доктори

муш кечирishiга нима мажбур эдинг? Бундай фидойиликдан мақсад нима?

Ҳаётда оз бўлса-да, учраб турадиган бу ҳодиса зоҳидлик, таркидунёчилик деб аталган эски диний ақидаларни беҳиётёр эсга туширади. Урта асрда Шарқда мавқуд бўлган зоҳидлик, сўфизм дунёнинг хузур-ҳаловатидан ўзини ҳаддан ташқари тийиш, иxtиёрий равишда азоб-уқубат, қиноқларга ўзини маҳкум этишни тарғиб қилувчи диний фалсафий оқимдир. Зоҳидликни ўтмишда шахсий баркамолликка эришиш воситаси, деб талқин қилганлар. Француз фayoласуфи Голбахнинг кўрсатишича, дин асл моҳияти билан инсон хушчакқақлиги ва фаровонлигининг душмани эканлиги зоҳидликка қўринади. Илғор фикрли ўтмиш доншмандлари зоҳидлик, сўфизмни ҳаётга зарарли ақида сифатида қаттиқ қоралганлар ва инкор этганлар. Алиштер Навоий зоҳидликнинг моҳиятини аччиқ киноя билан фош этади:

Зоҳид, сента хуру менга жонона керак.

лик фаолиятини муайян бир соҳага бағишлаган, буюк кашфиётлар бунд этган академик Сергей Павлович Королев ва бошқа фидойи инсонлар жасорати бунинг ёрқин далилидир.

Севгилис ҳалок бўлгандан кейин турмуш кўрмай умр ўтказишга аҳд қилган юқоридаги икки аёл садақати қандай ҳаётли-ижтимоий максдагга қаратилган! Эл озодлиги учун ҳалок бўлган мард йигит ҳамда аёл умрини бахтли қила олган инсон хотирасига садоқатми?

Хотира — элнинг ўз муносиб фарзандига қалб муқофоти. Жамиятда умум манфаати йўлида буюк хизмат қилган инсонлар хотираси муқаддасдир. «Барча гениал шахслар ўз даврининг гўзаллигидан нурафшон бўлган тарихий ҳаётлардир» (Бальзак).

Бундан ташқари, ҳар бир оддий инсон хотираси ҳам ўз қадрига мувофиқ эъзозланишга сазовордир. Баъзи кишилар хотираси кичик доираларда, айрим шахслар томонидан ҳар хил шаклларда едда сақланган. Хуллас, инсон хотираси қандай шаклда эъзозланишдан қатъи назар триқлар ҳаётига соғлом маъно, туроч ва фойза бахш этиши, ҳаётнинг янгилинишига ёрдам бериши лозим. Бундай асл хотира умрбоқийдир. Севгида ҳам шундай.

Севги ва бахт! Булар бир-бири билан чамбарчас боғланган маъно бўлган кичи ҳақиқатан бахтсизликка учрайди. Аммо у бахтсизлик кулфатини енгиб ўта олган тақдирда ҳаётга фойда келтиради, сеvgили хотирасига бахтёрлик бахш этади. Шу ўринда бир тилик мисол келтираман. Ёзувчи-публицист Муроджон Мансуров «Муҳаббат гулли» деб аталган воқеий ҳикоясида ибратли воқеани баён этади. Еш олим Ҳаёт оддий камтарин оила фарзанди зебо қиз Саодатни севиб қолади. Йигитнинг ота-оналари: «Сен келажакда катта олим бўламан, десанг, биз айтган одамнинг қизини оласан», деб Ҳаётнинг муҳаббатига тўқсинлик қилдилар. Рўҳи можабро гирдобда эзилб изтироб чекиб юрган Ҳаёт транспорт йўлини кесиб ўтаётиб ногаҳон ҳалокатга учрайди. Саодат йигитнинг охирига нафасгача унинг ёнида бўлиб, қалб кўрини сеvgилисига бахш этади. Бироқ, начора, врачлар йигитнинг ҳаётини сақлаб қола олмайдилар. Саодатнинг йигит қабрига ўрнатган ёдгорлиги бевақф жувонмарг бўлган муҳаббатни улуғлаш билан бирга, унинг қотилларига лаънат амғаси эди:

Бир жуфт оқуш эдик ишқ бўстонида,
Ногоҳ қайирдилар нозик қаноғим,
Гарчи мени сендан этдилар жудо
Доимо биргасан қалбим, ҲАЁТИМ.

Орадан йиллар ўтиб, Саодат турмушга чиқади. Биринчи фарзанди — ўғилчасининг номини Ҳаёт деб атайди. Ҳар йили марҳумнинг туғилган кунда Саодат оиласи билан бирга келиб, ўша йигит қабрини зиёрат қилиб, гул қўйишади. «Бундай покиза муҳаббатли вафодор аёлларни инсоният ҳаммаша улуғлаб таъзим қилиб келган» дейди автор ва Саодатнинг бу қилмишини «аёл жасорати» деб атайди. Тасаввур этинг, Саодат Ҳаётнинг ҳалокати кечинмалари гирдобда ўраланиб қолиб, ўзини юқоридаги аёл сингари оилавий бахтсизликка маҳкум этганида, Ҳаётнинг хотираси ҳам бахтсизликка дучор бўларди. Саодатнинг ҳозирги бахтли оилавий турмушида Ҳаёт хотираси чинакам инсоний мазмун касб этиб, муҳаббатни вақтида кўз қорачуғидай авайлашга даъват этувчи эзгулик тинимсолига айланган.

Биз фикр юритаётган аёлнинг ўз сеvgилис хотирасига муносабатини шундай деб бўладими? Тирик инсоннинг ўлган киши хотираси учун ҳаётли ҳузур-ҳаловатдан воз кечиб, ўзини ихтиёрли равишда аянчли турмушга маҳкум этиши маънисизлик, айни пайтда, гайри ҳаётли ҳамдир. Бу ҳол аёлни энг эзгу бахт — оналик

бахтиндан маҳрум этади, маънавий қашшоқлантиришга олиб келади. Бундай «вафо» ва «садоқат» охириқибатда тарҳум шаънига нисбатан маломат туйғулларини келтириб чиқариши ҳам мумкин. Аёл: «Мен сен билан тақдиримни боғламаганимда, бу хил қийноқларга, балки, дучор бўлмасамдими», деган фикрини ошқорлаётмиш мумкин.

Иккинчидан, аёлнинг бундай турмуш тарзи аёл бурчдор бўлган ижтимоий жамият ҳаётига зарарлидир. Уруш аёл сеvgилисининг умрини емириб, жамият ҳаётига зиён етказди. Тасаввур этинг: конкрет инсон — йигит умри билан боғлиқ бўлган бир қатта оила бахти, бола-чақа, қариндош-уруғ, уларнинг ҳар бирининг элга келтирадиган фойдаси, қанчадан-қанча орзулар, муайян моддий-маънавий бойлик, умуман олганда, Ватанимиз келажигининг бир парчаси барбод бўлди. Бу — урушнинг ҳаёт устидан, муваққат бўлса-да, биринчи галабасидир. Ҳалок бўлган йигитнинг беваеси қайси тарафда — уруш тарафидми ёки ҳаёт тарафидми турши керак! Аёлнинг уруш келтирган жудодлик, алам-изтиробларининг асири бўлиб, дунёдан тоқ ўтиши урушнинг ҳаётга келтирган зарарини янада чуқурлаштириш, келажак авлодларнинг нуфузига зарар етказиш эмасми! Бошқача айтганда, узлатга чекиниб ёлғиз ҳаёт кечирши авлодлар аро асрий алоқа — ворислик кўпригига раҳна солмоқ демакдир.

Буюк инглиз мутафаккир адиби Вильям Шекспир ўз сонетларида ҳар бир шахснинг табиат ва инсоният олдидаги юксак маъсуляти, шахсий бурчини қайта-қайта таъкидлайди:

Қисқа муддат билан табиат сенга
Нафосат бахш этмиш, энди бу эҳсон
Ҳақиқ мерос қаби ўтиб наслингга
Хислатларинг яшаб қолсин кўп
замон.

(Юсуф Шомансур таржимаси)

Хуллас, ёрга муҳаббат ҳаётга муҳаббатнинг ажралмас қисмидир. Муҳаббат фожиасти ҳаётга муҳаббат чирогини ўчиришга олиб келмаслиги лозим. Ҳаётга муҳаббат инсоний шахсий фожиадан ҳалос қилувчи, ишонч ва истиқбол йўлини ёритувчи кучдир.

Жуманиёз Жабборов достонининг бош қаҳрамони Гулшан олдда ҳам инсон хотираси ҳамда муҳаббат кечинмалари гирдобни ичра йўл танлаш муаммоси туради.

Икки оташ ёнар Гулшанда,
Икки оташ ловуллар танда,
Икки тўлқин қалбига оқар,

Икки елқин қалбини ёқар:
Бирини ўртар Дониёр ёди,
Бирини Қодир. Қодир муроди.

Биринчи муҳаббат — Дониёрнинг ишқи Гулшан қалбидан чуқур ўрин олган эди. Уруш туйфайли бу навқирон муҳаббат жувонмарг бўлди. Дониёрнинг ишқи энди жонли муҳаббатдан хотирага айланди. Улуғ Ватан уруши қурбонлари эл хотирасига муносиб зотлардир. Дониёр сеvgили сифатидagina эмас, Ватан шарафни учун жангда ҳалок бўлган қаҳрамон сифатида ҳам ёри ва эл хотирасида яшашга сазовордир.

Ҳа, ўлмавди! Юрт бошига иш —
Тушганда жон берган қаҳрамон.
Кураш, зафар, шодлик ва ташвиш
Чоги улар биз-ла ёнма-ён.

Хотира ўтмишдир. Ўтмиш — хотира фақат тирикларнинг ҳаёти ва фаолияти орқали муайян маънога эга бўлиши, ҳозирги ва келажак замонга хизмат қилиши мумкин. Инсон ўтмиш билангина яшай олмайдди. Акс ҳолда инсоннинг ўзи ҳам ўтмишга айлиниб қолиши мумкин. Ҳақиқий ижтимоий инсонни ҳозирги замон ҳам қаноатлантирмайди. У ўз назарини истиқболга қаратиши, ўз фаолияти орқали ҳозирги замон билан келажакнинг ораллигини яқинлаштиришга актив ёрдам қилиши лозим. Гулшан ана шундай истиқболли қаҳрамонлар тоифасидан.

Гулшан қиёфасида мужассамланган янглик нимадан иборат! Мазлумки, иккинчи муҳаббат ҳаётда кўп ҳолларда биринчисини инкор этиш асосида туғилади. Гулшан маънавияти бу жиҳатдан ўзига хосдир. Гулшан қалбига иккинчи муҳаббат Ватан мудофааси учун ҳаётини бағишлаган сеvgилис хотирасига чуқур ҳурмат ва эҳтиром асосида куртак отади. Гулшан ўз хонасида ослган Дониёр суратига мурожаат қилиб дейди:

«Ҳаққим борми менинг сеvgишга...
Жавоб бергин, жоним Дониёр!
Кечир мени! Бахти қарони!
Аҳволимни тушуни, азизим,
Очдим дилда ётган ярани,
Атолмидир, дарддирим сўзим,
Тополмадим бошича бир даъво,
Мардоналов сеvgибман уни.
Сен қалбимда қолсанг аммо
У — қалбимнинг шаффоф тўлқини.
Кечир мени, кечир азизим...»
Фақат осмон боқар эди жим.

Гулшан ҳам юқоридаги аёл сингари биринчи муҳаббатининг сўниқ шуъласига кўр-кўрона сажда қилиб, фақат ўзлиги билангина яшаб қолиши, умрини аёлликда ўтказиши мумкин эди. Гулшаннинг бундай аянч-

ли қисматдан юқори кўтарила олганлигига сабаб шуки, у ижтимоий фаолият кишисидир. Илгор пахтакор қиз. Гулшан маънавияти ҳалол меҳнатда чиниқиб, соғлом ҳаётбахш турмуш билан жўш уради.

Хурматли Эркинжон, Гулшанда иккинчи муҳаббатнинг пайдо бўлиш жараёни ахлоқий-руҳий янглик сифатида чуқурроқ очилмаган, деган фикрингизда жон бор. Поэмада икки руҳий жараён — ilk муҳаббат фожиясига ҳам, Қодирга нисбатан муҳаббатнинг пайдо бўлиш жараёнига ҳам барвар ўрин ажратилган. Аслида эса, асар мудоаасига кўра иккинчи руҳий жараён бош йўналиши қилиб белгиланганда, қаҳрамон руҳиятидаги муҳим жараён тасвири янада жозибалироқ куч касб этар эди.

Шоир уч қаҳрамонини — Дониёр, Гулшан, Қодирни қизгин меҳнат жараёнида кўрсатади. Дониёр илгор колхозчиликдан содиқ жангчига айланган бўлса, Қодирнинг зуваласи ҳам меҳнатда қотган. Отаси босма-чамларга қарши курашда ҳалок бўлган. Қодир етимликнинг қийинчиликларини ҳис этиб улғайди. Ҳалол меҳнат унга моддий ва маънавий таянч бўлди. Қодир Дониёр билан бирга фронтда жанг қилди, бироқ яраланиб қайтиб келди.

Қодир образида ана бир янги хислат акс этганлигини қайд этиш керак. Бу — аънавий ахлоқий удумлarga янгича муносабатдир. Уйланмаган йигитнинг жувон Гулшанга муҳаббат қўйишнинг сабаби шундаки, Гулшан маънавиятидаги самийий ахлоқий гўзаллик Қодирни ўзига мафтун этди. Гулшаннинг биринчи муҳаббатга — Дониёр хотирасига чуқур ҳурмати ва садоқати Қодирни қаттиқ тўлқинлантиради. Аёлнинг ўз ёрига — кучли вафо ҳамда садоқати юксак инсоний фазилат сифатида бошқа эркакда кўрият ва муҳаббат уйғотиши табиийдир. Иккинчидан, Гулшаннинг ҳалол меҳнатда қозонган ижтимоий муваффақияти, обрў-эътибори йигит меҳрини оширган фазилатлардир. Юксак замонавий инсоний фазилатларга таянган муҳаббат аънавий ахлоқий удумларадги зиддиятларни енгиб ўтади. Ҳаётнинг доимий янгилиниш, яшари ҳолатини шуни тақозо қилади. Гулшан ва Қодир муҳаббатидан келиб чиқадиган ана бир поэтик маъно шундан иборат.

Гулшаннинг мураккаб қалб тарихи социалистик ахлоқнинг ҳаётбахш кучини кўрсатувчи тинимсолдир. Шахсини тўлақонли инсоний турмушга йўловчи, ижтимоий фойдали фаолият кўрсатишга даъват этувчи муҳаббат совет киши маънавиятига хос гўзалликдир.

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги республика Давлат муқофоти лауреати, композитор Икром Аибаров.

Н. Шарипов фотоси



Фалакиёт — сирлар олами. Қадим-қадимдан ақдодларимиз ана шу сирлар оламининг бағрига қиршига интилиб келганлар. Қуёш, Ер, Ой билан яқиндан танишишга, сайёра-лар ҳамда миллиардлаб юлдузлар сир-асорини ўрганишга тиришганлар. Математика фанининг отаси, ўртаасиёлик буюк мутафаккир Ал-Хоразмийдан тортиб, Беруний ва Ибн Сино сингари ўнлаб улуг ўзбек алломалари ҳам фалакиётни кузатганлар, ўзларининг илмий хулосаларини айтганлар. Уларнинг ишини давом эттирган Мирзо Улугбек эса, қадли равишда юлдузлар оламининг сулути бўлиб қолди. Улугбекнинг Али Қуши ва бошқа шоғирдарлари устозларининг илмий кузатишларини тўлдириб боришди.

Бироқ осмоннинг ўзи янглиғ сирлари ҳам бепоеён. Ҳатто ҳар кунли қўриб нуридан баҳраманд бўлиб турганимиз Қуёшнинг ҳам ҳали тўла билмаймиз. Биз бугун унинг фақат бир соҳаси ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Қуёш коинотдаги беҳисоб юлдузлардан бири бўлиб, катталиги ва ҳарорати жиҳатидан ўртача юлдуз ҳисобланади. Ер қурраси бошқа юлдузларга нисбатан Қуёшга яқин бўлганлиги учун ҳам у бизга каттагина (32 вай минутга тенг) бурчак остида кўринади. Маълумки, Ер билан Қуёш оралиғидаги масофа 150 миллион километрга яқиндир. Бу масофани нур атиги 8,5 минутда босиб ўтади, бошқа юлдузларнинг нурлари бизга етиб келгунча эса йиллаб вақт керак бўлади. Ерўғлиқ тегизлиги секундига 300 минг километрлигини эътиборга олсак, юлдузлар билан Қуёш ўртасидаги масофанинг гоят катталигини тасаввур қилиш қийин бўлмайди.

Қуёшнинг диаметри 1 миллион 400 минг километрга бўлиб, Ер диаметридан қариб 110 марта каттадир. Бошқача қилиб айтганда, Қуёш ҳажмига 1 миллион 330 мингтача Ер катталиғидаги шарларни жойлаштириш мумкин. Қуёш сиртидаги ҳарорат Цельсий шкаласида 6 минг даража атрофида, унинг марказий қисмида эса 16 миллион даражага етади. Қуёшнинг бир секунд давомида чиқараётган иссиқлик қуввати 12000 триллион тонна кўмирни ёққанда ажраладиган энергия микдорига тенгдир! Қуёш энергиясининг атиги 2 миллиарддан бир қисмигина Ерга тушади. Гарчи бир қарашда, Қуёш осмондаги сокин жисмдек кўринса ҳам, аслида у йирк ва қувватли физик жараёнларни «бошидан кечиряётган» юлдузлардан эканлиги кўпдан бери маълум. Қуёшдаги актив жараёнлардан бири бўлган доғлар илк марта 1609 йили италиян олими Г. Галилей томонидан телескопда кузатилади. Бу қора доғларнинг катталиги бир неча мингдан бир неча юз минг километрга етади. Қизғини шундаки, улар Қуёшдаги энг жумбоқли майдонлардан ҳисобланади. 1858 йилда кузатилган Қуёш доғи Ер диаметридан қариб 19 марта катта бўлиб, унинг диаметри 230 минг километрга етди. Агар Қуёш доғларининг диаметри 40 минг километрдан катта бўлса, бундай доғни махсус кузатиш асбобларисиз оддий кўз билан кўриш мумкин. Қуёшдаги доғлар доимий бўлмай, белки вужудга келиб, озроқ «яшаб»,

ҚУЁШДАГИ ПОРТЛАШЛАР

сўнгра парчаланиб йўқолувчи ҳодиседир. Улар бир неча соатдан бирикки ойгача «яшайдилар», холос. Доғлар ҳарорати уларни ўраб турган фотосферадан қариб 1500 даража паст бўлгани сабабли Қуёш доғорасида қорайиб кўринади.

Қуёш доғларида жуда кучли (айрим ҳолатларда 4500 эрстедгача) магнит майдони мужассамлашиб, уларда мураккаб газодинамик жараёнлар кечади. Қизғини шундаки, Қуёш атмосферасида қувватли актив ҳодисалар (портлашлар, чақнашлар ва ҳокказо) кузатилиб, улар Қуёш доғлари билан генетик боғланишдадир. Бошқача айтганда, эслатилган актив ҳодисалар Қуёшнинг асосан доғ пайдо бўлган қисмларида кузатилади. Шу сабабли Қуёш активлигини белгилайдиган портлашлар, чақнашлар ва бошқа ҳодисаларнинг кўп ёки камлиги, айнаи даврда Қуёш сиртидаги доғларнинг сони билан белгиланади. Бинобарин, Қуёш активлиги ҳам доғлар сонининг улкан Ерқитқанда кўп ёки камлиги билан характерланади.

Қуёш доғларининг сони даврий равишда ўзгариб туради. Бу ҳодисани биринчи бўлиб ҳаваскор немис астрономи (дорихоначи) Г. Шаабе 30 йиллик астрономик кузатишлари натижасида топди. Унинг аниқлашича, доғлар сонининг ўзгариш даври 10 йилга тенг. Қуёш активлиги даври деб юритиладиган бу даврини аниқ ҳисоблаш австралиялик астроном Рудольф Вольфга nasib қилган экан. У узоқ йиллар давомида кузатишлар олиб бориб, Қуёш доғлари сонининг ўртача ўзгариш даври 11,1 йил эканлигини аниқлади. Қуёш активлигининг охириги максимуми 1969 йили, минимуми эса 1975 йилда кузатилади. Қуёш активлигининг наваздаги максимуми 1979 йилнинг охири ва 1980 йилнинг бошларида тўғри келди. Айни кунларда Қуёш сиртида доғ гулпаларининг сони 16 тагача (август ойида) етгани фикримизнинг далилдир.

Қуёш активлигининг даврийлиги Ердаги талай ҳодисаларда ўз аксини тспганда эди, шубҳасиз у Қуёш физикаси билан шуғулланувчи бир гуруҳ астрономларнинггина «сири» бўлиб қоларди, холос. Бироқ, Қуёш активлигини белгилувчи бир неча физик жараёнлар Ер атмосфераси ва биосферасида ўз аксини топиб, кўпчилик эътиборга тушди.

Бир қарашда Қуёш активлигининг биологик сферага таъсири ғайри табиий туюлса-да, бироқ бундай таъсирнинг мавжудлиги 30-йилларда-ёқ аниқланган эди. 30-йилларда Узоқ Шарқда энцефалит касаллигининг авж олгани кузатилади. «Энцефалит» сўзи врачлар тилида миянинг шамоллаши маъносини аниқтаса-да, аслида мия касаллиқларининг кенг гуруписи шу ном билан юритилади. Уша даврда бу касаллик сайёраимизнинг турли жойларида кишини ҳайратга солувчи аниқ 10—11 йиллик

давр билан қайтарилиб турди. Узоқ Шарқдан сўнг мамлакатнинг Европа қисми, Омск областида ва сўнгра, яна 10 йил ўтгач, Ҳиндистон, Канада, Малайяда бу касаллиқнинг кўпайгани кузатилади. Энцефалитнинг даврийлигини аниқлашга доир барча уриниш-ларни ижобий натижа бервермагач, бир группа олимлар А. Л. Чижевскийнинг 1930 йилда нашр қилган «Қуёш фаолиятининг даврийлиги ва эпидемик ҳалокатлар» китобиға мурожаат қилишди. Қуёш активлигининг охириги йиллар фаолияти ва Узоқ Шарқда энцефалит билан касалланишини бир неча ўнлаб йиллар давомида қайтарилиши солиштириб кўрилганда, эпидемиологлар ҳайратдан ёқа ушладилар. Чунки узоқ изланишлар ақл бовар қилмайдиган ҳодисани очди: энцефалит эпидемиясининг сабабчиси Қуёш активлиги бўлиб чиқди.

Совет олимлари Б. Виноградов, Н. Калабухов ва К. Доровеевларнинг аниқлашлариға, эпидемик касалликларни тарқатувчи кемирувчи ҳайвонлар сони қуёш активлиги даврийлигиға мос камайиб ва кўлайиб турар экан. Совет олими А. Чижевский вабо, тиф ва бўёма каби эпидемик касалликларни ўрганиб, уларнинг Қуёш активлигиға мос келишини аниқлади. Р. Богачева ва В. Бойколар эса сўнги бир неча ўн йиллик даврда полиомелит касалликларини динамикасини ўзбекистон ва Ригада ўрганиб, бу касалликнинг авжи Қуёш активлигиға жуда мос келишини аниқлади. Шунингдек, олимлар Қуёшдаги актив ҳодисалар, айниқса хромосфера чақнаши билан юрак-томир касалликлари орасида ҳам узвий боғланиш борлигини тадқиқ этдилар. Совет олимлари В. Десятков, Б. Ривкин ва К. Новиковлар Ленинград, Свердловск, Томск ва Иваново-Франковск шаҳарларида Қуёш активлиги билан юрак-томир касалликлари орасидаги боғланишни бир неча ўн йиллик изланишлар асосида атрофилача ўрганиб, ижобий натижеға эришдилар. Кейинги йиллардаги тадқиқотлардан Қуёш фаолиятидаги ўзгаришлар қон системасида ва руҳий касалликларда ҳам ўз аксини топшини маълум қилди. Бутунитифоқ врач-лаборантлар илмий жамиятининг Сочи филиали Қуёш активлигининг қон системасиға таъсирини ўрганиб, активлик максимумиға эришган йиллари аксарият кишиларда оқ қон таначалари мейёриндан пастга тушганини аниқлади. Қуёшдаги актив ҳодисаларнинг асбоб системасиға таъсири борасида япон олими Шира Масамуронинг ўзакан тажрибаси ҳам диққатға sazovorдир. Олим ўш тажрибасида Қуёш активлиги билан автомобил ҳалокатлари ўртасида ҳайратли даражада боғланиш борлигини аниқлади.

Ҳўш, биздан қариб 150 миллион километр узоқликда турган Қуёш

сиртидаги актив ҳодисалар, қандай воситалар ёрдамида биологик сферада ўз аксини топади! Бундай севол жуда табиийдир. Гап шундаки, Қуёшнинг доғли майдонларида кузатиладиган портлашлардан ажраладиган қувват миклаб водород бомбасининг портлашдан ажраладиган қувватға тенг бўлиб, бу хил портлашлар пайтида миллионлаб тонна Қуёш материяси юлдузлараро бўшлиққа секундиға 500—1000 километр тезлик билан отилади. Асосан корпускуляр заррачалардан (протонлар, ионлар, электронлар) ва радиоактив нурлардан) иборат бу оқим «Қуёш бўрони» дейилиб, кўп ҳолларда Ерни ҳам ўз ичига олади. Аниқлашишича, бундай кучли оқим Ер магнит майдонини ўз ичига касида тутиб, «Магнит бўрони» вужудға келтиради. «Магнит бўрони» эса ўз навабатида инсоннинг қон системаси ва бош миясининг нормал фаолиятини таъминловчи биотоклар функциясиға салбий таъсир кўрсатади.

Қуёш фаолиятининг даврийлиги геофизик ҳодисаларда янада аққолроқ акс этади. Совет олими И. Максимов ва унинг шоғирдарлари Шимоллий Атлантика ва Арктика денгизларининг музлаш даражаси, океан сатҳининг ўзгариши, Гольфстримнинг пульсацияси ҳамда Норвегия ва Баренц денгизларининг термик режими Қуёш фаолияти билан узвий боғланишда эканлигини аниқлади. Шунингдек, олим кузатиш натижаларининг таҳлили асосида Ер кутби ҳаракати ҳам 11 йиллик цикл билан қайтарилишини маълум қилди.

Қуёшдаги актив ҳодисалар айниқса атмосферанинг юқори қатлаларида яхши «қас-сад» беради. Хусусан, Қуёш радиацияси тўфайли ионосферанинг ионолаш даражаси кескин ортади ва у ўз навабатида атмосферанинг бу қатламнинг электр ўтказувчанлигини ҳамда электромагнит нурларини қайтара олиш қобилиятини ўзгаришдади. Базан «Қуёш бўрони» ионосферадан ўтувчи қисқа узунликдаги электромагнит тўққинларининг ютилиш даражасини шу қадар орттиришди, натижеда қисқа радио тўққинларнинг узатилишида бир неча децикали узилиш кузатилади. 1959 йил 9 май кунини Қуёшда кучли чақнаш юз берди. 10 ва 12 майда ҳам Қуёшнинг бу доғли районида чақнашлар қайтарилди.

Бир қатор олимларнинг эътирофи эитишлариға, Ер қимирлашларининг максимал қувватлари Қуёш активлигининг максимум йиллариға, минимал қувватлари эса минимумиға тўғри келади. Ҳалокати Ер қимирлашлари ва йирк вулкнларнинг «уйғо-ниши», кўпчила Қуёш активлиги йилларида кузатилаған.

Шунингдек, қилим шароитининг ва қуруқчиликнинг даврийлиги ҳам Қуёш активлигининг махсули дейиш-ға маълум даражада асос бўлувчи тадқиқотлар фанға маълум. Бироқ шунини айтиш керакки, табиатдаги бундай ҳодисаларнинг юзаға келиши ҳам Қуёш дирижерлик қилади, дейишға асос бўлувчи далиллар ҳозирча етарли эмас. Бу нарса кенг миқёсда ҳали кўп тадқиқотлари амалға оширишни тақозо этади.

Мамадмусо МАМАДАКИМОВ,
физика-математика фанлари
кандидати, доцент

ДўЛАНА

Халқимизда «Токқа чиқмасанг дўлана қайдан деган ибора кўп ишлатилади. Бу бежиз эмас, албатта. Атиргуллилар оиласиға мансуб дўлана дархатининг ёввойи турлари тоғлик жойларда ва тўқайзорларда кўпроқ учрайди. Дўлананинг 130 тури

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тошкентдаги Ботаника Богида ўстириб келинмоқда.

Дўлананинг айниқса ўрмон ҳўжаллиги учун аҳамияти катта. Унинг ёғоч қаттиқ бўлиб, тўқимачилик сановатида мокилар тайёрлашда кенг қўлланилади. Шунингдек, улардан қолдоқ ва подшпниклар ҳам ясалади. Қадимда дўлана новдасидан кетмон, болға, болта дасталари тайёрланган ва улар кўп йилға чидаган. Дўлана

турлари шаҳар боғлари, хиёбон ва майдонларда яқка-яқка ҳолда ёки тўп-тўп қилиб экилса, яхши натижа беради.

Дўлана баҳрда ранг-баранг бўлиб чиройли гўллайди. Кузда эса барглари тилларанг, мевалари эса қизил, қора ва сарик тусға кириб гўзал табиий манзарани ҳосил қилади. Табобатда баъзи дўлана турларининг мевасидан қон босимини туширадиган дори сифатида фойдаланилади.

Табиат оламида



Тошкентдаги Ленин комсомоли номли дам олиш ва истироҳат боғида болалар учун янги кинотеатр очилди. Бу кинотеатрнинг бошқаларидан фарқи шундаки, унда болалар самолёт салоида ўтириб кино кўрадилар.

Н. Шарипов фотоси



ҚАҲРАМОНЛИККА МУНОСИБ

«Уч қаҳрамон» совхозининг ишчилари 1981 йилнинг 15 май кунини доимо қувонч билан эслайдилар. Уша кун совхоз марказида халқ гавжум бўлиб, байрам тусини олган эди. Совхоз ишчилари чўл бағрида бунёд этилган ўз қишлоқларида космонавт-учувчилар Т. Г. Добровольский, В. И. Пацаев, В. Н. Волковлар хотирасига ўрнатилган ёдгорликнинг очилиш тантанасига тўлқандилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидов гулдурас қарсақлар

остида алвон лентани қирқиб, бюст устидаги оқ пайдани туширади. Йиғилганларнинг кўз ўнгиде уч фазо баҳодирини — Добровольский, Пацаев, Волковлар сиймоси бутун салобати билан намоён бўлади. Тантанали митингиде ўртоқ Шароф Рашидов совхоз чўлқуварларига қарата:

— Ҳўжалиқларингизнинг «Уч қаҳрамон» деб аталишида рамзий маъно бор,— деди.— Космонавтлар ўзларининг жасоратлари билан фазони инсоният манфаатларига хизмат қилдиришига ҳисса қўшган бўлсалар, сизлар қақроқ чўллар ўрнида бунёдкорлик ишлари билан машғулдирсизлар. Бундан

кейин ҳам қаҳрамонларга хос матонат билан меҳнат қилишларингизга ишончимиз комил.

Монумент очилишига ташриф буюрган СССР космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Н. Н. Рукавишников, фазо баҳодирларининг рафиқалари В. А. Пацаева Л. А. Волковлар совхоз чўлқуварлари турмуши билан атрофлича танишиб, уларнинг меҳнат фаолиятлари қаҳрамонлик номига муносиб эканлигини таъкидладилар.

Уша кун меҳмонлар совхоз марказида очилган космонавтлар музейини қизиқиш билан томоша қилиб, таассуротлар дафтарига дил сўзларини ёзиб қолдиришди.

Биз ҳикоя қилаётган Жиззах область, Октябрь районидаги «Уч қаҳрамон» совхозининг обод посёлкаси, бепоён экин майдонлари ўрни бундан ўн йилча бурун юлғун ва бўталар ўсиб ётган, асрлар бўйи оқар сувни кўрмаган чўл эди. Аҳолиси 4500 кишидан иборат совхоз бугунги кунда райондаги энг йирик ҳўжалиқлардан бирига айланган. Ҳўжалик йилга 7,5 минг тонна «оқ олтин», 300

тонна сут, 60 тонна гўшт, кўплаб бошқа турдаги қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етказиб бермоқда.

Совхоз чўлқуварлари замонавий уйларида яшамоқдалар. Хонадонлар табиий газ, водопровод суви билан таъминланган. Ҳар бир оила томорқа майдонига эга. Ердамчи ҳўжаликларда сигир, қўй, паррандалар боқилмоқда.

— Қулай шароитлар тўфайли одамлар бу ерда муқим яшаб қолмоқдалар,— дейди совхоз ишчилар комитетининг раиси Абдумалик Турсунов.— Совхоз мамўрияти меҳнаткашларга маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатишни шу куннинг талаби даражасига кўтаришига интиляпти. Бу ҳол ишчи кучи кам бўлган чўл шароитида давлат планлари ва мажбуриятларини бажаришда муҳим аҳамиятга эга.

Совхозда меҳнаткашлар учун яратилган шарт-шароит мақташга арзигулик. Совхоз посёлкасида савдо маркази, алоқа уйи, новвойхона, ошхоналар, кутубхона ва кинотеатр ишлаб турибди.

— Ҳўжалигимиз — интэрнационал коллектив,— дейди совхоз партия таш-

килотининг секретари Милтиқбой Қиличев.— Бу ерда турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек ақил яшаб, меҳнат қилишмоқда. Дўстлик кечалари бу ерда жуда файзли кечади.

Эришилаётган муваффақиятлар — юзлаб оловқалб кишиларнинг фидокорона меҳнати самараси, уққаҳрамонликлар бугунги кунда область Советининг депутаты, соғувчи Бибиғул Кўчарова, чўл шароитида гектардан 45—50 центнердан ҳосил етиштираётган уста пахтакорлар Турдибой Мустафоев, Суюн Самандаров, гектардан 100 центнердан манкажўхори кўтарган ғаллакорлар Файзулла Назарқосимов, Унгар Саңақулов, терим машиналари билан ҳар мавсумда 200—250 тоннадан «оқ олтин» тараётган механизаторлар Янгибой Бердирасулов, Туруш Ҳасановларнинг номини фахр билан тилга оладилар. Уларнинг меҳнати тўфайли ҳўжалик янада юксалиб, довруг таратмоқда. Эришилаётган меҳнат ютқуларидан қониқмаслик, доимо олға интилиш уққаҳрамонликларга хос фазилатдир.

Аҳмад БОЛИБЕКОВ

ҒОЯВИЙ ФИРИБГАРЛИК

Халқаро майдонда ғоявий ва идеологик кураш ғоят кучайиб бормоқда. Империализм жон талвасида социалистик дунё ривожига тўсиқ бўлиш учун мўлжалланган воситаларнинг бутун бир системасини ишга солмоқда, коммунизмга қарши янги «салб» юришлари эълон қилмоқда.

Социализм, демократия ва тинчлик душманлари ушбу қора ниятларини амалга ошириш учун ҳар қандай разилликдан қайтмаётирлар. КПСС XXVI съездида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, империализмлар ва уларнинг ғушматлари социалистик мамлакатларга қарши душманлик кампанияларини муттасил ўтказиб келмоқдалар. Улар бу мамлакатларда рўй бераётган жамики воқеаларни қоралаб ва сохталаштириб кўрсатмоқдалар, социализм мамлакатларига қарши тобора маккорлик билан ҳаракат қилмоқдалар.

Антикоммунизм империализмнинг асосий ғоявий-сиёсий қуроли бўлиб, унинг туб мазмуни социалистик тазумага тўхмат қилишдан, социалистик мамлакатлар ички ва ташқи сиёсатларини бузиб кўрсатишдан, қардош коммунистик ва ишчи партиялар сиёсати ва мақсадини, марксизм-ленинизм таълимотини сохталаштиришдан иборат.

Қўлаб буржуа мамлакатларида антикоммунизм давлат сиёсати ва идеологияси даражасига кўтарилган. Антикоммунизм, ўз навбатида, империализмнинг инсониятга қарши қилаётган ҳамма жиноятқорона ишларини қўллаб-қувватламоқда. Масалан, у социалистик мамлакатларга қарши қилинаётган сиёсий ва идеологик қўпурувчиликни ҳам назарий асослашга уринмоқда.

Илмий коммунизм асосчилари К. Маркс билан Ф. Энгельс машҳур «Коммунистик партия манифести»даёқ эски Европанинг ҳамма кучлари: папа ва падош, Меттерних ва Гизо, француз радикаллари ва немис полициялари илмий социализмга қарши муқаддас газот учун бирлашганликларини ёзган эдилар. Социализм, демократия, тинчлик ва ижтимоий тараққиётнинг барча душманлари: молия олигархияси ва ҳарбийлар, фашистар ва реакцион клерикаллар, янги мустамлакачилар ва помешчиклар, империалистик реакциянинг барча ғоявий ва сиёсий раҳнамолари ҳозир ҳам антикоммунизмнинг қора байроғи остида тўпilanган.

Ута реакцияни бўлган сионизм ҳам Советларга қарши фаолияти билан халқаро империализмга хизмат қилмоқда. Фаластин ва Ливан қалқини захарлашни, ўйинчоққа ўхшаш бомбалар ҳамда миналар ясаб, минг-минглаб болаларни портлатиб юборган Исроил босқинчиларини худди шу мудахши сионизм оқлаб чиқмоқда. Сионистлар яқинда навбатдаги жиноятга қўл урдилар: Исроил босиб олган Иордан дарёсининг қарий қирғоғида сионистларнинг аҳолини захарли химиявий моддалар билан захарлаганликлари ошқор бўлиб қолди. Жумладан, Фаластин ўқувчиларидан 1 минг 500 таси ана шу дахшатли жиноятнинг қурбони бўлиб, госпиталларга ётқизилди. БМТ бош секретари Перес де Кузьяр араб халқининг Исроил босқинчилари томонидан оммавий захарланишини инсониятга қарши қилинган оғир жиноят деб баҳоладди.

Маълумки, сионизмини байроқ қилиб олган тель-авивлик қароқчилар юзсизлик билан Қизил Крест ва Қизил Яримой жамиятлари байроқлари илгинган қасалхона ва госпиталларни ҳам бомбардирмон қилган эдилар. XX асрда бундай энг оғир жиноятга икки армия — гитлерчилар Германияси ва Вьетнамда Америка армияси қўл урган эди. Энди улар сафига Исроилнинг қаллақасар босқинчи армияси ҳам келиб қўшилди. Бу халқаро ҳуқуқнинг энг қадимий нормаларини андишасизлик билан оёқ ости қилишдир. Умуман, сионизмнинг араб ва Фаластин халқларига қарши қилаётган ивгогарликлари ва жиноятлари сон-саноқсиз.

Антикоммунизм бугун ўз олдида бир-бирига яқин бўлган учта вазифани: социализмни қўпориш еки жаҳон революцион процессининг авангардида бораётган мамлакатларнинг позициясини заифлаштириш, ўз мамлакатларида революциянинг олдини олиш, империализмнинг мустамлакачилик ҳукмронлигидан халос бўлган халқларнинг социалистик революция йўлига чиқиб олишларига йўл бермаслик ва уларни ўз ҳукмронлиги ҳамда ўз эксплуатацияси чангилида сақлаб туриш вазифасини кўйган.

В. И. Ленин ўз вақтида марксизмик таълимотнинг кенг ёйилиши ва таъсирини тўхтатиб қолмошга қодир бўлмаган социализм душманлари кишилар оқлини забт этиш учун энг маккорона усулларни ишга соладилар, деб уқтирган эди. «Буржуазиянинг ишчиларга ғоявий таъсири пасая, барбод бўла ва кучсизлана борган вақтда,— деб қайд қилган

эди В. И. Ленин,— буржуазия ҳамма жойда ва ҳаммиша уччига чиққан ёлгон-яшиқлар ва тўхмат ёғдириш йўлига ўтиб келди ва шундай қилади.

Буржуазия маддоҳлари бугун худди ана шу йўлни тутмоқда. Кўп сонли университетлар, институтлар, илмий марказлар, агентликлар, радиостанциялар, матбуот органлари антикоммунизмга хизмат қилмоқда. Миллиард-миллиард доллар, иен, фунт стерлинг антикоммунизм учун ажратиб берилмоқда. Социалистик мамлакатларга, тараққиёт йўлини таллаётган давлатларга қарши «психологик уруш» олиб бориш ва идеологик қўпурувчилик қилиш учун жуда кўп мутахассислар тайёрланмоқда. Масалан, биргина АҚШда 170 дан ортиқ илмий-текшириш муассасалари Совет Иттифоқини, улардан 50 таси Совет Шарқи республикаларини «ўргандоқмоқда». Фақатгина кейинги йилларда 38 та махсус «советшунос» фан докторлари тайёрланди. Уларнинг 12 таси Урта Осиёни «ўрганиш» бўйича мутахассислардир.

КПССнинг ленинча миллий сиёсатига тўхмат қилиш, миллий тиллар ва миллий маданиятларнинг гўёки «камситилиши» ҳақида бўхтонлар тарқатиш, совет турмуш тарзини камситиш, ўтинида иқтисодий ва маданий жиҳатдан қоқоқликда қолган ва эндиликда Октябрнинг бахтли кўёши остида ижтимоий тараққиётнинг катта йўлига чиқиб олган, носоциалистик дунё халқларига бугун намуна бўлаётган ўзбек ва қозоқ, грузин ва туркман, қирғиз ва молдавон, украин ва озарбойжон ҳамда СССРдаги барча қардош халқларнинг кўлга киритган ютуқларини хаспўшлаш антикоммунизм маддоҳларининг асосий ҳунари, касби-қори ҳисобланади. Улар уялмай-нетмай ўзларини Совет Шарқи халқлари миллий маданияти ва тилларининг ҳимоячилари деб эълон қилмоқдалар. Масалан, кейинги йилларда Индиана штати университети (АҚШ) СССР халқлари тилларини ўрганишга мўлжалланган 30 дан ортиқ қўллама чиқардилар. Уларда рўс бўлмаган барча совет миллатларининг ҳаёти ўта бузиб кўрсатилади. Антикоммунистар совет халқларининг маданий меросига муносабат масаласида ҳам асосиз гаплар тарқатмоқдалар. Уларнинг фикрича, СССРда «Алпомиш», «Манас», «Кўрўгли» сингари эпослар чекланаётган эмас. Сўзсиз, буларнинг ҳаммаси исбот талаб қилмайдиган ёлгондир.

Антикоммунизмнинг навбатдаги маккорона кирдикорларидан бири — Бу аслида бўлмаган «совет хавф»ини, «Шарқдан келаётган хавф»ини баҳона қилиб, милитаристик доираларнинг ҳарбий вазвасини авж олдириш, қуролланиш пойғасини янада кучайтириш, урушга тайёргарлик кўриш сиёсатини оқлашдир. Маълумки, ўз вақтида «совет хавфини» тўғрисидаги империализмнинг эски қўшиғи — «совуқ муносабатлар уруши» ва қуролланиш пойғасини авж олдириш учун, Совет Иттифоқи, қардош социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига қарши бошланган психологик урушни қонунаштириш учун баҳона қилиб олинган эди. Империализмнинг В. И. Ленин фож қилиб ташлаган «қизил милитаризм» тўғрисидаги шов-шувиси эса Совет ҳокимиятини йўрқақлигадёқ бўғиб ташлаш учун керак эди.

Бугун эса антикоммунизм бутун жаҳонда урушга қарши бошланган оммавий ҳаракатни «Москва-нинг қўли» деб эълон қилмоқда. Ер юзи халқларининг тобора кучайиб бораётган антиракета ва антиядровий ҳаракатини «Москва агентларининг иши» деб айоханнос солмоқда, КПСС Марказий Комитетининг бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов айтганидек, фақат сиёсий телбалар ёки ашаддий ёлгончиларгина шу кунлардаги урушга қарши оммавий ҳаракатни «Москва-нинг қўли», коммунистларнинг кирдикорлари, деб эълон қилиши мумкин.

Антикоммунистик фаолиятнинг ҳозирги босқичини характерловчи муҳим жиҳатлардан бири — унинг техника базасини кучайтиришдан иборат. Империалистик давлат меҳнатқашларнинг онгини захарлаш, социализм мамлакатларига қарши идеологик диверсиялар олиб бориш учун мўлжалланган радио ва телемарказларга жуда катта маблаг сарфламоқдалар. Масалан, АҚШ ҳукуматининг расмий органи — АҚШ Информацион агентлиги — ЮСИАнинг 1983 йилги бюджетини 644 миллион долларга тенгдир. ЮСИАда 9 минг ходим ишлайди. Бу агентлик сохталаштирилган ахборотларни кишилар миёсига ҳар кун, ҳар соатда қўйиб туриш учун ҳозирги замон фани ва техникасининг барча ютуқларидан фойдаланмоқда. Ҳозир жаҳоннинг 133 мамлакатда телевидение эшиттиришлари бе-

рилмоқда, планетамизда 25 минг радиостанция ишлаб турибди. Уларнинг эшиттиришларини 400 миллион телевизор, бир миллиард радиоприйёмник қабул қилмоқда. Дунёда 100 дан ортиқ миллий информацион агентликлар мавжуд.

Антикоммунизм маккорлик билан ана шу воситалардан фойдаланишга интилмоқда. Фақат Совет Иттифоқиға қарши чет элларда 400 га яқин қўпурувчилик марказлари ва ташкилотлари, 40 та радиостанция иш олиб бормоқда. Улар СССР халқларининг 23 тилда эшиттиришлар бермоқда.

Тарихий воқелик ёки реал фактларни бузиб кўрсатиш, ёлгон информация тарқатиш, радиоқўпурувчилик ана шу радиостанцияларнинг мақсади ва вазифасидир. «АҚШнинг ҳарбий сиёсатига,— дейилади ЮСИА тарқатган хабарлардан бирида,— тинчлик гарови бўла олади». Мана сизга навбатдаги ёлгонлардан бири!

АҚШ империализми ривожланаётган мамлакатларни ўзининг фақат сиёсий-иқтисодий таъсиригагина эмас, балки идеологик таъсирига ҳам бўйсундиришга интилмоқда. Масалан, биргина Афғонистоннинг ўзига Фарб мамлакатларининг 28 та радиостанцияси ифлос уйдирмалар еғдирмоқда. Покистон, Миср, Саудия Арабистонидаги радио-марказлар ҳам уларга «жўр» бўлмоқда.

Антикоммунизм қайси либосга бурканмасин, халқлар унинг ҳақиқий багарасини яхши биладилар. Социализм, демократия, тинчлик учун бўлаётган курашини империализм ҳам, ашаддий антикоммунизм ҳам тўхтатиб қолмайди. Антикоммунизмнинг охириги манзили тарихнинг ташландиқ бурчагидадир!

«Антисоветизм ва антикоммунизмга актив зарбэ бериш — партия комитетлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг доимий йўналишидир,— деб уқтирилди КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Июнь пленуми қарориди.— Қарши пропаганда лунхта ўйланган, яғна, жүшжин ва самарали системаси зарур. Партиямизнинг бу кўрсатмасига эътибор ва қатъий риоя қилиш мафкуравий кураш соҳасидаги муваффақиятларимизнинг гарови бўлади.

Тальят СОЛИЕВ

АҚШ сиёсатдонлари оғизда ўзларини қуролсизланиш тарафдорини қилиб кўрсатишга уринсалар ҳам, амалда қуролланишга зўр бермоқдалар.

[Газетадан]



АҚШ сиёсатдонининг мибарми. Ресми А. ХОЛИКОВ чизган.

Совет-афгон муносабатлари 1978 йилги Савр инқилобидан сўнг янги, янада юксак bosқичга кўтарилди. Бу пайтда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик мисли кўрилмаган даражада равақ топди. Шу боисдан Л. Б. Теплинскийнинг «СССР — Афғанистан» монографияси нашр этилиши фоят катта аҳамиятга эришди. Муаллиф бoй ҳужжатли материаллар асосида совет-афгон муносабатларининг шаклланиш тарихини, ҳозирги bosқичда, айниқса кенг кўламда ривожланиб бораётган икки томонлама ҳамкорлик самараларини тадиқ қилди.

Британия империализмига қарши сабот билан олиб борилган кураш натижасида 1919 йилда Афғонистон мустақил деб эълон қилингандан сўнгги дастлабки даврини таҳлил этар экан, Л. Б. Теплинский асосли равишда Афғонистон учун мураккаб бўлган ўша вазиятда унинг Совет Россияси томонидан тан олинмиши бугун жаҳон олдига ва энг аввало империалистик Англия олдига Афғонистон халқи ўз курашида яққа эмаслигини ва жаҳонда биринчи ишқидеҳқонлар социалистик давлатининг қўллаб-қувватлашига таъиниши мумкинлигини намойиш қилганлигини ўқитиб ўтади.

Доҳийиш В. И. Лениннинг Омо нуллаҳонга йўллаган мактубида: «... икки буюк халқимиз ўртасида доимий; дипломатик муносабатлар ўрнатилиши билан чет эллик қўзғунлар томонидан ўзгалар озодлиги ва ўзгалар бойлигига ҳар қандай таъвоуз қилинишига қарши курашда ўзаро ёрдам бериш учун кенг иқомиятлар очилди», деган эди. Афғон ҳукумати учун Совет давлати ва чет эл мамлакатлари позициялари ўртасидаги принципиал фарқ равшан эди. Москвада афгонлар мустақил мамлакат вакиллари сифатида қабул қилинган ҳолда Ғарбда уларни қабул қилишдан бош тортардилар.

Хавтий зарурат Совет Россиясини ҳам Афғонистонни ҳам ўзаро муносабатларини тез ривожлантиришга даъват қиларди. 1921 йилги совет-афгон шартномаси бу муносабатларда муҳим воқеа бўлди. Шартноманинг ҳар бир моддаси Совет давлатининг афгон халқига ўтмишининг оғир меросидан қутулишда ёрдам беришга ва Афғонистоннинг ярим мустамлака ҳолатига тушиб қолишига йўл қўймаслиққа самийи интилиши билан суғорилган. Шартномадаги кўпгина принципиал қондвалар йиллар ўтиши билан давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг ҳамма томондан тан олинган нормаларига айланди. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашининг яқунловчи битими сингари буюк халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топган. 1921 йилги шартнома Шарқдаги барче давлатлар учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Унга кўра бу мам-

ДЎСТЛИК, ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК АНЪАНАЛАРИ

лакатлар халқаро муносабатлар системасида тенг ҳуқуқли шерик сифатида тан олинмаган бўлди.

Монографияда шартнома иккинчи моддасининг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган. Бу моддага мувофиқ ҳар икки томон аҳдлашувчи томонларнинг бирортасига зарар етказиш учун учинчи бир давлат билан ҳарбий ёки сиёсий битим тузмаслик мажбуриятларини ўз зиммасига олганлар.

Ҳозир, 1921 йилги шартнома тузилгандан ўтган 60 йилдан сўнг ҳам бу модда Афғонистонни Ғарбий давлатларнинг агрессив ҳарбий блокарига жалб этиш йўлида ўтиб бўлмайдиган тўсиқ, айни пайтда афгон давлати мустақиллигининг гарантисига бўлиб хизмат қилмоқда.

Афғонистон денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган мамлакат эканлиги ва унинг экономикасининг ривожланиши кўп жиҳатдан ташқи савдо алоқаларига боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб, Совет ҳукумати Афғонистонга Россиядан ва бошқа мамлакатлардан сотиб олган турли молларни РСФСР территорияси бўйлаб эркин ва боғсиз олиб ўтиш ҳуқуқини берди.

1926 йил 31 августда икки мамлакат ўртасида ўзаро қўшилмаслик ва ўзаро бир-бирига ҳужум қилмаслик шартномаси (Паган пакти) имзоланди. Афғон давлатининг қўшилмаслик сиёсати биринчи марта халқаро ҳужжатда ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди. Иккинчи томондан, бу пактининг имзоланиши Совет Иттифоқининг ўз жанубий қўшилларини анти-совет коалициясига жалб этилишининг олдини олишга қаратилган умумий куч-ғайратларида муҳим бўғин бўлди.

Совет ҳукумати совет-афгон ҳамкорлигини ҳамма соҳаларда ва энг аввало сиёсий соҳада мустақамлашга интилиб, СССР ва Афғонистон ўртасида қўшилмаслик ва ўзаро бир-бирига ҳужум қилмаслик тўғрисида янги шартнома имзолаш ташаббусини ўртага ташлади (Паган пакти уч йил муддатга тузилган эди). 1931 йилда имзоланган шартнома қатор янги қондаларга эга эди. Бу шартноманинг асосий қондалари тинч-тотув яшашнинг машҳур «беш принциплари» мос келди. Кейинчалик эса Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаш катнашчилари бўлган давлатлар ўзаро муносабатларда амал қилишга аҳд этган принциплар бу декларацияда ўз аксини топган эди.

1936 йилда қўшилмаслик ва ўзаро бир-бирига ҳужум қилмаслик тўғри-

сидаги шартномани яна 10 йилга узайтириш тўғрисидаги протокол имзоланди. Бундан кейинги воқеалар ушбу протоколнинг имзоланиши жуда доно ва ўз вақтида қўйилган қадам эканлигини кўрсатди. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши арафасида икки қўшни давлат мустақам шартномаларга эга эдилар. У 1921 йилги шартнома билан биргаликда жаҳон тарихининг урушдан аввалги мураккаб даврида дўстона муносабатларни таъминлаш ва сақлаб қолишнинг мустақам асоси бўлиб хизмат қилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида СССР ва Афғонистоннинг алоқалари чекланган бўлса-да, узилиб қолмади. Уруш тақдирини ҳал бўлган 1945 йил январда Совет ҳукумати Афғонистонга дўстона баёнот билан мурожаат қилиб, унинг 1931 йилги шартномаси савдоқотини ва уруш давридаги сиёсатини юқори баҳолади.

1945 йилда фашизм тор-мор қилингандан сўнг совет-афгон дўстона муносабатларини ривожлантириш учун янада қулай шартот юзага келди. Совет Иттифоқи халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустақамлаш манфаватларига амал қилган ҳолда 1946 йил июнида Афғонистоннинг БМТ га аъзо бўлиб кириш тўғрисидаги аризасини қўллаб-қувватлади. Афғонистон учун муҳим бўлган соҳаларда, жумладан фойдалан қазилмаларни қидириб топишда, муҳим сановат корхоналарини қуришда иқтисодий ҳамкорлик ривожланиб борди, савдо алоқалари кучайди.

Совет Иттифоқи бошқа давлатларнинг икки ишларига аралашмаслик изчил принциплари ва афгон халқи билан дўстлик муносабатларига амал қилган ҳолда 1973 йил 17 июлда монерхияни ағдариб ташлаш туйғайли вужудга келган республикани жаҳон мамлакатлари ўртасида биринчи бўлиб тан олди. СССР афгон халқи билан дўстлик ва самарали ҳамкорлик муносабатларини бундан буюн ҳам ривожлантиришга тайёр эканлигини билдирди. Бу кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги турли иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлардан, шу жумладан 12 йилга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномада (1977 йил) ўз ифодасини топди.

Китобнинг сўнги босида икки томонлама муносабатларини ривожлантиришнинг янги bosқичи ҳақида фикр юритилди. Бу bosқич Афғонистондаги 1978 йил 27 апрелдаги халқ демократик революцияси ва Афғонистон Демократик Республи-

макруз

қаси эълон қилиниши билан бошланди.

Муаллиф ҳужжатлар асосида Савр инқилоби тўла-тўқис мамлакатнинг ички иши бўлиб, ҳеч қандай халқаро муаммолар тўғдирмиши мумкин бўлмаганлигини кўрсатади. Халқ революцияси — деб ёзади Л. Б. Теплинский — мамлакатнинг кўп асри тарихида туб ижобий силжиш бўлиб, прогрессив ички ва ташқи сивбат юритиш учун мустақам асос қўйди.

1978 йил декабрда имзоланган дўстлик, яхши қўшнчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома мураккаб вазиятда ҳар томонлама совет-афгон муносабатларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш йўлидаги тарихий қадам бўлди. Шартнома Совет Иттифоқининг Афғонистоннинг дўст халқига «тенг ҳуқуқлилик, миллий суверенитет, территориял бутунлигини ҳурмат қилиш ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик асосида» ҳар тарафлама ёрдам кўрсатишга интилиш руҳи билан суғорилгандир.

Муаллиф шартнома 4-моддасининг алоҳида аҳамиятини таъкидлайди. Унга кўра Совет Иттифоқи ва АДР «дўстлик ва яхши қўшнчилик аънавалари руҳида, шунингдек БМТ Уставига амал қилган ҳолда ҳаракат қилиб, ўзаро маслаҳатлашадилар ва икки томоннинг розилиги билан мамлакатлар хавфсизлиги, мустақиллиги ва территориял бутунлигини таъминлаш мақсатида тегишли чоралар кўрадилар», деб аҳдлашдилар.

1979 йил охирида Афғонистондаги революцион ҳокимиятга хавф туғилди. Совет Иттифоқи 1978 йилги шартномадан келиб чиқиб ҳамда афгон ҳукуматининг қатъий илтимослари ҳисобга олган ҳолда 1979 йил охирида Афғонистонга чекланган миқдордаги қўшилларини киритди. Контрреволюцияни экспорт қилиш учун уриниб кўрилганлиги туйғайлигина Афғонистон Совет Иттифоқига ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Муаллиф Совет Иттифоқи томонидан Афғонистонга Савр инқилоби ғалабаларини ҳимоя қилишда кўрсатган дўстона интернационал ёрдам жаҳондаги революцион прогрессив халқлар томонидан қўллаб-қувватланганлигини таъкидлайди, империалистик ва гегемонистик доираларнинг турли халқаро анжуманларда «Афғон масаласи» деб аталувчи масалани сунъий равишда кўпиртираётганликларини фoш этди.

Монография муаллифи совет-афгон муносабатлари тарихида социализмининг улкан ролин кўрсатиб берган.

Л. Б. Теплинскийнинг китоби СССР ташқи сиёсати ва ҳозирги халқаро масалалар билан қизиқавтган кенг китобхонларда қизиқиш тўғдирмиши шубҳасиздир.

Доно АБДУРАЗЗОҚОВА



ДЕНГИЗ ҚОПЛОНИ

Антарктика сувларида яшовчи йирик йиртқич тюлень — денгиз қоплони асосан пингвинлар билан озиқланади. У сузиб юрган қушларни ё билдирмай сув остидан бориб сув тагига тортиб кетади, ё томчилар фавворасини шовулатиб пурак туриб сакрайди-да, ўз ўлкасига етиб олади. Бу гаройиб денгиз иўжизасининг ташқи қиёфаси унинг ваҳшийлигини кўрсатиб туради. Антарктикада ишлаш жараёнида совет ҳайвоншунос-аквалангистлари кўп марта денгиз қоплонининг ўзларига нисбатан ҳужумкор кайфиятда ҳаракат қил-

ганини сезганлар. Аквалангистни илғаш билан йиртқич шу заҳоти унга томон интилади, доирани тобора кичрайтириб унинг атрофида сузади ва ўзининг қудратли тишларини намойиш қилиб озини катта оқади. Қўрқитадиган ҳеч бир нарса денгиз қоплонига таъсир этмайди — муз устига чиқиб олишдан ўзга чора қолмайди. Музда денгиз қоплони қийинчилик билан ҳаракат қилади, шунинг учун у ерда хавфли эмас. Бизнинг мамлакатимизда унинг тулмуши — сомон тигилган териси биргина СССР Фанлар академияси-



нинг Ленинграддаги Зоология музейида намойиш этилади.

«Наука и жизнь» журналидан олинди

СИМФОНИЯДА ЗАМОН РУҲИ



М АНА, нияҳат ҳар парда ордин тингловчилар орқиб кутаётган таниш композитор сахнага чиқиб келди-да, ҳаммага оҳиста тазйим қилиб, роля қаршига ўтирди, ўзининг янги симфониясини ижро эта бошлади. Санъат мухлислари борлигини баҳор шабадасидек ёқимли, нафис туйғулар қамраб олган. Уларнинг ҳаёлида жўшқин фикрлар мавж уриб, андан буён ўзлари излаб юрган ҳикमतларни таралаётган куйдан толгандай бўладилар....

Симфония... Симфонияни тушунмоқ учун аввало тингловчи маълум руҳий тайёргарликка, билимга эга бўлиши керак. Симфониянинг мазмунини терең тушунганларгина ундан олам-олам маъно топа оладилар: Дарвоқе, Гёте айтганидек: «Сўз татом бўлган жойдан музика бошланади». Бу ерда сўз ёки ҳаракат йўқ. Бу ерда музика бор ҳолос.

Ҳис-туйғулар оламига шўнғиб, роля четраётган бу ёш композиторнинг муваффақияти шундаки, у музиканинг сеҳрини болалигиданоқ тушуниб олган ва бир умрга куйнинг шайдоси бўлиб қолган. У тингловчилар билан музика тилида гаплашади. Қарийб йигирма беш йилдан буён шундай.

Оддий деҳқон Мирҳожии аканинг халқ кўшиқлари, шашмақом куйларига ихлос билан эди. Тошкентнинг Юнусобод қишлоғидаги бу хонадондан куй, кўшиқ оҳанглари кўшни хонадонларга даярли ҳар кун таралиб турарди... Мирсодиқ 8 ёшидан оққоқда ташкил этилган музика тўғарига қатнай бошлади. Бу тўғаридан эса чанг чалишни, ақаси Мирҳалилдан эса ғижоқ, скрипка чалишни ўрганди. Урта мактабини тугатган, Тошкент музика билим юртига ўқишга кирди. Билим юртида ҳаммадан ҳам кўпроқ унинг куй яратишга қобилияти кучли эканлиги тез орада ўқитувчиларига маълум бўлди. Мирсодиқ чанг мутахассислиги бўлимадан музикашунослик ва композиторлик бўлимига ўтказилди....

1965 йилда Мирсодиқ Тожиёв билим юртини тамомлаб, Тошкент Давлат консерваториясининг композиция бўлимига ўқишга кирди. Консерваторияда у музика, симфониянинг ривожига улкан ҳисса қўшган, бу жанр мавзуси ва мазмунини бойитган рус классиклари П. Чайковский, М. Глинка, А. Бородин, А. Глазунов, С. Панеев, С. Рахманинов, А. Скрябинлар, шунингдек, симфонияни янги босқичга кўтарган, XX аср симфонияси усталари сифатида доғрув қозонган совет композиторлари Н. Мясковский, С. Прокофьев, Д. Шостаковичлар ижоди, маҳорат сирлари билан чуқур танишди. Бу композиторлар ижоди кўнгина республикалар қатори Ўзбекистонда ҳам симфониянинг ривожланиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилганини ўқитувчиларидан эшитиб, кузатиб борди. Бўлажак бастакор 20-йилларда республикада В. Успенский, 30-йилларда Р. Глиэр ва С. Василенко томонидан симфоник оркестр учун қайта ишланган халқ куйлари ва ўлар асосида ёзилган сюита, поэма, увертюралар билан танишди. 40-йилларда ўзбек совет композиторларидан М. Ашрафий, М. Бурҳоннов, М. Левиев, шунингдек, А. Козловский, Г. Мувель ўзларининг дастлабки симфоник музикаларини ёзиб, бу жанрнинг шаклланиши ва оёққа туришида муҳим роль ўйнаганликларини билиб олди. Республикада шундай муҳим аста-секин симфоник музиканинг барча турлари ривож топган эди. М. Ашрафий, М. Штейнберг, И. Акбаров, Д. Зокиров, С. Жалил, С. Юдаков, Б. Гиенко ва бошқа бастакорлар симфоник музиканинг турли жанрларида ижод

қилдилар. Алексей Козловский истеъдодли композитор сифатида бир неча халқ куйларига музикалар бағишлаб, симфонияни халқ руҳига янада яқинлаштирганлиги унда чуқур таассурот қолдирди. У кейинчалик симфоник музика яратиш учун кўпроқ ана шу йўлни маъқул қурди.

70-йилларда Иқром Акбаров каби машҳур композиторлар етакчилигида Мирсодиқ Тожиёв ва унинг тенгдошлари Тўлқин Қурбонов, Рашид Ҳамроев, Мирҳалил Маҳмудовлар бу жанрнинг иттиҳодкорлари сифатида танилдилар. Тўлқин Қурбоновнинг беш симфонияси, Рашид Ҳамроевнинг Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи асосида ёзилган «Йўли ва Гулнор» поэмаси, Мирҳалил Маҳмудовнинг мақом оҳанглари асосида яратилган «Наво» симфонияси, Нурулла Зокиров ва Мустафо Бафоевнинг турли темадаги симфониялари музика ихлосмандларининг эътиборини қозонди. Булар орасида айниқса Уйғун ва Изаат Султоннинг «Алишер Навоий» драмаси асосида Мирсодиқ Тожиёв томонидан яратилган «Шоир сеғиси» симфоник поэмаси ёш композиторлар концертида музика мухлисларининг тилига тушди, устоз композиторларнинг диққатини тортди. Шунингдек, бу симфоник поэма Москвада бўлиб ўтган ёш композиторлар Бутуниттиҳод конкурсида I даражали диплом билан тақдирланди. Бу муваффақият ҳали консерваториянинг учинчи курс талабаси бўлган Мирсодиқ Тожиёвни янги изланишларга руҳлантирди.

У эркин, қалбида янги бир музика қайнаб чиқа бошлаганда, нимадир унга қаттиқ туртки бўлгандагина ижод қилишга одатланди. Ғамгин, ўта маънос халқ куйларига Иқром Акбаров устозлигида қувноқ оҳанглари уйғунлаштириш натижасида даврий маъносини ўзига сингдирган янги шодиёна куйлар дунёга кела бошлади. Шу тарихда унинг ҳар бир янги симфонияси халқ дилига яқин бўлиб борди. Халқ унинг симфоник куйларини зўр қизиқиш билан қабул қилганини кўриб чексиз қувонарди. «Менинг симфонияларим театрга келган музика мухлисини аввало оғир ўй-ташвишлардан озод қилиши, унга ором, қувноқ қайфият бағишлаши, руҳини янги муваффақиятларга тоблаши лозим»,— деб ўқитарди у ўзига ўзи. Унинг халқ куйларидаги айрим парча ва оҳанглр асос қилиб олинган ёки фольклор руҳи билан сурғорилган мустакил асарларининг даярли ҳаммаси ҳам ана шундай ўз-ўзига талабчанлик, ижодий қайнаш музика ижод қилишга қалбда кучли эҳтиёж сезиш онларида дунёга келганлиги, ўзига ҳослиги билан тенгдошлари ижодидан алоҳида ажралиб туради. Унинг ҳар бир симфонияси кучли гражданик туйғуларига йўриқлиги билан ҳам диққатга сазовор. Бу жиҳатдан унинг йирмик мавзуларни ифодалаган имкон берувчи, музиканинг катта ва мураккаб турларидан бири— симфонизга мурожаат қилиш ҳам бежиз эмас. Гарчи М. Тожиёв бошқа бир қанча жанрлар— оммавий кўшиқ, камер музикаси, кино музикаси ва сахна асарларига тез-тез мурожаат қилиб, кейинги вақтларда тўлақонли етук асарлар яратган бўлса ҳам, унинг ижодида симфоник музика, симфония жанри етакчи ва салмоқли ўринни эгаллайди. У асосан халқ куйлари асосида яратилган симфониялари билан юракка яқин ва ардоқли.

Масалан, бастакорнинг Ҳамид Олимжон дostonи асосида ёзилган

«Ойгул билан Бахтиёр» 2-симфония-балетига халқ ҳаётининг турли томонлари, унинг енгилмас кучи, шодлик тантанаси ва эзгу ниятлари ўз ифодасини толган. Асарнинг якунида тўй маросимларида айтиладиган «ёр-ёрнинг нафис оҳанглари халқ намойишини ифодаловчи кўтаринки садолар билан уйғунлашиб кетади.

Ёш композиторнинг 3-симфониясини олайлик. Бу симфонияда халқимизнинг шонли тарихий саҳифалари ва порлоқ истиқболи ифода этилади. Симфонияни тинглаш жараёнида ўзининг ўша унутулмас тарихий воқеаларнинг иштирокчисидай ҳис этасиз. 3-симфониянинг II қисмига асос қилиб олинган маҳзун, лирик характердаги «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонидан олинган «Боламга ўхшайди овозинг сенинг» кўшигида куй йўли кескин ва шиддатли тарзда намойиш бўлади. Демак, куйнинг асоси сақланган ҳолда, унинг ҳолати тубдан ўзгаририлди.

4-симфония Улуғ Ватан уруши даҳшатларини ёдга солувчи ғалаёли оҳанглр билан бошланади. Симфониянинг ривожланиши жараёнида совет халқининг мустақкам иродаси ва тарихий ғалабалари юргимизга ором бағишлайди. Симфониянинг финал қисмида ғалаба тантанасини тасвирлаш учун бастакор байрам ва сайилларда чалинадиган «Сурнай дучаваси» куйини асос қилиб олади ва ўз олдига қўйган мақсадига эришади.

Ҳамза хотирасига бағишланган 6-симфонияда «Яша, Шўро», «Ишчилар, уйғон», «Ҳой, ҳой, отамиз» каби инқилобий куйларнинг асоси эркин талқин этилади. 9-симфониянинг «Мўғулчан Дугоҳ», «Соқйнома» ва «Уфур» қисллари ҳамда «Сараҳбори Дугоҳ»га асосланган 4-қисми ҳам мақом оҳанглари ўзлаштириш орқали дунёга келган.

Маълумки, халқ куйларига мурожаат қилишнинг ўзини асар муваффақиятининг гарови бўла олмайдиган, албатта. Мирсодиқ Тожиёв халқ куйларидан фойдаланиш билан бирга, ўша куй ва оҳанглрнинг руҳига мос ифода воситалари ва уларнинг табиий ривожланиш услубларини ҳам топади. Масалан, миллий куй ва ашуларларнинг ижрочилик услуби ёки бўлмаса танбур, дутор, ғижоқ, сурнай садоларини акс эттириш масаласини олайлик. Сержиолики, нота ёзувида ифода этиб бўлмайдиган нафис нола ва қочиримлар Шарқ музикаси, жумладан, ўзбек халқ куйларининг ажралмас бўлакларидан биридир. Буни яхши тушунган Мирсодиқ Тожиёв симфония ва ўзбек музикасига хос бўлган шакллари кенг миқёсда узара уйғунлаштиришга эришади. Симфония кўп қисми асар бўлиб, биринчи қисм «соната аллегросси» шаклида бўлиши керак. Соната аллегросси— икки қарама-қарши мавзудаги куй йўлининг ривожланишига асосланади. Ана шу икки куй ривожланиши— куйларнинг асл ҳолда намойиш этилиши, мазкур куй йўллари ривожланиши, уларнинг узара уйғунлашуви каби босқичлардан ўтади. Ана шу соната аллегросси шаклини янгилаш талқин этишда, унинг принципалари «огзак айнадага профессионал музика» деб юритилганда мақомлар ҳамда шунга ўхшаш куй ва ашула йўллари хос бўлган хусусиятлар билан яқинлаштиришда Мирсодиқ Тожиёв ажойиб ижодий ютуқларни қўлга киритди. Жумладан, бунга миллий куйларга хос бўлган ривожланиш услублари— бир-бирига чексиз уланиб борадиган кенг на-

фасдаги куй йўллрнинг аста-секин авжига интилиши, ўзгарувчан ва такорланувчан куй бўлаклрнинг мутасил алмашуви ва юқорида зикр этилган соната аллегро принциплари кўриб борасидаги хизматини қўрашиш мумкин.

Бастакорнинг айрим симфониялари тўлағича миллий музикага хос бўлган шакллрда яратилди. Масалан, 9-симфонияда соната аллегросси шаклида ёзилган бирон қисм йўқ, бастакор бунда симфония услубини анъанавий музика асосларига таянган ҳолда ўзлаштиришга ҳаракат қилади.

Мана, бастакорнинг «Шоир сеғиси» ilk симфоник поэмасининг яратилганига ҳам ўн беш йил бўлди. Шу йиллар мобайнида Мирсодиқ Тожиёв томонидан яратилган ўнлаб симфоник куйлар ҳатто Москва, Ленинград каби маданият марказларида ва қардош социалистик мамлакатларда ҳам муваффақиятли ижро этиб келинмоқда. Бу ёш композитор учун чексиз бахт, албатта.

Мирсодиқ ўз ижодини ривожлантириш билангина чеклиниб қолмай, республика композиторлар союзининг секретари сифатида ҳам музика-камиз ҳаётида рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга ҳамшира фаол ара-лашади. 1974 йили унда кўҳна Сармақанднинг 2500 йиллик тўйи ара-фасида Регистон майдонида рангли музика панорамаси ташкил қилиш фикри туғилди. Бу иш режиссёр А. Узоқов билан ҳамкорликда амалга оширилди. Ҳар оқшом Регистон майдони шаҳар ёшлари, студентлар, саёҳатга келган туристлар билан тўлади. Улар кенг майдонга қўйилган скамейкаларда ўтириб, панорамани томоша қиладилар. 500 дан ортиқ прожекторнинг ранг-баранг нурулари саҳнада музика оҳанглри жўрлигида жилпонади. Гўё музикадан ранг-баранг нур таралаётгандай туюлади...

— Ҳар бир симфония бадиий асар сингари тингловчлар учун янгилик бера олиши керак. Икки оқим бунга қудратли манба бўлиб хизмат қиладиган, дейди у.— Уларнинг куйи ўзбек халқининг музика мероси, иккинчиси, замонавий музика.

Атоқли совет композитори Қора Қораяв халқ музикаси ижодини улкан музтоғларга қис қилади. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳа, халқ музикаси жуда бой ва миқёслидир. Унга қанча самимий меҳр билан оқилна муносабатда бўлинса, у ўз сеҳри, бойликлридан шунча баҳраманд қилверади. Ҳали эндигина 40 баҳорни қаршилаётганига қарамай, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби уновонини олишга сазовор бўлган, симфоник музикамининг етук намоёнаси сифатида танилган Мирсодиқ Тожиёвнинг ҳаёлида пишиб етилган, музикага, нота қозғоғига тушишнинг кутаётган ранг-баранг мавзулар бекисоб. Унинг ўзбек симфоник музикаси анъаналарини янада ривожлантиришга, талабчан музика шайдоларига манзур замонавий йирик мавзуларни ифодаловчи янги-янги симфониялар яратишга тилакдошми.

Олпоназар МАТЕҚУЛОВ,
санъатшунослик кандидати



ҚАМАЙ— БАХШИЛАР ВАТАНИ

Малик МУРОДОВ,
филология фанлари доктори

Биз Чим қишлоғига кириб борганимизда, қош қорайиб қолган эди. Ялангидка бир тўда одамлар гивир-пашер, катта дошқозонлардан чиқаётган ҳовур, лаззатли таом хиди улкан бир шодиенадан дарак берарди. Чор атрофи қир-адирдан иборат хушманзара Чим қишлоғини бир кўрсангиз эди бундай пайтларда!.. Бундай пайтларда фольклоршуноснинг ёстиғи — чим, тўшаги — ямояшил ўтлоқзор, чироғи — ой, суҳбатдоши — юлдузу юлдузи ёруғ одамлар...

Дабдурустдан, ёқимли дўмбира куйи сукунати бузиб турган чигирткалар овозини босиб кетди:

Чим қишлоғи — ўтовли,
Тоғлари бор — оқ тоғли,
Бахшиси бор — мақтовли,
Мадҳин куйла, дўмбирам.

— Ана, Тошкентдан ўдага меҳмон ҳам келиб қолди, — деди бахши бизни кўргач, ён-вердагиларга имо қилиб.

Шоҳсупада узоқ-яқиндан келган меҳмонлар жамулжам эди! Даврада деҳқонбодлик Абдуқодир Раҳим ўғли, шаҳрисабзлик Зоҳир Кўчқор ўғли, нарпайлик Остонақул бахши машҳур Мардонақул бахши Алиёқул ўғлининг жияни — чироқчилик Азим шоир ва бошқалар мушоираси авжида эди. Ҳа, дostonчиларнинг одати шунанча: кўнглига ўрнашган кишилар тўпланишди, ортиқча майда-чуйда гапларни йиғиштириб қўйишади-да, дарров қўлга дўмбира олиб, қўшиқ бошлашади. Бу гал ҳам худди шундай бўлди: Бирпасда ўзига хос бахшилар мунозараси — беллашув бошланиб кетди. Зоҳир бахши дўмбирасини сайратиб бўлиб, унга дам берган ҳам эдики, Азим шоир «тулпорни» — дўмбирасини «қамчилади»... Абдуқодир бахши бўлса, ҳар

галгидек, қайнаб-тошарди. Тумонат одам сел бўлмоқда. Бундай ҳолларда чарчок ҳам унутилади-да! Ҳар эҳтимолга қарши ён чўнтакда доимо тайёр турган қоғоз билан қаламини беихтиёр қўлга олади киши.

Тонг отай деб қолган бўлса ҳамки, ҳеч кимнинг кўзгалуси келмасди, гўё қандайдир сەҳр бор эди бу бахшиларнинг ўзига хос «рақобати»-да. Ниҳоят, қўшиқ навбати Ҳазратқул беихтиёр қўлга олади киши.

Яхшилар ичда етишар бахши,
Бахшилар бўлар одамзоднинг пақши.
Чечанин алим дер: «Яхши бу бахши».
Булбул ҳам тан берган бахшилар яхши.

Биз бу қўшиқни тинглар эканмиз, ўтмишда қадрини топмай, кўзи юмилиб кетган не-не улуг чашмаларни хаёлдан ўтказдик. Аникроғи, Қамай дostonчилик мактабига мансуб табарруқ бахшилар номини эсладик. Зеро, биз улар ҳақидаги маълумотларини кўп йиллардан бери ўрганиб келардик.

Қамай дostonчилик мактаби тахминан XVIII—XIX асрларда ҳозирги Қашқадарё областидаги Қамай қишлоғида шаклланган бўлиб, то ҳозиргача унинг аъёналари давом этиб келади. Биз учрашиб сўхбатлашган кишиларнинг айтишларича, Қамай дostonчилик мактабининг йирик вакилларидан бири саводли Мулла Холназар бахши (XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Сартбўгажали қишлоғида яшаб ўтган) фарзанди йўқлигидан: «Мени эслаб юришар», деган мақсада Мухторхон деган муллани уйига олиб келиб, унга «Нуралининг ёшлиғи» дostonини ёздириб қолдирган экан. Бу кўл-ёзма дoston нафақат Қашқадарё дostonчилиги, шу жумладан, умум-

ўзбек халқ дostonчилигини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади, деган умиддамиз. Айтиш мумкинки, ўзбек фольклоршунослиги тарихида халқ эпик дostonчиларини жонли ижро шароитида, яъни бахши ижросида тўла равишда ёзиб олинган маъзур дoston кўл-ёзмаси Мухторхондан кейин Бозор Омонов қўлига ўтади. У, шу тариқа, қўлдан-қўлга ўтиб юраверди. Унинг қаердалиги, кимнинг қўлида сақланаётганлиги то шу кунгача номаълум ҳолда эди. Хатто фольклоршуносликка оид баъзи манбаларда бу дoston йўқолган, деб эълон қилинган эди. Аммо, хайратанки, бу хабар нотўғри бўлиб чиқди.

Биз «Нуралининг ёшлиғи» дostonи кўл-ёзмасини бир неча йиллардан буён излаб юрардик. Бундан хабар топган Ҳазратқул Худойберди ўғли кейинча бизга шу мазмунда хат-хабар йўллади: «Қамай... XVIII—XIX асрларда ва XX аср бошларида ўз атрофидаги элатларга қараганда анча тараққий этган бўлиб, бу элдан жуда кўп шоир ва бахшилар, муллалар ўтганини ҳали-ҳали таъриф-таъсиф этадилар. Лекин улардан бирор намуна бизгача етиб келмаган. Фақатгина мулла Холназар бахшидан бита «Нурали» деган дoston-кўл-ёзма қолган. Яқинда у менинг қўлимга тушди.

Маълум бўлишича, бу дoston-кўл-ёзма 1860 йилларда ёзилган бўлиб, уни дostonчи ўз яқини Мухторхон эшон билан биргаликда қозоғга туширган. Мулла Холназар доверуги кетган бахши бўлган.

Ҳазратқул бахши яқинда Тошкентга келиб, кўпчиликни қизиқтириб юрган дoston-кўл-ёзмани УзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти Ҳоджа Зариф номидаги фольклор архивига топширди. Ҳозир ҳам бу ноёб топилма шу даргоҳда сақланмоқда.

...Қамашидан тахминан ўн беш-йигирма чақирим гәрбда жойлашган Қамай қишлоғи (ҳозирги «Фарғона» ва Гагарин номидаги совхозлар территорияси) илгарилари ўн икки қишлоқдан ташкил топган бўлиб, унда қарийб минг хонадон яшарди. Қишлоқ аҳолиси асосан бугажали уруғидан. Кўпни кўриб, кўпни билган қарияларнинг нақл қилишларича, бундан уч юз-тўрт юз йиллар илгари Қамайнинг гәрбий чеккасида «Қамбар тепан» деб аталган бир жой бўлган. Ота-боболари Бойсун ва Шеробод томонларидан кўчиб келиб, шу жойда чорвачилик ва деҳқончилик билан шугулланиб ўтқолашган. Бугажали уруғига мансуб кишилар чорвачилик, деҳқончилик, чавандозлик, ёяндозлик, дostonчилик билан донг тартганлар. Ривоят қилишларича, Қамайда 64 нафар бахши яшаб, ижод ва ижрода доврүк қозонган. Қамай дostonчилик мактаби вакиллари орасида асосан «Алломиш», «Гўрўғли», «Авазхон», «Нурали» каби «Гўрўғли» гуркуми дostonлари, «Осуф билан Аҳмад» каби ўзбек халқ дostonлари кенг тарқалган ва севиб айтилган.

Куйида, Қамай дostonчилар мактабига оид қимматли маълумотларнинг бир қисмини, аникроғи, Қамай бахшилари таъриқини келтираемиз: 1. Ойназар бахши (XIX аср бошларида яшган дostonчи Эрка оксоқолнинг отаси). 2. Абдукарим Жуйрук (Қорақўрт қишлоғидан). 3. Хидир бахши (Кизилқум қишлоғидан). 4. Шерқул бахши (Сартбўгажали қишлоғидан, Бозор шоирнинг устози). 5. Мулла Холназар (Сартбўгажали қишлоғидан). Ривоят қилишларича, бирор бахши мулла Холназар олдида дoston куйлаганда, бандларини тугалланган шаклда айтмаса, сакталикка йўл қўйса, дарҳол уни куйлашдан тўхтатиб, танбех берган. Шоир дostonни ҳаммавақт ёқимли, пухта ва даврадагиларга манзур ҳолда айтишни талаб қилган. 6. Тўлаш шоир (Улмас қишлоғидан). Маматқул бахшининг отаси ва устози). 7. Шамшир шоир (Улмас қишлоғидан). 8. Эшмурод кўр шоир. (Мирзапўчок қишлоғидан). Ривоят қилишларича, Эшмурод жуда чечан шоир ўтган.


Мени худо қилди кўр,
Қўшиқ айтиб бўлдим зўр.
Қўшмидаги дўмбирам
Менга чирой, менга нур,—

деб ўз санъати билан халқига хизмат қилган бири фахрланган. 9. Бобоназар шоир (Қорақўрт қишлоғидан). 10. Мурод бахши ўғли (Қорақўрт қишлоғидан). Машҳур шоир Абдукарим Жуйрукнинг набираси. 11. Бердир шоир (Қорасийрак қишлоғидан). Жуда ўткир шоир бўлган, дейдилар. 12. Аҳмад дўмбиракеш. Бердир шоирнинг фарзанди бўлиб, эл орасида кўплаб дўмбира куйларини маҳорат билан ижро этиб, қизик-қизик термаларни айтиб юрган. 13. Ушо шоир Сербозор ўғли (Мирзапўчок қишлоғидан). 14. Мамат шоир Сербозор ўғли. Ушо шоирнинг кичик укаси. Хозирда ҳаёт. Бугурдек қишлоғида яшайди. 15. Маматқул шоир (Улмас қишлоғидан). Ҳазратқул бахши Худойберди ўғлининг устози. 16. Бозор шоир Шерқул ўғли. (Сартбўгажали қишлоғидан).— Ҳазратқул Худойберди ўғлининг устози Ҳазратқул унинг қўлида 5—6 йил шогирд юриб, дostonлар ва термалар ўрганган. 17. Мулла Хўжамқул (Сартбўгажали қишлоғидан). Фақат битта дoston — «Нуралининг ёшлиғини» дўмбира журғилганда айтган. 18. Назар бахши Шукур ўғли. 1897 йилда туғилган, асли қамайлик. 1940 йилда Тожикистонга кўчиб кетган. 19. Шамол шоир (Улмас қишлоғидан). 20. Холтой бахши Амин ўғли (Учтут қишлоғидан). 21. Мойли Тошев (Оқузгар қишлоғидан). 22. Чори Эшмуродов (Сартбўгажали қишлоғидан). Фақат «Ези билан Зебо» дostonини айтади. 3. Мулла Эшонқул Жумоев ҳам асосан «Ези билан Зебо» дostonини айтади. 24. Пирмат шоир (Чим қишлоғидан). 25. Холдор бахши (Учтут қишлоғидан). 26. Ҳазратқул бахши Худойберди ўғли (Қамайнинг Қорақўрт қишлоғидан). 1920 йили туғилган. У «Гўрўғлининг туғилиши», «Гўрўғли билан Юнуспар», «Авазхон», «Авазининг аразни», «Авазининг олиб келиниши», «Нурали», «Нурали ва Хумор», «Алломиш» каби жами 13 та аъёнаний дostonни билади. Бахши замонавий мавзуларда катта-кичик асарлар ҳам яратган.

Уз-ўзидан маълумки, изланишлар шу тариқа давом этса, ўзбек халқ оғзаки ижоди, жумладан, аъёнаний дostonчилигимиз ҳақидаги таъаввуримиз янада мукамаллашар эди. Мазкур Қамай дostonчилик мактаби ҳақидаги маълумотларни тўплашда бизга шу мактабининг сўнгги вакиллари билан бири Ҳазратқул бахши Худойберди ўғли яқиндан кўмаклашди. Бахшига ўзимизнинг ташаккуримизни айтишни инсоний бурчимиз, деб биламиз.

Оқ айқлар Тошкент об-ҳавосига ҳам ўрганиб қолишди.

В. Таран фотоси



ТУШГА НИМАЛАР КИРМАЙДИ

МУШУКНИНГ ТУШИ

Эшикни ташқаридан бир-икки қиртиллатиб қўйгач, хонага лалайган бир Сичқон кириб келди. «Ия!»— деб юборди Мушук.

— Оқсоқол!— дея чийиллади Сичқон.— Сизга арам бор.

— Арзинг бўлса, сал берироқ келиб гапиргин-да,— уни таппа босишга шайланиб мингирлади Мушук. Кейин Сичқоннинг: «Қўшним билан жанжаллашиб қолувдик», деган сўзини эшитиб, шаштидан қайтди.

— Нима, у сени ноҳақ дўппосладими?— яланиб сўради Мушук.— Қани, ўша қонунбузарни бу ёққа чақириб кел-чи.

— Дўппослагани йўғу кўпчиликнинг ичида мени бекордан бекорга

қақорат қилди,— йиғламсираб дардини айтди Сичқон.

— Ие, ҳали гувоҳлар ҳам бор дегин!— севишиб кетди Мушук.— Хўш, масалани адолатли ҳал қилишимиз учун ўша гувоҳларни ҳам бирга олиб келишимиз лозим бўлганди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, адолатталаб шикоятчи ўз ортидан тўрт-бешта сичқонни эргаштирганча «оқсоқолнинг ҳузурига кириб келди. Мушук мулоимлик билан уларни ўтиришга таклиф қилиб, аста эшик томонга ўтди. Кейин қутилмаганда шаша-пиша эшикка тамба уриб, лақмаларни хона ичига қамаб олди...

Агар у уйғониб кетганда, роса маза қилган бўларди-да.

АЙИҚНИНГ ТУШИ

Тоғда асалари фермаси ташкил этилиб, унга битта мудир керак бўлиб қолди.

— Шунга ҳам бош қотириб ўтирамизми?— дея йиғилганларга мурожаат қилди Тулкивой.— Мана, Айиқбек акамиз кўрдан бўиб асаларчилик билан шуғулланиб кетди. Бу ишни полвон акамизга топширсак, деган таклифим бор.

Тулкивой қайтиб жойига ўтираркан: «Кейин ҳисоблашармиз», дегандек Айиқ полвонга зимдан кўз қадади. Қуён, Кийик, Савсар сингари хашаки ҳайвонлар Тулкивойнинг гапини маъқуллашиб: «Тўғри», «Гапида жон бор», дея бирин-кетин мингирлаб қўйишди.

ТУЛКИНИНГ ТУШИ

Унлаб катта-кичик скелетлар турли паррандалар тилида шовқин солганларича уни қўққис қуршаб олишди. У жон-жаҳд билан ўзини ҳар тарафга уриб кўрди, лекин темир қозиклардек оёқда мустаҳкам турган скелетлар ҳалқасини эриб ўтолмади.

— Қўлга тушдинг-ку, мараз!— Хўроз шаклидаги скелет кейкиб бир қедам олдинга чиқди.— Бизни танимайсан шекилли? Бироқ биз сени эздан чиқарганимиз йўқ.

— Мени яқиндагина еган эдинг.— Қахликка ўхшаб гапирди митти скелет.— Ҳеч йўқ мени таниётгандирсан, паънати!

— Энди бизнинг галимиз келди,— дея гагиллади Урдак-скелет.— Бизни бўғизлаган пайтинда қанчалар жонимиз органини сенга сўз билан тушунтириб бўлмайди. Ҳозир ўша азобини ўзининг бошинга соламини.

— Бу қанақа гап, огайиллар!— қапалаги учиб қичқирди Тулки.— Тушунсаларинг-чи, мен яшаш учун нимаидир ейишим керак-ку, ахир!

— Мени бўғиб ўлдирганингнига қадар веру дунёда беш йилдан кўпроқ умр кечирганим,— ғазабноқ гап бошлади Товуқ-скелет,— Лекин, мен яшаш учун ўзгаларнинг томоғидан

тишлаганимни негадир эслай олмаяман.

Тулки баттар куюниб кетди. — Тўғри, сен шунақа аралгансан. Лекин мен бошқаларнинг жонига ачинадиган бўлсам, унда ўзим ҳаром ўламан. Нега ҳақиқатни тан олмаясизлар, бирдорлар!

— Демак, битта бўлса ҳам, у тирик юриши керагу, биздақангиларнинг юзтаси қирилиб кетса майли экан-да,— атрофдагиларга аланглаб гапга аралашди Ғоз-скелет.— Айбимиз ундан кўра кичик ва кучсизлигимизми? Ҳақиқат деганлари шуми ҳали!

— У бизнинг қонимизни ичаётган пайтда ҳақиқат-пақиқатни гапириб ўтирмаганди,— яна кўкрак керди Хўроз-скелет.— Нега энди биз эзмалик қилиб турибмиз?

Сўнг бошқа скелетларга ўргилиб, бор товушда қичқирди!

— Сол маразини!

Турли парранда шаклидаги катта-кичик скелетлар шовқин-сурон билан тулкининг устига ёпирилишди...

Дод солганича сакраб ўриндан туриб кетган қонхўр Тулки анчагача ўзига келолмай, пўжиклаб ётди. Узини босиб олгач, янида қалашиб ётган суякларни битта қўймай ташқарига чиқариб ташлади.

ЧИГИРТКАНИНГ ТУШИ

Кеча бир Ҳўкиз майсазорда унинг иинни тепалаб ўтганди. Ҳозир ўша молфамини қўққис учратиб қолдию, бора солиб унинг қаншарига аямай мушт торғади. Ҳўкиз гандирақлаб кетган бўлса ҳам, йиқилмади. Баттар жаҳли чиққан Чигиртка қаққон сакраб, унинг қоқ биқинига қаратиб тепиб юборди. Ҳўкиз бир ихраб қўйди. «Зўравонлик қилишни сенга кўрсатиб қўяман!» деб қичқирди аламзада Чигиртка. У Ҳўкизнинг иккала

шоҳидан ушлаб туриб, шартта бир томонга қайирган эди, у эски девордек гурсиллаб ерга ағдарилди ва кўрққандан қаттиқ бўкириб юборди...

Бўкириқчи эшитган пайтдаёқ сесканиб кўзини очган Чигиртка, майсазорга яна пода кириб келаётганини кўриб, дарров ўзини пангага урди, нафасини ростлаб ўтираркан, нозик қўлларига армон билан бир қараб қўйди.



РҲЙХАТДАГИ ТҲЁНА

ИНТЕРМЕДИЯ

[Тўйхона зшиги. Одамлар бирин-сирин ўтиб турибди. Ичкаридан «Қарғалар» кўшиги, қарсақ садоларни устида тўй эгаси Ҳўсан ака чиқади. У бир четга ўтиб, ёнидан пул олиб санайди.]

Ҳўсан. Атиги 90 сўм берибди-я, номард. Уғлини уйлантирганида, 200 сўм тўёна берган эдим.

[Шу пайт кўёвнинг акаси Холмат киради.]

Холмат. Ие, бу ёқдамидингиз, дада? Мен сизни тўйхонадан қидириб юрибман.

Ҳўсан. Хўш, нима дейсан? Тинчликми! Келин-куёв хурсанд ўтирибдими?

Холмат. Улар ошиқ-маъшуқлар... Хурсанд бўлганда қандоқ.

Ош есалар ўртада сарсон илик, Келин чироқ ёғию, ўглингни

пилик.

Чаққаклашиб ўтиришибди. Мен сизни ахтарганим... Карнай-сурнайчилар ижозат сўрашганди. 200 сўмга гаплагилган эди. Иннайкейин, ашулчи, ўйинчиларга берилмадиган пул, нон-войларнинг ҳақи... «12 қоп ун ёпдик», дейишганди. Ҳисоблаб кўрсам, 900 га бораркан. Бирон минг сўм бериб қўйинг менга. Сизни қидириб юрамизми? Мендан олиб кетишаверади.

Ҳўсан. Бу ёғи жуда қизиқ бўлиб қолди, ўғлим. Атиги 90 сўм пул бор.

Холмат. Тўқсон сўм?! «Бел бақувват, ўғилларим, қанча десаларинг пул етарли», деган эдингиз-ку.

Ҳўсан. Тўёнага ишониб, тўйини катта бошлаб юборган эдим. Энди бошим қотиб турибди. Мана бу рўйхатни қара.

[Ўғлига қоғозини узатади.]

54 та одамга тўёна қилган эдим. Бирига 200 сўм, бирига 100 сўм, бирига қўй, бирига гилам, бирига соат. Яқиндагина холангнинг кўёвига 330 сўмга эшшақдек қўй тўёна қилгандим. 30 сўм ҳам бермади. «Заб тўй бўлдию, кабопбазни танлашда хомлик қилибсиз-да, почча», деб менга насиҳат қилган бўлиб кетди. Энди мана бу 90 сўмин олиб тур. Карнайчи-сурнайчиларга айт... Тонготаргача чалаверсинлар. Зора насибаларига тўёна келиб қолса. Ие, ана... Амакиннинг қудаси чиқаяпти. Қизини узатганда, 200 сўм тўёна бергандим...

[Қудаси чиқиб келади.]

Ие, қуда нега баравақт туриб қолдинглар?

Қуда. Раҳмат, ўтирдик. Соат ҳам 11 дан ошиб қолди. Тўйингиз жуда чиройли ўятпти. Карнай-сурнай. Ҳаммаси маъқул. Айнакиса сурнай навоси менга жуда ёқди. Қўшиқчи, ўйинчиларингиз ҳам дуруст. Фақат анови тўдада бир қўшиқчи бор экан. Ёл-

ғиз қолган жўжадай чийиллай-чийиллай жонга тегди.

Ҳўсан. Ҳа, анови... Менгаям ёқмади. Дидингиз зўр! Шинавандасиз— шинаванди!

[Қуда ён қовлайди. Ҳўсан ака пул беради деб гўмон қилади.]

Э, кўяверсинлар, кўяверсинлар... [Қуда ёнидан дастрўмол олиб юзини артади. Ҳўсаннинг энасис қотади.]

Қуда. Жуда тёрладим. Одам кўлда. Ҳовлингиз ҳаммом бўлиб кетди. Қудажон, келин-куёв қўша қаришин. Янаги йил шу пайларда бешик тўйининг ҳаракатида юрган бўлинг. Ушанда мени айтасиз. Келаман, бир мириқиб гапласамиз.

Ҳўсан. Албатта, албатта. Жилла шовшилманг, қуда. Сатторжоннинг машинаси шу ерда.

Қуда. Кўрдим, кўрдим... [Ота-ўғли қудага тўёна қилган 200 сўмин эслатиб қочриқ қила бошлашади.]

Ҳўсан. Жуда ўғил бола йигит. Тўй қилганда 200 сўм тўёна қилган эдим. 300 сўм қилиб олиб келибди.

Қуда. Тўй шунақа. Кори хайр. Кармонга барака.

Холмат. Дада, ҳамма қондош-қариндошларга катта-катта тўёна қилган экансиз. Ҳозир асқотаяпти. Азаматлар орғиги билан қайтаршията.

Ҳўсан. Ҳа, дўст ҳисоби кўнгилда. Улар ҳам тўй қилса, қиммат камарини бойлаб хизматда бўламан. Тўёна берганларнинг ҳаммаларини рўйхат қилиб турибман.

Қуда. Э, бунақа бош огригини нима қиласиз? Мен тўй қилганимда тўёна берганларни ўғлим рўйхатга олиб қўйган экан. Уқиб кўрсам, аллақанча сўм. «Ҳе, бор-е» деб рўйхатни йиртиб, ёқиб юборганман. Сиз ҳам ёқворинг. Тўёна— қарз эмас! Ҳар кимнинг ҳиммати. Сиз уларга тўёна дебсизми? Хайр, омон бўлинглар.

[Қуда чиқади.]

Ҳўсан. Вой жин урган қудамизнинг гапи-ей! Эшитдингиз, ўғлим, бизнинг 200 сўм ҳам ёқилиб кетган экан-да. Яна: «Тўёна— қарз эмас», дейди.

Холмат. Рост-да, у сизга тўёна бер дебдимиз?

[Ичкарида «Қарғалар» кўшиги авжига чиқади.]

Ҳўсан. Келгандан бери «Қарғалар», «Қаргалар» деявериб, жонга тегди. Шу ашуласига ҳам ҳақ тўланадими?

Холмат. Тўланади! Нима, улар қудангизнинг рўйхатидаги тўёнаминики, тониб қутулсак!

Ақром ВАҲОБОВ

«Куф-суфичи ўз хонасида ихлос-мандларнинг камайиб кетганидан нолиб ўтирибди»

«Куф-суф» чи. Бу қандоқ си-ноат! Кундан-кунга ихлосмандлар камайиб кетяпти. Бир ҳартадан буюн бирор жомат қўйламайди-я! Е та-ба! Эзиб ички суровчи аёллардан ҳам дарак йўқ. Е менга кўз тегдим-кан!»

[Шу пайт эшик тақиллайди].
«Куф-суф» чи. Кираверинг, бў-гам. [Ичкарига олтмиш ёшлар ча-масидаги собиқ Умматилло сўфи ки-ради]

Умматилло. Ассалому алай-кум, тақсир.

«Куф-суф» чи. Ваалайкум асса-лом. Келинг, келинг, Умматилло-сўфи.

[Умматилло эҳтиром билан «куф-суф» чи ёнига чўқади.]

Умматилло. Омонмилар, тақ-сир. Сизни жуда соғиндим.

«Куф-суф» чи. Баракалло, мен ҳам сизни соғиндим. Дуои жонин-гизни қилиб ўлтирибман. Ихлосманд деган бунақа бўлмайди-да. Тез-тез хабар олиб турмайсизми ахир?


Умматилло. Тақсир, ҳар хил ишлар билан бўлиб келолмадим, узр. Хабарингиз бўлса керак, илгарй товуқ фермада эдим, ҳозир қўй фермада чўпонлик қилялман.

«Куф-суф» чи. Ана, менинг ду-оимни олган киши борки, кам

бўлган эмас. Мана, қўй фермасига ўтибсиз. Дарҳол келиб мени зиярат қилмайсизми? Узингизнинг ҳам қўй-ларингиз бордир?

Умматилло. Эллик бош қўйим бор, тақсир.

«Куф-суф» чи. Омин! Ҳадемай қўйларингиз беш юз бошга кўпаяди. Ба илми қаромат менга аён бўлди. Яна бир сирни айтاي. Хонадонингиз-да бирор кўнгилисиз ҳодисот рўй бермадимми, мабодо?



Рўза тутдим ор учун,
Ҳар кун палов бор учун...



Охир, врач «ёр» учун...

ҒУЛҒУЛА

ИНТЕРМЕДИЯ

[Улфатлар йиғилган, мамшат авжида.]

Эрмамат. Қани дўстлар, иши-миз ҳамма вақт ўнгидан келаверсин, Бараварига олдин!

[Ҳошимжон бедана бўлиб сайраб, Боқивойга газак тутати]

Ҳошимжон. Ва-вақ, ва-вақ, пит-пилик, пит-пилик! Боқивой ака, бедана гўшти!

Боқивой. Кечагина жўжа эдинг, сайрашингга қараганда ажаб-товур туллак бўлиб қолибсан-ку-а!

Ҳошимжон. Тойчоқ ўсиб от бўлгандай бедана ҳам ўсиб туллак бўлади-да.

Эрмамат. [газакни кўрсатиб] Шу бедана бечора кеча далада париллаб учиб юрган эди. Бугун бизга закуска бўлиб турибди. Тагин ўзингиз ҳам закуска бўлиб қолманг, Ҳошимжон!

Ҳошимжон. Боқивой акамга жоним фидо! Закуска бўлсам ҳам хурсандман. Ва-вақ, пит-пилик, пит-пилик!

Боқивой. Ҳа, ўлма, туллак! Гапдан гап чиқади-да! Менга қаранг-лар, бедананинг тузоққа илинганини кўрганмисизлар? Оҳ-оҳ-оҳ! Ана шу томошани кўрмабсиз, дунёга кел-мабсиз, дўстларим! Бунақа гашт икки дунёда ҳам бўлмайди. Эрта са-ҳар Тузоқ қўйиб, шудрингга бўкиб пойлаб ётибсиз. Юрагингиз гуп-гуп уради. Бир маҳал йўргалаб келаёт-ган беданага кўзингиз тушади. Бе-дана жигилдони тўла бўлса ҳам олтин-дай тарикдан чўкигиси келади. Балои нафси қўймайди, бир-икки чўкйиди. Бирдан алланарсадан хавфсирәб, парр этиб учмоқчи бўлади. Аммо бу пайт буйни қил сиртмоқ, тузоқда бўлади. Ана энди унинг кўзлари жовдирәб, патиллашини кўринг. [Ҳо-шимжонга] Қўлга тушиб қолдинг, бе-дана, тузоққа тушдинг. Бедана.

Ҳошимжон. [қўлида қадаҳ] Ва-

вақ, ва-вақ, пит-пилик пит-пилик! Отайлик, отайлик!

Боқивой. Ҳа, туллак, ўзим сен-га тилладан тўрқоққ қилиб бера-ман.

Соқивой. Боқивой ака, ажойиб балиқ! Шундан закуска қилинг. Узиям кумир-кумир бўлиб пишган. Боқивой. Балиқ ҳам ахши нар-са, дўстларим!

Эрмамат. О, нимасини айта-сиз, луқмаи ҳалол!

Боқивой. Ҳаёт қизиқ эканда, дўстларим. Мана шу вилкада турган балиқни олинг. Шу жонивор кеча сувда сузиб, ўйнаб юрган бўлса ке-рак.

Эрмамат. Тўғри. Эртага Боқивой акамнинг қўлларига закуска бў-ламан деган гап бечоранинг хаёлига ҳам келмаган.

Боқивой. Ҳўш, бу балиқнинг закуска бўлишига ким сабабчи?

Соқивой. [гердайиб] Мен са-бабчиман, каминалари олиб келди-лар.

Боқивой. Бекор айтибсиз. Унинг бу ерга келиб, закуска бўлишига, балои нафси сабабчи бўлган. Дарёга кимдир қармоқ ташлаган. Қармоқда чувалчанг ёки гўшт бўлган. Балои нафси чуқуллаб турган балиқ ўлка олдидан кетаолмай қолган. Хап этиб ўзини ўлжага ташлаган. Қарайдик, қармоқ Тамом, вассалом! Мана энди тарелкада яллайиб ётибди.

Соқивой. Буям бўлса сиз бил-лан бизнинг насибамиз, Боқивой ака. Ҳошимжон. [қўлида қадаҳ] Ва-вақ, ва-вақ, пит-пилик, пит-пилик! Отайлик, Отайлик!

Эрмамат. [қулиб] Биз ҳам... хи-хи-хи, биз ҳам худди мана шу балиқ билан беданаларга ўшаймиз. Ана, Боқивой ака, катта базанинг ди-ректори. Яъни, наҳанг балиқ Ҳошим-жон ўзи ёш бўлса ҳам туллак беда-

Умматилло. Қароматингизга асанно, тақсир, тасанно! Қолпон деган итм бор эди. Бир бедаво дард-га йулиқиб, вафот этди. Ушанинг таъзияси билан бўлиб, сизни кўргани ҳам келолмадим.

«Куф-суф» чи. Ие, ие, сўфи, ха-ёлингиз жойидами? Итга ҳам таъзия тутадими? Ана бемаънилик!

Умматилло. Э, тақсир, жуда хушёр эт эди-да. Юрагимни юлиб кетди.

«Куф-суф» чи. Сакпараст, бат-тол!

Умматилло. Улмаганда, сизга тумор биттириб, бўйинга осиб қўй-моқчи эдим.

«Куф-суф» чи. Итга тумор! Ҳай-хай, сўфи, истиғфор айтинг, муртад

бўлдингиз. Қуруқдан қуруқ топб келган гапингизни қаранг-а!

Умматилло. Қуруқ келмадим, тақсир. [Шу пайт ташқаридан қўй-нинг маъраган товуши эшитлади]. «Куф-суф» чи. Ие, қўй маъраят-тими!

Умматилло. Ҳа, ўша итм қў-риқлаб юрган қўйлардан бирини олиб келиб, йўлагингизга боғлаб қўй-дим.

«Куф-суф» чи. О, баракалло, ба-ракалло! Дарвоқе, шундай хушёр итм ўлди денг!

Умматилло. Улди, тақсир.

«Куф-суф» чи. АФСУС, аФСУС, ўлмаганда ундай вафодор итга тумор битиб берар эдим.

Алл ЖАМОЛ

на. Соқивой склад мудир — лаққа, шилп этиб қўлдан чиқиб кетади. Биз: Абдурахмон, Наби, Турғун акалар оддий магазинчи — чавоқлармиз.

Боқивой. Маст бўлиб қолдимми? Ҳой, Эрмамат, нима деярсиз ўзи!

Эрмамат. Демокчиманки, худ-ди шу бедана, балиқларга ўхшаб бизнинг ҳам нафсимиз ёмон. Узи-миз тўқ-у, кўзимиз оч. Жигилдони-миз тўлиб турган бўлса ҳам бир чў-қиб қолиш пайида бўламиз. Бир кун келиб биз ҳам мана шу балиқ, беда-наларга ўхшаб қармоққа, тузоққа илиниб қоламизми дейман-да!

Ҳошимжон. Боқивой акамлар наҳанг балиқлар! Унча-мунча одам қармоққа илтирға олмайди.

Боқивой. [Ҳошимжонга] Ҳов, шошма, акаси! Сен туллак эмассан, хали темирқанот, полопонсан. Ҳар қандай пихини ёрган туллак, наҳанг, чавақ бўлсак ҳам кўзимизни шира босиб, тузоққа илиниб қолишимиз мумкин. Масалан, тулки ниҳоятда айёр махлуқ. Лекин айёрлигига қарамай у ҳам қолқонга тушади. Ке-линглар, дўстлар, ўша қолқон, тузоқ, қармоқлар бизга юзини тескари қи-син. Шунинг учун ичамиз!

[Шу пайт хонага ҳарбий кийимда Ботиржон кириб келади.]

Ботиржон. Ассалому алайкум! Қимирламанглар, қимирламанглар! [ҳамма ҳайратда бир-бирига қарай-ди]

Боқивой. Биродарлар, илиндик! [Боқивой шилқ этиб стулга ўтиради. Бошқалар столнинг тагидан эмаллаб чиқиб кета бошлайди. Ботиржон Эрмаматни қўлидан ушлайди]

Ботиржон. Дада, нима бўлди сизларга? Дада, бу мен-ку! Ботир-ман, армиядан келдим.

Эрмамат. [секин ўрнидан ту-риб] Ботир! Вой дадагинанг айлан-син. Эсон-омон келдингми, ўғлим!

Ботиржон. Раҳмат, дадажон, раҳмат!

Эрмамат. Э, шунақа қилиб ке-ласанми? Ҳаммамизнинг ўтакамизни ёриб юбординг-ку!

Ботиржон. Нега?

Эрмамат. Биз сени мелиса деб ўйлабмиз. [атрофга] Ҳой, бедана,

наҳанг, чавоқлар! Қайси кавакка ки-риб кетган бўлсанглар ҳам чикаве-ринглар! Келган мелиса эмас, ўғлим Ботир экан [ўзича] хайрият, илин-мабиз.

Ботиржон. Нима деярсиз, дада!

Эрмамат. [довдираб] Йўқ, ўғ-лим, ўзим... Шу, умр ғулғула билан ўтاپти-да.

Эргаш РАИМОВ



Қаллоб қариса...




Сўфи бўлар...


А. ХОЛИҚОВ расмлари

Бу уч шахмат масаласи улуғ аллома, математика фанининг отаси Ал-Хоразмий хотирасига бағишланади. Ҳарф ичига жойлашган доналардан тузилган бу масалаларнинг ҳар бирини да юришни оқлар бошлайди.


Шахмат масалаларини шахмат композицияси ва шахмат бўйича СССР спорт мастери **И. БИРБРАГЕР** тузган.



I масала. Икки юришда мат.



II масала. Икки юришда мат.



III масала. Икки юришда мат.

Чумолилар «маданияти»

Чумолилар ҳаёти ҳам жуда қизиқ... Ёш чумолилар алоҳида жойларда махсус чумолилар қармоғида ўстирилади. Чумолилардан ажратилган махсус энагалар «гўдак» чумоличаларни очиқ ҳавога олиб чиқадилар ва айлантириб

келадилар. Бу ҳолат биздаги яслилар ва болалар боғчаларини эслатади. Беморларни даволаш учун «доктор» чумолилар — чинакам мутахассислар, гигиенадан хабардорлар ва хирургия усталари хизмат қиладилар. Улар даво истаб келганларни бошқалардан аж

ратиб, парвариш қиладилар, лозим бўлса, майибмажруҳ аъзоларни даволайдилар.

Жанубий Америкада деҳқончилик билан шугулланадиган «фермер» чумолиларни учратиш мумкин. Улар дарахтларнинг ерилган жойларини тупроқ билан тўлдириб, ўзлари хоҳлаган ўсимлик уруғини экадилар. Дарахтда осилиб ўсган «боғ-роғлар»нинг ҳосили шу чумолилар томо


нидан ўз вақтида йғиб олинади.

Айрим чумолилар оддийгина усулда экин ўстирадидилар. Улар бошоқли экинларни ўз уялари агрофига экадилар. Вақти-соати билан донлар емиш бўлади, сомони эса, қурилиш материал сифатида ишлатилади.

Ниҳоят, ўлган чумолиларнинг дафн этилиши ҳам инсонлар орасидаги урф-одатларни эслатади. Махсус

юк ташувчилар чумоли мурдасини уядан узокроқ жойга элтадилар, гўрков чумолилар тахминан икки-икки ярим сантиметр ер қазийдилар...

Албатта, чумолиларнинг фаросати борлиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Уларнинг ҳаёти, ода-ти ҳақида сўзлаганда бу ҳашаротларнинг инстинкти ва ташқи муҳитга муносабатини ҳисобга олмоқ лозим.



МУҚОВАДА:

Биринчи бет: СССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Мавжуда САМАТОВА ўз ўқувчилари билан (Б. Аминовнинг журналистнинг 6-бетида берилган «Рус тили муаллими» очеркнинг ўнгини).

Н. ШАРИПОВ фотоси

Тўртинчи бет: Рассом Р. АЛИЕВ ишлаган бу плакат КПСС XXVI съезди қарорларини, Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажараётган замондошларимиз ҳақидадир.

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар авторларга қайтарилмайд.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

ЦИКЛОКРОССВОРД

1. Тожиқ совет адиби, «Восетъ» романининг муаллифи. 2. Билим даргоҳи. 3. Ёввойи атиргул. 4. Ўзбек совет ёзувчиси. 5. Ҳиндистонда Бобурийлар қўридан меъморчилик ансамбли. 6. Олий илмий унвон. 7. Сабзавот хили. 8. Вир мавзудаги уч асар. 9. Пахтакор район. 10. Қимматбахо тош. 11. Фан. 12. Алгебраик инфода. 13. Африкадаги буюк шаршара. 14. Иккинчи жаҳон урушида кўсини инфода. 15. Грузин адабиёти асосчиларидан бири. 16. Геометрик фигура. 17. Оролга жойлашган мамлакат. 18. Анна Алматинская роман-трилогияси. 19. Самарқанддаги обидалар ансамбли. 20. От пойғаси. 21. Республикамиздаги шаҳар. 22. Тоқ туёқли сут эмизувчиларга мансуб баҳайбат ҳайвон. 23. Ҳашарот. 24. Дунёда энг серсув дарё.

Циклокроссворд жавоб сўзларидаги белгиланган тартиб номерларидан тўғри фойдаланиб, қуйидаги цифrogramмани ечинг:

21/3, 19/2, 5/6, 12/3, 22/2, 15/5, 7/6, 21/7, 9/4, 23/5, 1/8, 4/6, 24/7, 11/2, 8/4, 14/3, 18/1, 13/6, 3/7, 6/4, 17/7

Тузувчи: **Инобат МИРЗАЕВА**

7-СОНДА БОСИЛГАН КРИПТОГРАММАНИНГ ЖАВОБИ

I. Гулбаданбегим. II. «Мубаййи». III. Хондамир. IV. Фаргона. V. Деҳли. VI. Робия. VII. Қўшиқ. VIII. Эшикога. Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ. Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик.

БОБУР.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, **Воҳид ЗОҲИДОВ**, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Маҳмуд МУҲИДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз КАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), Ислиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНҲУЖАЕВ.

«Гулистон» — ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим — 333659; адабиёт ва санъат бўлими — 333602; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 325832.

Босмахонага туширилди 20.06.83 й. Босишга рухсат этилди 21.07.83 й. Р — 07322, Қоғоз 70×108¹/₂. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 245240. Буюртма № 1193. Номра — 116.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000. Тошкент. ГСП. «Правда Востока» кўчаси, 26.



Янги ерни ўзлаштирувчилар бригадасига комсомол аъзоси Раҳматжон Халилов (чапдан учинчи) раҳбарлик қилаётир.

Поп районидаги В. И. Ленин номли агросаноат бирлашмаси ишчилари Сирдарё ҳавзаларида балиқчиликни ривожлантиришга катта эътибор бермоқдалар.

«Бирлашмамиз ҳовузларида мана бундай балиқлар етиштирилмоқда», деб фахрланади Анвар Насриддинов.

Ҳ. Ҳайдаров, Б. Юсупов фотолари



ОЗИҚ - ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ - УМУМХАЛҚ ИШИ

ISSN 0134 - 2223
Баҳоси 35 тиғини
Индекс 75233.



КПСС МК
МАЙ
ПЛЕНУМИ
КАРОРААРИ
ҲАЁТГА!

